БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-йил чиқиши

№ 50 (2598).

10 МАРТ СЕШАНБА 1964 йил

Баҳоси 3 тийин.

Янги, коммунистик жамият қуришда асосий нарса шуки, меҳнат унумдорлиги юксак даражада бўлиши керак. В. И. Ленин меҳнат унумдорлигини янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарса деб ҳисоблаган эди. Биз шу дамгача яратилган илмий ва техникавий имкониятлардан нечоғли яхши фойдалансак, вақтдан нечоғли самарали фойдалансак, халқ учун моддий неъматларни мўл-кўл қилиш вазифасини шу қадар тезроқ ҳал этамиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИНТЕНСИВЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРАЙЛИК

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгашида 1964 йил 28 февралда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар! Биз КПСС Марказий Комитетининг Президиумида маслаҳатлашиб, партия қишлоқ хўжалигига раҳбарликни ишониб топширган ходимларни тўплаш ва улар олдига Марказий Комитет февраль Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан амалий масалаларни қўйиш керак, деган хулосага келдик.

Совет халқи партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга қаратилган йўлини зўр мамнуният билан кутиб олди. Энди биз ташкилотчилик ишининг конкрет формаларини топишимиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги янги, катта вазифаларни ҳал этиш учун асосий ишларни белгилаб олишимиз зарур.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш учун ҳамма моддий асослар яратилган ва яратилмоқда. Мен айтишим мумкинки, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада юксалтириш учун кураша биз ҳозиргидек моддий асосга ҳали ҳеч қачон эга бўлмаган эдик.

Партия химияни ривожлантиришнинг катта программасини амалга оширмоқда. Бу йил мамлакат 25 миллион тоннага яқин минерал ўғитлар олади. 1965 йилда эса минерал ўғит ишлаб чиқариш 35 миллион тоннага етади. Бу — ишчилар синфининг, бутун совет халқининг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш вазифаларини ҳал этишга қўшган жуда катта ҳиссаси бўлади.

Шу билан бирга саноат қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, суғориладиган деҳқончилик соҳасида мисли кўрилмаган қўламдаги ишлар авж олдирилмоқда.

1964 йилда қишлоқ хўжалигига Совет ҳокимиятининг бутун тарихи мобайнида энг кўп капитал маблағ ажратилди. Давлат қишлоқ хўжалигига 1953 йилда 985 миллион сўм маблағ ажратган бўлса, бу йил ишлаб чиқариш мақсадларининг ўзигагина 5 миллиард 400 миллион сўм ажратилди. Бу — жуда катта капитал бўлиб, ундан оқилона фойдаланилса, ғоят катта самара олиш мумкин.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини анча оширдилар.

Партия Сталин ҳаёти даврида ўтказиб келинган ва аслида колхоз манфаатларига зид бўлган нархлар сиёсатини қоралади. Ўша даврда тайёрлаш нархлари шу қадар паст эдики, колхозлар маҳсулот сотиш ҳисобига ҳатто ишлаб чиқариш харажатлари ўрнини ҳам тўлдира олмас эдилар. Кўпчилик колхозчилар меҳнатига аслида ҳақ тўланмас эди. Масалан, 1952 йилда бир меҳнат кунига Калуга ва Тула областларида 1 тийиндан, Рязань ва Липецк областларида 2 тийиндан, Брянск ва Псков областларида 3 тийиндан, Кострома ва Курск областларида 4 тийиндан тўланган эди. Кўпгина колхозлар неча йиллар давомида меҳнат кунига бир тийин ҳам тўламасдан келдилар.

Шу муносабат билан қуйидаги фактни эслатиб ўтмасликмумкин эмас. Ўша даврда, аниқроғи 1952 йилда, Сталин колхоз ва совхозларда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан амалий чораларни ишлаб чиқиши керак бўлган комиссия тузишни таклиф қилди. Мен ўша комиссияга аъзо эдим. Микоян, Игнатов ўртоқлар ва бошқалар билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқдик, бу таклифлар камтарона таклифлар эди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорликни ошириш учун, жумладан, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг тайёрлаш нархларини бир оз ошириш кўзда тутилган эди. Сталинга доклад қилдик, у докладни кўриб чиқди-да, бундай деди: Йўқ, бўлмайди, яна ишлаш керак, янги таклифларни киритинглар ва колхозлар ҳамда колхозчилардан олинадиган солиқни тахминан 40 миллиард сўм ошириш кераклигини ҳисобга олинглар. Бу гаплар колхозларнинг бутун пул даромадлари 42 миллиард сўм (эски пул билан) бўлган пайтда айтилган эди. Колхозлар ўша вақтда тўлаб келган солиқ устига қандай қилиб яна 40 миллиард сўм қўшиш мумкин бўларди? Колхозларнинг бутун мулки сотилганида ҳам улар бу солиқни тўлай олмаган бўлур эдилар.

Совхозлардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас эди. Уларнинг маҳсулотини давлат шу қадар паст нархларда қабул қилар эдики, совхозлар рентабел ишлай олмас, хўжаликни фойда берадиган қилиб бошқара олмас эдилар ва одатда зарар келтирар эдилар. «Планли» деб аталадиган зарарлар ўрнини қоплаш учун уларга дотация бериларди. Сталин ўлимидан сал илгари ҳатто совхозларни тарқатиб юборибб, ерларни колхозларга беришни таклиф қилган эди. Ҳа, аҳвол шундай эди, ўртоқлар. Молия министрлигидагилар совхозларга зарарлар ўрнини қоплаш учун яна дотация берилди, деб доклад қилишганида, Сталин бундай деган эди: Совхозлар зарар келтираётган экан, уларга дотация бериш лозим экан, уларни тарқатиб юбориш керак.

Биз ҳаммамиз ўша пайтда ташвишга тушиб қолган эдик, бундай қилиш ярамайди, гап хўжалик формаси сифатида совхозларда эмас, балки уларнинг маҳсулотига белгиланган нархларда, деб айтдик. Бунинг устига, аслини олганда, уларнинг маҳсулотини сотишнинг оқибат натижасини ҳисобга олганда, совхозлар давлат учун фойда келтирар эдилар. Ўша пайтда Сталинни зўрга кўндиришга ва совхозларни сақлаб қолишга эришдик. Аҳвол ана шундай эди.

Партия Марказий Комитети кўрган тадбирлар туфайли колхоз ва совхозларни ривожлантириш учун иқтисодий шароитлар тубдан ўзгарди. Ҳозирги харид нархлари хўжаликни рентабел бошқариш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун жамғарма тўплаш, кишилар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш имконини беради.

Колхозлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳар бир центнери учун ўртача харид нархларини кўрсатиб ўтаман.

	1952 йил (сўм ва тийин)	1963 йил (сўм ва тийин)
Буғдой	0—97	7—56
Маккажўхори дони	0—54	7—66
Нўхат	1—31	20—23
Ловия	1—47	35—00
Қанд лавлаги	1—05	2—87
Пахта	31—88	38—30
Кунгабоқар	1—92	18—10
Тамаки	72—03	176—65
Картошка	0—47	7—10
Сабзавот	1—92	7—52
Мол гўшти	2—03	79—90
Чўчқа гўшти	6—72	98—00
Сут	2—52	12—18
Тухум — минг дона	19—90	70—00
Жун	106—80	378—67

Ўша пайтда ҳам илғор колхозлар бор эди, албатта. Тўғри, бундай колхозлар кам эди, лекин ўша пайтдаги иқтисодий шароитда хўжаликни фойда берадиган қилиб бошқарган колхоз раислари, мутахассислар ва колхозчилар чинакам қаҳрамонлар эди. Ҳозир эса бошқача, қиёс қилиб бўлмайдиган шароит вужудга келтирилди. Ҳозирги мавжуд харид нархлари шароитида мингларча колхозлар ва совхозлар хўжаликни рентабел бошқармоқдалар, асосий капитални кўпайтирмоқдалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни оширмоқдалар. Ҳозир баъзи кишилар хўжаликни зарар келтирадиган тарзда бошқараётган эканлар, бунда гап нархларда эмас, балки ишлаб чиқариш учун, қишларни танлаш, уларни ўргатиш, керакли механизмлар тўплаш, ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш учун жавобгар бўлган ташкилотчиларнинг ўзлари айбдордирлар.

Хўжаликка конкрет, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилайлик

Юксак даражада ривожланган хўжаликлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш жўн ташкил этилган, илгари яккахўжаликда ишлаб чиқариш қандай олиб борилган бўлса, дарлари шу тарзда бошқарилаётган колхозлар учраб турар экан, бундай ҳолга чидаш мумкин эмас.

Ҳозирги қишлоқ хўжалиги йирик социалистик машиналаштирилган ишлаб чиқаришдир, бинобарин, ишлаб чиқариш ва технология даражаси ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак.

Колхоз қурилишининг дастлабки босқичида, биз ҳали механизмларга эга бўлмаган вақтда, колхозларнинг ишлаб чиқариш базаси якка хўжалик деҳқонлар фойдаланиб келган асбоб-ускуналардан таркиб топган эди. Бу асбоблар кўпинча омочдан иборат бўлар эди. Ўша вақтда колхозларда ишлаб чиқариш учун керакли миқдордаги кишилар эмас, балки қишлоқда қанча одам бўлса, шунча одам ишлар эди. Шу сабабли, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ҳеч қандай стимул йўқ эди. У пайтда анча оддий вазифа — ҳаммага меҳнатда бир оз иштирок этиш ва колхоз даромадларидан ўз улушини олиш имкониятини яратиш вазифаси қўйилган эди. Ҳатто, маҳсулот тақсимлашнинг ўзи ҳам сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига қараб эмас, балки жон бошига қараб олиб бориларди.

Афсуски, ишлаб чиқариш шароити мутлақо ўзгариб кетган бўлса ҳам, бу эски усул таъсиридан ҳамон қутула олганимиз йўқ. Биз қудратли индустрияни барпо этдик, колхозларга ва совхозларга миллионларча трактор ва бошқа машиналарни етказиб бердик. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини беради.

Ҳозир ҳам колхоз ва совхозларнинг баъзи раҳбарлари ишчи кучи етишмаётир, деб шикоят қилмоқдалар. Бироқ, масалани чуқурроқ текширадиган бўлсак, гап унда эмас. Одамларнинг етишмаслигига кўпинча шу нарса сабаб бўлмоқдаки, меҳнат яхши ташкил этилмаган, меҳнат унумдорлиги паст. Кўпгина колхозчилар иккинчи даражали, ёрдамчи ишларда, турли маъмурий вазифаларда банд бўлиб қолган. Айни вақтда бевосита маҳсулот етиштираётган, далаларда, чорвачилик фермаларида ишлаётган колхозчилар ва совхоз ишчиларининг унумлироқ меҳнат қилиши учун шароит яратилмаган.

Бу одамлар ўргатилса, улар қўлига техника берилса, дон, қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдор қилинса, у ҳолда ҳозир қишлоқ хўжалик илғорлари эришган кўрсаткичларга қисқа муддат ичида эришмоқ мумкин.

Янги жамият қурилиши даврида коммунизмнинг моддийтехника базасини ҳамда ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг коммунистик принципларига ўтиш учун шароитни тезроқ яратиш йўлида маънавий фактор билан бир қаторда моддий манфаатдорлик ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Биз маънавий факторнинг улуғ кучидангина эмас, — марксизм-ленинизм таълимоти, коммунизм қурилиши, одамни одам эксплуатация қилмайдиган, одам қобилиятига кўра меҳнат қилиб, эҳтиёжига қараб оладиган жамият қурилиши ана шундай кучдир, — балки моддий манфаатдорликдан ҳам фойдаланишимиз керак. Унумлироқ ишлаётган, камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот етиштираётган, янги жамият қурилишига кўпроқ ҳисса қўшаётган кишилар меҳнатига кўпроқ ҳақ тўланишини таъминлашимиз зарур. В. И. Ленин совет экономикаси қурилиши соҳасидаги гигант ишимизда моддий манфаатдорлик принципидан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирганида, бизларни худди шу нарсага даъват этган эди.

Биз колхозчилар ва совхоз ишчиларининг маҳсулот етиштиришни қўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш вазифасини қандай қилиб ҳал этишимиз керак?

Етиштирилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати учун моддий рағбатлантириш йўлидан дадиллик билан бориш керак. Колхозчи ёки совхоз ишчиси қанча кўп маҳсулот етиштирса, у ўз меҳнатига шунча кўп ҳақ олиши керак. Моддий неъматлар яратаётган кишиларни биринчи навбатда рағбатлантирмасак, бошқа кимни рағбатлантирамиз, ахир!

Текисчиликка қарши, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш принципларига риоя қилиниши учун кураш олиб бориш зарур. Текисчилик доимо зарарли иш бўлиб келган эди. Лекин биз меҳнат унумдорлиги соҳасида янги чўққиларга кўтарилишимиз керак бўлган ва энг яхши иш намуналари учун моддий рағбатлантириш ғоят катта аҳамиятга эга бўлаётган ҳозирги пайтда бу нарса айниқса зарарлидир.

Юксак меҳнат унумдорлиги учун курашнинг маъноси нима, бу муҳим ишда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олдида қандай вазифалар турибди? Бунинг маъноси хўжаликни моҳирлик билан олиб бориш, унинг экономикасини билиш, колхозчиларни уюштира билиш, кишиларни тўғри тақсимлаш, жой-жойига қўйиш ва ўргатиш, уларга ўз меҳнатини механизациялашда ёрдам кўрсатиш, ҳақ тўлаш системасини, моддий манфаатдорликни тўғри йўлга қўйиш, ишнинг тақдирини ҳал қилаётган, дон, қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, чой, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштираётган кишилар меҳнатига яхшироқ ҳақ тўлаш демакдир.

Бу — ташкилотчилик ишимизнинг, хўжаликка кундалик раҳбарлик қилишнинг ғоят муҳим бир томонидир.

Ишдаги конкретлик хўжаликка раҳбарлик практикасидаги яна бир муҳим шартдир. Коммунистик жамият талабаси учун экономиканинг аҳамиятини ҳаммадан яхши тушунган В. И. Ленин ҳамма вақт ишнинг кўзини билишга, умумий гаплар ва умумий мулоҳазалардан воз кечишга, ҳамма нарсани амалий иш билан, эришилган натижалар билан ўлчашга даъват этар эди.

Кейинги икки йил ичида партия муҳим ташкилий тадбирларни амалга оширди. Колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари тузилди, партия ташкилотлари ишлаб чиқариш принципига биноан қайта қурилди. Бу жуда соз, бу тадбир ташкилотчилик ишимизни кучайтирди, бу ишни бир мақсадга янада кўпроқ қаратилган ва таъсирчан қилиб қўйди. Лекин, ўртоқлар, раҳбарликни қайта қуришда эришилган натижаларимизга расман эмас, балки моҳият жиҳатидан баҳо берайлик, жиддийроқ ва талабчанроқ бўлиб ёндошайлик.

Ана шундай жиддийлик билан ёндошадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, колхоз ва совхозларга раҳбарлик бўйича янги органлар айрим ҳолларда ҳали ҳам эски методлар билан ишламоқдалар. Ташкилий формалар ўзгарди, лекин ишнинг мазмуни кўпинча эскилигича қолмоқда. Раҳбарлик конкретроқ бўлиб қолди, албатта, чунки ташкилий структуранинг ўзи ишлаб чиқаришни чуқурроқ ўрганиш имкониятларини яратиб берган эди. Лоақал бунга шу нарса сабаб бўлган эдики, область партия комитети, масалан, қишлоқ область партия комитети бўлиб, у, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига партия раҳбарлигини амалга ошириши керак, партия раҳбари колхоз, совхозларга, партия ташкилотларига кўпроқ бориб туриши, ишни яхшироқ билиши керак.

Такрор айтаманки, бу жиҳатдан раҳбарлик конкретроқ бўлиб қолди. Лекин эндиликда бунинг ўзи камлик қилмоқда. Хоҳ саноат ишлаб чиқариши бўлсин, хоҳ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бўлсин, ишлаб чиқариш жуда кўп томонлама бўлганлиги учун у ана шу тармоқнинг ичида чуқур ихтисослаштиришни талаб қилади. У, раҳбарлардан илмий билимларни, янгиликни сезиш туйғусини, ишлаб чиқариш манфаатларига мос нарсаларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ҳамда хўжаликка зарар етказишни мумкин бўлган нарсаларнинг олдини олиш маҳоратини талаб қилади. Марказий Комитетнинг февраль Пленумида айтиб ўтилган мисоллардан бирини яна келтириб ўтмоқчиман.

Эсингизда бўлса керак, Пленумда Бутуниттифоқ ўғитлар ва агро-тупроқшунослик илмий тадқиқот институтининг директори ўртоқ Черемисинов сўзга чиққан эди. У ўз нутқида ўғитлардан фойдаланиш масаласида академик Т. Д. Лисенко билан хуфия мунозарани давом эттирди. Ўртоқ Черемисинов ва баъзи бошқа агрохимиклар соф минерал ўғитларни солиш позициясида турганга ўхшайдилар, ваҳолонки, бошқа олимлар минерал ўғитларни органик ўғит билан аралаштириб солинган тақдирда, улар энг кўп самара беради, деб ҳисоблашмоқдалар.

Бундай мунозарага қандай қараш керак? Мисолларгагина асосланиш мумкинми? Лекин иккала тараф ҳам у йўналишнинг ҳам, бу йўналишнинг ҳам тўғрилигини кўрсатувчи фактларни сизга айтиб бера олади. Баъзан мунозараларда бундай фактлар қандай танланишини сизлар биласизлар. **(Залда жонланиш).**

Хўш, нима қилиш керак, илмий мунозарани давом эттира бериш керакми? Бу фойдали иш, албатта. Бироқ, мунозара қилинаётган масала колхоз ва совхозлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, масала тўғри ҳал этилмай балки тўхтовсиз мунозара қилина берадиган бўлса, ишлаб чиқаришга жиддий зарар етказиш мумкин эканлигини унутиш ярамайди. Олимлар мунозара қилишади-ю, колхоз раислари ва совхоз директорлари зарар кўришади. Улар мунозарани тинглабгина қолмасдан, ўғит ҳам солишлари, ўғит солганда ҳам, энг кўп самара оладиган қилиб солишлари керак.

Органик-минерал ўғит аралашмасининг мухолифлари баъзи капиталистик мамлакатларда ўғитларни кўпинча соф ҳолда соладилар, деб айтмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам америкалик машҳур фермер Росуэлл Гарст, масалан, тупроққа гўнг солмайди. Унинг фикрича, гўнг тайёрлаш, далага олиб чиқиш ва тупроққа солиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан ўзини қоплямайди. Бу иш Гарст учун балки тўғридир. Унинг хўжалиги бой қоратупроқли ерларда жойлашган, у ерларда ёмғир кўп ёғади — минг миллиметрга етади, Гарст фақат бир хил экин — маккажўхори экади. Маккажўхори эса ўзига хос илдиз системасига ва озуқаланишнинг ўз хусусиятларига эгадир.

Бироқ, иқлим ва тупроқ шароити мутлақо бошқача бўлган районлар учун бу тўғри бўладими? Масалан, бизнинг шимолдаги қўшниларимиз — Скандинавия мамлакатларидаги қишлоқ хўжалик ходимлари минерал ўғит гўнг билан аралаштириб солинганида, энг кўп самара беради, деб ҳисоблайдилар.

Германия Демократик Республикасидаги кўпгина илмий ходимлар ва практиклар ҳам худди шундай фикрдадирлар. Яқинда «Шванеберг» халқ имениесининг директори ўртоқ Штруббе КПСС Марказий Комитетига хат юборди. У, жумладан, бундай деб ёзади:

«Мен КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини диққат билан ўрганиб чиқдим. Сизларда қурилаётган химия заводлари қишлоқ хўжалигига қўйилган мақсадларга эришишда тез ёрдам беради.

Бундан бир неча йил илгари мен минерал ўғитлардан органик ўғитларнинг муайян қисмини қўшмасдан фойдаланиш тупроқ бактериялариннг ўзгаришига тез олиб келишига эътибор берган эдим, бошқалар ҳам бунга эътибор беришган бўлса керак.

Органик моддалар билан қўшиб тупроққа солинадиган минерал ўғитлар энг кўп самара беради ва биз доимо шуни кўрамизки, лоақал энг кам миқдорда гўнг солинган тупроқ ўз маданияти жиҳатидан гўнг солинмайдиган тупроқдан жуда катта фарқ қилади».

Ўртоқ Штруббе гапига қулоқ солмаслик мумкин эмас. Мен бу одамни биламан ва унинг фикрига зўр ҳурмат билан қарайман. У, чуқур билимга ва бой амалий тажрибага эга. Ўртоқ Штруббе раҳбарлигидаги халқ имениеси ўтган йили гектар бошига 45 центнердан дон, шу жумладан 50 центнердан буғдой олди. Хўжаликда гектар бошига 350 центнер қанд лавлаги, 200 центнер картошка ҳамда такрорий экин сифатида гектар бошига 500 центнер силосбоп маккажўхори олинди. Унинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимларининг тавсифи мана шундан иборат.

Бизда дон етиштириладиган майдонларда ҳозирча амалда минерал ўғит солинмаётир. Минерал ўғитлардан фақат соф ҳолда фойдаланиш тарафдори бўлган олимларни қўллаб-қувватлайдиган бўлсак, бундан нима келиб чиқиши мумкин? Бизларни истиқболга чорлайдилар, бугун эса мамлакат ҳали етарли миқдорда минерал ўғитларга эга эмаслигига қарамасдан, гўнгни ташлаб юборишга мажбур қилмоқчи бўладилар. Ахир, бу тўғри иш бўладими? Менинг фикримча, бизда минерал ўғит етарли бўлган пайтда ҳам, колхозлар ва совхозлар, айниқса қора тупроқли бўлмаган зонада, гўнг солишдан воз кечишларига ақлим бовар қилмайди.

Мен ўртоқ Лисенко гапларини кўп эшитганман, унинг далаларида бўлганман, унинг ўғитдан фойдаланиш усули самарали эканлигини кўрганман. «Горки Ленинские» хўжалигида гектар бошига 30 центнердан буғдой ва 500 центнердан қанд лавлаги йиғиб олаётганликларининг ўзи Т. Д. Лисенко назариясига энг яхши аттестатдир. Кўпгина хўжаликлар ерни унинг методига биноан ўғитламоқдалар ва бу усулдан ишнинг кўзини билиб фойдаланаётган кишилар ижобий натижаларга эришмоқдалар. Дуруст, органик-минерал аралашмадан фойдаландим-у, яхши натижа олмадим, деб айтувчилар ҳам бор. Бу хусусда нима дейиш мумкин? Печь қуриш осонга ўхшаб кўринади-ю, лекин бу ишни ҳар бир киши ҳам эплай олмайди. Органик-минерал ўғитлар аралашмаси хусусида ҳам шуни айтиш мумкин: бу аралашмани тайёрлашни ва ерни тўғри ўғитлашни билиш керак.

Органик-минерал ўғитлар аралашмаси ҳақида гап кетаётган экан, қуйидаги мисолни ҳам айтиб ўтишни истар эдим. Бир куни менинг ҳузуримга илгари Россия Федерацияси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри бўлган ўртоқ Смирнов келди. Бундан сал илгари у, Австрияга бориб келган эди. У ерда қишлоқ хўжалиги юксак даражада олиб борилади, бинобарин, кўпгина фойдали нарсаларни кўриш мумкин бўлса керак. У, Австриядан келиб, у ерда органик-минерал ўғитларни аралаштириб солаётганликлари ҳақида қойил қолиб гапирди. Смирнов бу ҳақда қандайдир мисли кўрилмаган янгилик ҳақида гапиргандек гапирар эди. Қисқаси, ҳеч нарсадан хабари йўқ нодон қизни Европага юборгандек бўлибмиз. **(Залда жонланиш).**

Ўртоқ Смирнов гапини тинглаб бўлгач, Сиз академик Т. Д. Лисенко методини, унинг органик-минерал ўғитлар аралашмаси ҳақидаги гапларини биласизми, деб сўрадим.

У ўйлаб туриб: Биламан, — деб жавоб берди.

Энди айтинг-чи, австрийлар қилаётган иш билан Т. Д. Лисенко тавсия қилаётган иш ўртасида тафовут борми?

У яна ўйлаб қолиб, бундай деди: Иккаласи бир хил нарса бўлса керак, деди.

Мен ўртоқ Смирновнинг софдил киши эканлигига шубҳа қилмайман. Лекин бундай ходимдан, Сиз Австрияга нима учун бордингиз, деб сўрамаслик мумкинми, ахир? Москва яқинида, «Горки Ленинские»да тахминан ўн беш йилдан бери аралашмани қандай тайёрлаш кераклигини, ундан қандай фойдаланиш кераклигини амалда кўрсатишяпти. Кўпгина колхоз ва совхозлар эса ана шундай ўғитлардан фойдаланиб, ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Баъзи мутахассислар эса Венага бориб, сўнгра матбуотда мақола билан чиқмоқдалар ва эҳтимолки, минерал ўғитни торф билан аралаштириб тайёрлашнинг Австрия методини жорий қилиш ҳақида диссертация тайёрламоқдалар. Американи қайта кашф қилишнинг, аллақачондан бери маълум бўлган, совет олимларимиз тажрибадан ўтказган, практика тасдиқлаган нарсани янгилик қилиб кўрсатишнинг нима ҳожати бор?

Ҳар ҳолда ўзимизнинг совет ифтихори ҳам бўлиши керак, ахир. Бизнинг фанимиз, Советлар мамлакатимиз ҳаётга йўлланма берган ишлаб чиқариш методлари хусусида бошқа мамлакатни афсал қилиб кўрсатишнинг нима фойдаси бор.

Мен чет эл фани ва практикаси ютуқларини сира ҳам инкор этмоқчи эмасман. Аксинча, партия қурилишимиз манфаатлари йўлида жаҳон фани тўплаган ҳамма энг яхши ютуқлардан фойдаланишга чақирмоқда. Лекин бизнинг одамларимиз қилаётган ишларни камситиш ярамайди. Бу, квассимон ватанпарварлик эмас. Ваҳолонки, бизда тайёрланаётган кванинг ўзи жуда яхши ичимлик. Америка «кока-кола»сидан таъмлироқдир.

Қисқаси, чет эл тажрибасини оқилона қабул қилиш керак, лекин бизнинг фанимиз эришган, колхоз ва совхозларимизда синовдан ўтказилган ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга яхши хизмат қилаётган янги ва фойдали нарсаларни унутмаслик керак.

Ишдаги конкретлик ҳақида гапирар эканман, қуйидаги фактни ҳам айтмасдан ўтолмайман. Биз кўп йиллардан бери колхоз ва совхозларни тупроқни оҳаклашга чақириб келмоқдамиз. Бу вазифани ҳал этишда икки хил нуқтаи назар вужудга келди. Бир хил олимлар ҳар гектар ерга бир неча тонна оҳакни соф ҳолда солиш керак, демоқдалар, бошқа олимлар эса, оҳакни торф ва гўнг билан аралаштириб, камроқ миқдорда солишни маслаҳат бермоқдалар. Бу нуқул агрономик мунозара эмас. Тупроқни оҳаклаш усули экономика билан боғлангандир. Ҳар гектар ерга беш тонна соф оҳак солиш бошқа гап-у, уни аралаштириб беш тонна эмас, балки 5-7 центнер солиш — бошқа гап. Ахир, оҳакни қазиб чиқариш, уни ташиш, тупроққа солиш керак. Шу сабабли тупроқни оҳаклашнинг иқтисодий жиҳатдан самаралироқ методини қўллаб-қувватлаш керак.

Шу билан бирга, бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиш лозим. Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин республика оҳак чиқитлари — сланец кули кўп эканлигини айтди. Тўғри, кул чанг-кукун ҳолида бўлгани учун баъзи мутахассислар уни донадор қилиш кераклигини айтмоқдалар. Бу усул тежамли бўлиб, ўзини оқлар экан, уни донадор қилайлик.

И. Г. Кэбин. Биз чанг-кукун ҳолидаги сланец кулини тупроққа солиш усулини топдик.

Н. С. Хрушчев. Ундай бўлса, бу кулдан албатта фойдаланиш керак. Мен сизларнинг оҳак материалингизни кўрганим йўқ, лекин менга айтишларича, сланец кули дастлабки тайёргарликсиз тупроққа бевосита солишга яралган. Эстонияда миллионларча тонна ана шундай кул тўпланган, қўшни Ленинград области, яқин жойдаги Белоруссия ва бошқа баъзи республикалар эса оҳак материалига муҳтожлик сезмоқдалар, лекин Эстониядаги, аслини олганда, текин хом ашёдан фойдаланмаётирлар.

Эстониянинг ўзида сланец кулидан қанчалик фойдаланилаётганлигини билмайман. Ўртоқ Кэбин балки Сиз бошқаларга тавсия қилиб ўзингиз сланец чиқитларидан тупроқни оҳаклаш учун фойдаланмаётгандирсиз?

И. Г. Кэбин. Республика миллион тонна сланец кулидан фойдаланилмоқда.

Н. С. Хрушчев. Латишлар сизлардан бу материални олаптиларми?

И. Г. Кэбин. Хабарим йўқ.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Пельше, сизлар Эстония сланецни чиқитларидан фойдаланяпсизларми?

А. Я. Пельше. Деярли йўқ.

Н. С. Хрушчев. Тағин Сиз оҳак етишмаётир, дейсиз. Бундай қилиш ярамайди, ўртоқлар. Шўрхок ерларга оҳак солинмаса, минерал ўғит фойда бермайди. Бошқача оҳак материаллари бўлмаган жойларда карьерлар очиш, оҳак тошни саноат усулида қазиб чиқаришни ташкил этиш ва уни колхозларга сотиш керак. Лекин тайёр оҳак материали — сланец кули бўла туриб, бунинг устига у синовдан ўтказилган экан, ундан қандай қилиб фойдаланмаслик мумкин, бу ҳолда баъзи ходимларимизнинг оҳаклашнинг аҳамияти тўғрисидаги нутқлари қандай қадрга эга бўла олади?

Бизда эски бир касал — конкрет ташкилотчилик иши ўрнига умумий гап сотиш, умумий чақириқлар касали ҳали ҳам кучлига ўхшайди. Баъзи ўртоқларимиз қарорларнинг кучига ортиқча баҳо берадилар, баъзан Иттифоқ бўйича қарор қабул қилинган экан, демак, республикалар бу қарорни бажаришга киришадилар, деб мулоҳаза юритадилар. Республикада ҳам баъзи кишилар қуйидагича мулоҳаза юритадилар: пленумни ўтказиб олдик, резолюция қабул қилдик — областларда ҳамма иш юришиб кетади. Область партия комитети ҳақида ўйлаб, улар конкрет иш билан шуғулланади, деб умид боғлаш керак. Ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети эса область партия комитетининг кўрсатмасини олгач, ўз навбатида, колхоз ёки совхозга телеграммалар юборади, кенгашлар чақиради, колхоз кадрларини «туртиб туради». Бошқарма бошлиги ва партия комитетининг секретари нутқ сўзлаб, ўзларидан-ўзлари мамнун бўлиб, «роса бопладик-да, туртки бериб қўйдик, энди иш юришиб кетади», — деб юрадилар. Туртки олган кишилар ҳам ўзларига бўйсунувчиларга туртки бериб қўядилар. Хуллас, ҳамма бир-бирига «туртки» беради, лекин конкрет иш билан кам шуғулланади.

Натижада шу нарса маълум бўладики, иш «ҳеч силжигани йўқ», арава иккала боғаётир, ёки жойидан жилмай ётибди. Муҳим амалий эҳтиёжларга бундай муносабатда бўлиш ярамайди. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг катта программасини қабул қилди. Бу қуруқ гап эмас. Бу қарор давлатнинг моддий ресурслари билан мустаҳкамланмоқда. Партия ва ҳукумат бевосита қишлоқ хўжалиги учун ишлайдиган химия саноатига, яъни минерал ўғит ишлаб чиқарадиган заводлар қурилишига етти йил мобайнида 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратди, электрлаштириш, механизация, ирригация ва мелиорация ишларига жуда катта маблағ сарфламоқда. Биз ирода, қатъият, маҳорат кўрсатишимиз, колхоз ва совхозларда ишни конкретроқ ташкил этишимиз керак. Шу ҳолдагина зарур самара олинади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши биринчи бетда)

Баъзи кишилар, Хрушчев нима учун шу қадар ташвиш билан гапираётир, ишлаб чиқариш бошқармалари ҳозир колхоз ва совхозларга конкретроқ раҳбарлик қиляпти-ку, деб ўйлашлари мумкин.

Ҳа, ўртоқлар, партия ва совет органлари эндиликда конкретроқ раҳбарлик қила бошладилар, хўжаликни яхшироқ била бошладилар, лекин экономика билан ортиқча даражада конкрет шуғулланяпсиз, шунинг учун сал орқага ташланг, деб айтиш учун вақт ҳали эрта. Гап бунда эмас. Мен камчиликлар ҳақида шунинг учун гапиряпманки, биз яхшироқ ишлаш учун тайёрланганмиз, чуқурроқ раҳбарлик қилишга қодирмиз, лекин ўз имкониятларимиздан тўла фойдаланмаётирмиз.

Раҳбарликдаги конкретлик нимага боғлиқ? Кадрларимизга, уларнинг билими ва тажрибасига боғлиқ. Партия ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармаларини тузди. Бу — раҳбарликнинг яхши ташкилий формасидир. Лекин қандай кадрлар танланганлигини, колхоз ва совхозларга раҳбарлик соҳасидаги амалий иш кимга ишониб топширилганлигини биламизми? Бошқармаларда қичитқи ўтни коноплядан ажрата олмайдиган ходимлар ҳам бор. Баъзи кишилар қишлоқ хўжалик маълумотига эга эмаслар, бунинг устига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳам билмайдилар. Бундай кишиларни колхоз раиси қилиб қўйсангиз, икки ҳафтадан кейин уларнинг шармандаси чиқади. Шунга қарамасдан, бундай ходимлар колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш унча қийин иш эмас: телеграмма берсанг, телефон қилсанг, туртки бериб турсанг, иш кета беради, деб ўйлайдилар.

Гап одамнинг керакли билимларга эга эмаслигидагина эмас. Ҳамма бало шундаки, бундай ходим қичитқи ўтни коноплядан ажрата оладиган кишиларга — колхоз раисларига, совхоз директорларига кўрсатма беради ва унга эътироз билдириш мумкин эмас: унинг лавозими баландроқ.

Мартабачилик, афсуски, ҳали ўз кучини йўқотгани йўқ. Қизиқ бир воқеа эсимда. Икки ҳарбий киши — полковник билан генерал ўртасидаги мунозарани кузатишга тўғри келган эди. Овқат вақтида дастурхон устида мунозара қизиб кетди. Полковник ўқимишлироқ киши эканлиги ва у ана шу мунозарада генерални мот қилаётганлиги сезилиб турарди. Генералда ҳеч қандай далил қолмаганидан кейин, у столга бир мушт уриб, бундай деди: «Ўртоқ полковник, ҳаддингиздан ошманг!» **(Залда жонланиш, кулги).** Полковник: «Хўп бўлади, ўртоқ генерал, ҳаддимдан ошмайман», — деб жавоб берди ва индамай қолди. Буниси полковник, униси эса генерал эканлиги, бинобарин, полковник генералга эътироз билдира олмаслиги ва унинг гапига қулоқ солиб, «хўп бўлади» деб жавоб бериши кераклиги дарҳол равшан бўлиб қолди.

Афсуски, қишлоқ хўжалигидаги баъзи раҳбар ходимлар ҳам ўзларининг ҳақ эканликларини ана шу тарзда исботлашга уринадилар. Агар унинг илмий, ишлаб чиқариш далиллари бўлмаса, буйруқбозликка, маъмуриятчиликка ўтиб олади, бу эса колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш практикасида сира йўл қўйиб бўлмайдиган усулдир.

Ҳамма гап одамларга, кадрларга боғлиқ. Биз қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриб олганимизга икки йил бўлди. Шу вақт ичида билимдон ходимларни танлаб олиш, агар улар махсус билимларга эга бўлмасалар, уларни ўқитиш, курслар ташкил қилиб, уларнинг малакасини ошириш мумкин эди.

Кадрларни танлаш ва ўқитиш вазифасини ҳал қилмасдан туриб, биз қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги системаси афзалликларидан тўла фойдалана олмаймиз. Бу система эса яхши система бўлиб, катта имкониятлар туғдиради, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига конкретроқ раҳбарлик қилиш,уни ҳозирги замон фан ютуқлари даражасида олиб бориш имконини беради.

«Сир»ни очиб қўя қолай: Марказий Комитет қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қурган пайтда, биз баъзи нарсаларни Америка Қўшма Штатларидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш практикасидан олган эдик. Мен илмий хизмат кўрсатишни, фан ютуқларини жорий қилишни назарда тутяпман. Фермер хўжаликларига илмий хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг Америка практикаси қай жиҳатдан қимматли? Конкретлик, ишчанлик жиҳатидан қимматлидир.

Америка Қўшма Штатларидаги университетлар ва колледжлар ҳузурида фермерларга хизмат кўрсатадиган бўлимлар бор. Мен АҚШда бўлган вақтимда институтлар иши билан, хусусан фермерларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши билан танишдим. Бу бўлимлар қандай ишлайди? Бу бўлимларда инспекторлар ёки американликлар айтганидек, агентлар бўлиб, улар фермерлар билан учрашадилар, фермерларни у ёки бу методларни жорий қилишга ундайдилар, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар, лойиҳалар ва тавсиялар билан таъминлайдилар. Айтайлик, фермер бройлер жўжалар етиштиришни ташкил қилмоқчи. У, институтга мурожаат қилади, унга чертёжлар, ҳужжатлар ва консультация беришади, бу фермер ҳузурига мутахассис юборишади. Мутахассис бройлерлар етиштиришни ташкил этишда ёрдам беради.

Фермер илмий хизмат кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлайди. Бу пул солиқ шаклида штат бюджетига тўланади. Фермерларнинг бу маблағларидан фермерлик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи мутахассисларга ҳақ тўлаш учун фойдаланилади.

Менга шуни айтиб беришдики, инспектор (агент) иш ҳақининг бир қисмини федерал бюджет ҳисобидан ва бир қисмини маҳаллий бюджет ҳисобидан, яъни аслини олганда, фермер ажратган маблағ ҳисобидан олади. Шундай қилиб, у фермернинг янгиликни қўлланишидан, кўпроқ фойда олишидан, илмий хизмат кўрсатиш эҳтиёжларига, яъни инспекторлар ва бошқа мутахассисларга тўланадиган иш ҳақи учун кўпроқ маблағ ажратишдан манфаатдор бўлади. Агар фермер агентдан конкрет ёрдам ола олмаса, у агентга бошқа гал мурожаат қилмайди ва бундай агент хизматдан кетиши керак бўлади.

Бизда ҳам колхоз ва совхозларга конкрет, яхши ёрдам кўрсатаётган, тавсиялар ва маслаҳатлар бераётган институтлар бор.

Сизлар Марказий Комитет Пленумида Қора тупроқли бўлмаган зона қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш марказий илмий тадқиқот институтининг директори ўртоқ М. Е. Мацепуро нутқини эшитдингиз. Бу совет тузумимизга хос олим, академик, инженер, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини тушунадиган яхши ташкилотчидир. Механизациялаш соҳасида энг қийин вазифалар ўртага қўйилганида, дарҳол ўртоқ Мацепуро майдонга чиқиб, ишга дадиллик билан киришади ва муваффақиятга эришади.

Ўртоқ Мацепуронинг ўзи ёлғиз эмас. Унга ўхшаш кишилар — инженерлар, селекциячилар, агрономлар, зоотехниклар жуда кўп.

Афсуски, ходимлари иш ўргата олмайдиган институтлар ҳам бор. Бундан бир неча йил илгари Саратовда бўлганимда ем-хашак институти билан танишганлигимни эсламасдан ўтолмайман. Саратовдаги қарға қаноти рангидаги ерлар бой қора тупроқли ерлардир. Институт ходимлари, мен уларнинг ташқи қиёфаси ҳақида гапиряпман, виставкага юборишга арзийдиган йигитлар, уларнинг ҳар бирининг ҳусн жамоли ҳар қанақа қизни ҳам маҳлиё қилиб қўяди. **(Залда жонланиш, кулги).** Қани, хўжаликни қандай юргизаётганлигингизни айтиб беринг-чи, деб илтимос қилдим улардан. Уларнинг гапини эшитиб, ҳузур қилолмадим. Институтда ўз чорва моллари учун ем-хашак йўқ эди, ҳаммасини давлатдан олар экан. Шу ҳам ем-хашак институти бўлдими! Бундай институтнинг ходимлари магазиндан нон олиб, ўз молини боқаётган спекулянтларга ўхшайди. Институт раҳбарларининг бундай спекулянтлардан қандай фарқи бор? Фарқи фақат шундаки, улар ўз чорва моллари учун ёпган нонни қопларда эмас, балки донни вагонларда ташиб келтирар эдилар. Бу институтда кандидатлик диссертацияларини ва эҳтимол докторлик диссертациясини ёқлаган кишилар ҳам бўлса керак.

Раҳбарликда конкретликнинг йўқлиги, партия ташкилотларининг кадрларимизга талабчанлик қилмаслиги мана шундай ҳолга олиб келади.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари, илмий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бизда ишлаб чиқаришнинг оқибат натижаси билан боғланмаганлиги ҳам салбий роль ўйнайди. Бошқармалар тузилаётган пайтда дастлабки вақтларда бошқарма харажатларига бюджетдан пул ажратиш, сўнгра эса, бошқарма ходимларининг иш ҳақини колхоз ва совхозлардаги ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ қилиб қўйиш кўзда тутилган эди. Афсуски, биз шу пайтгача ҳақ тўлашнинг мувофиқ системасини ишлаб чиқа олганимиз йўқ. Ҳозир бу ходимлар ишлаб чиқариш ва илмий иш натижаларига қарамасдан, қатъий белгиланган маош олмоқдалар. Бу нотўғридир. Бу тадбир ходимни хўжаликни энг юксак даражада олиб боришга кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга рағбатлантирмайди.

Ишлаб чиқариш бошқармалари, илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни чамаси шундай қуриш керакки, улар оладиган ҳақ ўзлари хизмат кўрсатаётган колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш натижалари билан, шунингдек илм-фан ютуқларини практикага жорий қилиш даражаси билан боғлиқ бўлсин.

Бундай тадбир батамом оқилона тадбир бўлади. Бу тадбир капиталистик хўжаликда қўлланилаётган ва самара бераётган экан, социалистик қишлоқ хўжалигининг шароитида ишлаб чиқариш бошқармалари, зона илмий тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш янада катта натижалар бериши мумкин. Гап шундаки, бизда илм-фан ютуқларини жорий қилиш учун ниҳоятда кенг майдон бор — бизнинг хўжаликларимиз йирик хўжаликлардир. Ўз-ўзидан маълумки, янги методлардан фойдаланиш анча кўп самара беради.

Шу сабабли, ишни шундай ташкил этайликки, илмий ходимлар, ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари маънавий жавобгарликнигина ҳис қилиб қолмасдан, балки уларнинг иш ҳақи хўжаликни бошқариш ва илмий тадқиқотлар даражасига, улар хизмат кўрсатаётган колхоз ва совхозлардаги ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ бўлиб қолсин.

Биз одамларни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ишлаб чиқаришни билсинлар, ишлай олсинлар, уларни ўқишга, билимини такомиллаштиришга, малакасини оширишга мажбур қилиш зарур. Кадрларни тарбиялаш ишида биз ҳозирча фақат маънавий факторга таянмоқдамиз, уларни ишонтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу керакли иш, албатта. Бироқ, шу билан бирга, моддий таъсир кўрсатиш чораларини ҳам топиш, меҳнатга ҳақ тўлашни ишлаб чиқариш натижалари билан боғлаш керак.

Бу гап бошқарма ходимларигагина тааллуқли эмас. Совхоз директорларига ҳам кўпроқ талабчанлик қилиш керак. Зарар келтираётган ва зарар келтирмаётган совхозлар бор. Бизнинг шароитимизда «зарар келтирмаётган» ва «зарар келтираётган» совхоз деган тушунчаларнинг ўзи бўлмаслиги лозим, чунки эндиликда ҳар бир хўжаликнинг рентабел бўлиши учун ҳамма шароитлар бор.

Мен ёшлик пайтимдаги эски Россияни эслайман. От-улови бўлмаган киши камбағал бўлар эди. От билан сигир деҳқоннинг орзуси эди. Бизда ҳозир тракторлар, комбайнлар, автомобиллар сингари ана шундай миллионларча қудратли отлар колхоз ва совхозларга бериб қўйилган. Хўжаликларга кредитлар берилмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, баъзи бюрократлар кредитларга худди ўз пулларидек қарашга ўрганиб қолишган. Улар кредитни олаверай-чи, беш йил ўтгач, тўламасам, зора кечиб юборишса, деб мўлжал қиладилар. Шундай қилиб, текинхўрлик кайфияти вужудга келади. Нима учун шундай бўлмоқда? Бунинг сабаби ҳам малакасиз раҳбарлик, кадрларнинг яхши танланмаётганлигидир.

Бизда партия комитетлари бор, ишлаб чиқариш бошқармалари бор. Баъзан бир колхозга партия комитети ва ишлаб чиқариш бошқармасининг бир неча раҳбар ходими тўғри келади. Бу ходимлар орасида кўпгина мутахассислар, билимдон кишилар, тузуккина ташкилотчилар бор. Шундай бир вақтда колхоз ёки совхозда раҳбарлик ишида ишлаш учун лаёқатли одамни кўпинча қидириб юрадилар.

Энг лаёқатли ходимни даставвал қаерга юбориш керак? деган савол туғилади. Колхозга ёки совхозга, моддий неъматлар яратилаётган жойга юбориш керак, албатта. Бу билан ишлаб чиқариш бошқармасининг ролини камситмоқчи эмасман. Лекин шуни эсда тутиш керакки, колхоз ва совхозда лаёқатли раҳбар бўлмаса, ҳеч қанақа бошқарма ёрдам беролмайди.

Ўртоқлар! Биз раҳбарларни — Марказий Комитетлар ва область партия комитетларининг секретарлари, қишлоқ хўжалик министрлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлари, «Сельхозтехника», планлаштириш органларининг ходимларини тўпладик. Гап нима устида бораётганини тушуниб турибсиз, деб ўйлайман. Биз бирор кишини бирор ишни қилишга даъват этишимиз керак эмас, балки ишни амалий тарзда ташкил этиш керак. Наҳотки, биз ишлаб чиқаришни қандай бошқаришни биладиган малакали кишиларни колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш учун тополмасак? Менимча, сизлар ҳам бизда кадрлар етарли, деган фикрда бўлсаларингиз керак. Бироқ, ишни барбод қилган ходимларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришдан иборат ярамас практикадан воз кечиш керак. Баъзиларингиз уйга қайтиб боргач, қуйидагича мулоҳаза юритишингиздан қўрқаман: Иван Иванович 20 йилдан бери раҳбарлик ишида ишлаб келмоқда. У 20 колхозни барбод қилди, лекин келинг, уни йигирма биринчи колхозга юбориб кўрайлик-чи, балки бирор иш чиқиб қолар. **(Залда жонланиш).**

Бундай қилиш ярамайди. Ёш ходимларни кўтариш йўлини тутингиз. Винница областидаги «КПСС XXII съезди» колхози раиси В. М. Кавунни ҳаммангиз биласизлар. Бу 35 яшар агроном 10 йилдан бери хўжаликка раҳбарлик қилмоқда. Бизда Кавунга ўхшаш кишилар озмунчами, ахир? Минглаб ва ўн минглаб ана шундай кишилар бор, лекин биз ёшларни кўтаришдан қўрқамиз, улар синаб кўрилмаган деймиз. Агар сизлар ёш ходимларни тайёрламасангиз, ишда синаб кўрмасангиз, юқори ишга кўтармасангиз, улар қандай қилиб тажрибали раҳбар бўлиб етиша оладилар. Ёш ходимларга ишонингиз, уларни қўллаб-қувватлангиз, шундагина улар олға борадилар, хўжаликни ишонч билан бошқарадиган бўладилар.

Совет ҳокимияти барпо этилган йилларни эсласангиз, уни ким қўллаб-қувватлаган, амалий вазифаларни ким ҳал қилган эди? Совет ҳокимияти кекса ишчиларгагина эмас, балки ёш-яланғларга ҳам таянди ва енгиб чиқди. Ёшлар яхши жанг қилдилар, астойдил меҳнат қилдилар. Ленфильм студияси чиқарган «Мандат» кинокартинасини кўрдим. Унда Совет ҳокимиятининг барпо этилиши тўғри акс эттирилган. Путилов заводининг ёш ишчилари, уларнинг баъзилари милтиқни зўрға кўтарсалар ҳам, олға бордилар, жанг қилдилар, нон учун курашдилар, қулоқлар ўқига кўкракларини қалқон қилдилар, қатъият билан курашиб, енгиб чиқдилар. Бу воқеа қачон содир бўлган эди? Аллақачонлар содир бўлган эди. Мен ўша пайт билан ҳозирги вақт ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ демоқчи эмасман. У вақтда кадрларимизнинг ҳеч қандай билими йўқ эди. Эндиликда эса ишни қандай қилиб яхшироқ йўлга қўйишни тушунамиз ва биламиз-ку, ахир. Тажрибамиз ҳам кўпроқ бўлиб қолди. У пайтда қандай тажриба бор эди дейсиз? «Буржуйларни ур!» — ана шу шиор остида Совет ҳокимияти учун курашган эдик. Ана шундай давр, қаҳрамонона давр бўлган эди, ўртоқлар, биз ўша даврни фахр билан эслаймиз.

Эндиликда эса бизда юз минглаборча мутахассислар, фан, техникани эгаллаган, катта ҳаёт мактабидан ўтган кишилар бор. Қишлоқ хўжалиги олдида турган янги вазифаларни биз бемалол ҳал эта оламиз.

Ишонаманки, ишга конкрет ёндошилса, ходимларнинг озгина қисминигина алмаштиришга тўғри келади. Партиямиз активининг, мутахассисларнинг, қишлоқлардаги барча меҳнаткашларнинг софдиллиги ва садоқатига ишонамиз. Улар коммунистик принципларимизга, коммунистик идеалларга содиқ бўлиб, халқ учун, партия учун ҳамма ишларни қилишга тайёрдирлар. Бироқ баъзан киши уддалай олмай ҳам қолади.

Колхоз ва совхозларнинг баъзи кадрлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари колхоз ва совхознинг конкрет экономикасини яхши билишмайди.

Шу сабабли, такрор айтаманки, колхоз ва совхозларга, аввало, раис, агроном, зоотехник кадрлар билан ёрдам бериш керак. Лекин шу билан бирга, иқтисодий жиҳатдан айниқса заиф бўлган колхозларни механиклар, тракторчилар, комбайнчилар билан таъминлаш, улар учун муносиб иш ҳақи тайинлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлик системасини ишлаб чиқиш керак.

Кишиларни мазкур колхоз етиштираётган экинларни парвариш қилишга ўргатиш муҳимдир. Машиналар колхоз мулки бўлиб қолган ҳозирги пайтда тракторчиларнинг иш сифати учун, ҳосил учун жавобгарлиги анча ошади. Эндиликда одатда бир кишининг ўзи ҳам трактор бригадасининг бригадири, ҳам далачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб қолди. Шу сабабли, механизатор ўзи фойдаланадиган машинанигина билиб қолмасдан, шу билан бирга, у муайян экин агротехникасини ҳам билиши, агрономия билимлари минимумини эгаллаши керак.

Илғор технологияни жорий қилиш—маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг йирик резерви

Новаторлар тажрибасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологиясини ишлаб чиқаришга жонбозлик билан жорий қилиш—бутун ташкилотчилик ишимизнинг марказида турмоғи керак.

Бу, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш учун, Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашда асосий вазифадир. Ишлаб чиқаришни мамлакатда маҳсулотлар мўл-кўллиги яратиш учун зарур даражага кўтарган одамлар қишлоқ хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида бор. Қисқа вақт ичида ҳамма экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун мамлакатимиз нақадар катта имкониятларга эга эканлигини ана шундай одамларнинг иши мисолида кўрсатиб бермоқчиман.

Кубанлик машҳур механизатор В. А. Светличний тўғрисида илгари ҳам неча марталаб гапирган эдим. У қўл меҳнати сарфламасдан қанд лавлаги етиштириш технологиясини ишлаб чиқди ҳамда бу технологияни колхоз ва совхозларнинг амалий ишида қўлланиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Ўртоқ Светличний звеносида олти одам бор. Улар 170 гектар ерда қанд лавлаги ўстиришяпти, бошқача қилиб айтганда, ҳар бирига 28 гектардан экинзор тўғри келади. 28 гектар лавлаги-я! Мария Демченконинг қанча лавлаги ери бор эди?

Овоз. 40 соток эди.

Н. С. Хрушчев. Қирқ соток дейсиз, бу звенода эса ҳар бир одамга 28 гектар қанд лавлаги тўғри келади.

Хўш, ўртоқ Светличний звеноси 1963 йилда қандай ишлаб, қандай натижаларга эришди?

Экин майдони (гектар)	170
Гектар бошига ҳосил (центнер)	267
Бир одам ҳисобига етиштирилган маҳсулот (центнер)	7.565
Бир центнер ҳосил етиштиришга сарфланган вақт (минут)	9,2
Бир центнер қанд лавлагининг таннархи (тийин)	48
Шу жумладан:	
механизаторларнинг иш ҳақи (тийин)	14
ишлаб чиқариш чиқимлари (уруғлик), минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, ёнилғи ва ҳоказолар қиймати (тийин)	15
амортизация ажратмалари (тийин)	6
умумхўжалик чиқимлари (тийин)	13
бир центнер лавлагининг харид нархи (сўм)	2,7

Тўғри, ўтган йил звенонинг ҳосил олиши учун муваффақиятсиз келди. Одатда звено гектар бошига 350 центнер ва бундан ҳам ортиқ ҳосил олиб келади. Лекин 267 центнер ҳосил олганда ҳам звено ғоят юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришди. Қуйидаги рақамларга бир эътибор қилинг-а: бир центнер маҳсулотга атиги 9,2 минут вақт сарфланиб, ҳар центнер лавлагининг таннархи 48 тийин бўлибди-ю, шу лавлагининг харид нархи эса ўзингиз билгандек 2 сўм 70 тийинни ташкил қилибди.

Башарти лавлагикор колхоз ва совхозларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ана шу даражага етказса, мамлакат қўшимча равишда қанча маҳсулот олишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана бизнинг катта-катта резервларимиз қаерда ётибди!

Шу резервларни ишга солиб юбормоқ учун, боя мен айтганимдек, одамларни танлаб олиш, уларни ўқитиш, моддий жиҳатдан манфаатдор қилиб қўйиш керак.

Борди-ю, конкретроқ қилиб гапирадиган бўлсак, Ивановними, Петренконими, Васильевними (мен тўғри келган фамилияни айтяпман) танлаб олиб уни ўқитиш, ана шу одамга машиналарни ажратиб бериш керак-да ва унга: мана сизга шароитни яратиб қўйдик, ўртоқ Светличний звеноси олаётган миқдорда қанд лавлаги етиштириб берсангиз ўз меҳнатингизга мана шунча ҳақ оласиз, дейиш керак. Албатта ўша одам ҳозирги маошига нисбатан 2,5 ёки 3 баравар кўп ҳақ оладиган бўлар, бунинг ҳисобини ҳам қилиб кўриш керак, аммо ўша одам шундай натижаларга эришдими, унинг иш ҳақини ҳам яхшилаб тўлаш керак.

Коммунистик ахлоқнинг юксак аҳамияти бор. Вақт-соати келиб коммунизм қурилгач, ишлаб чиқариш кучлари мисли кўрилмаган даражага етгач, давлат барҳам топади, пул барҳам топади ва ҳамма нарса коммунистик онглиликка асосланган бўлади. Худди ана шу кунни яқинлаштирмоқ учун биз бугун моддий омилларнинг, ғоят унумли ишлаётган одамларни рағбатлантиришнинг ғамини ейишимиз керак.

Совхозларнинг ишчилари билан колхозчилар — коммунизмнинг актив қурувчиларидир; улар ўз меҳнатлари билан моддий бойликларни яратмоқдалар, бутун халқ учун маҳсулотлар етиштириб бермоқдалар. Бинобарин, ана шундай маҳсулотларни кўпроқ етиштириб берган киши мўмайроқ ҳақ олмоғи керак. Коммунизмнинг иқтисодий базасини яратиш учун курашда моддий омилни менсимаслик ярамайди, ҳаётдан ажралиб қолган, одамларнинг эҳтиёжларини менсимайдиган идеалистлар, хаёлпарастлар бўлишга бизнинг ҳақимиз йўқ.

Ҳар қайси республика, ўлка, областда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли тармоқларидаги ходимларни моддий рағбатлантириш имкониятларини обдон ҳисоблаб кўриш ҳамда мўл ҳосил олаётган, маҳсулот таннархини камайтираётган одамларнинг меҳнатига кўпроқ ҳақ тўлаш тадбирларини белгилаб қўйиш керак. Ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришган одамларнинг номини нуқул Ҳурмат тахтасига ёзиб қўя бермасдан, уларни моддий жиҳатдан ҳам ҳар тарафлама рағбатлантириш лозим. Бусиз ишимиз олға босмайди.

Юксак даражадаги меҳнат унумдорлиги хўжаликка ҳам, маҳсулот етиштираётган одамларга ҳам жуда катта фойда келтиради.

Ўртоқ Светличний звеносида ҳар гектар қанд лавлаги ҳисобига 720 сўм 90 тийин даромад олинган. Агар 128 сўм 16 тийиндан иборат барча ишлаб чиқариш чиқимларини чегириб ташласак, ҳар гектар қанд лавлаги совхозга 592 сўм 74 тийин даромад келтирган бўлади. Бундан чиқди, ўртоқ Светличний звеноси пулнинг кони экан-ку! Шундай меҳнат қилган одамларни моддий жиҳатдан рағбатлантирмай бўладими! Ўйлайманки, агар ҳар қандай звено ёки бригаданинг ишчиларига меҳнат унумдорлигини фалон даражага етказсанг, фалонча ёки фалон миқдорда кўпроқ ҳақ оласан, десак, одамлар сидқидил ишлаб, қўйилган мақсадга эришадилар. Уларнинг иш ҳақи юқори бўлиб, маҳсулот таннархи паст бўлади. Колхозчилар билан совхоз ишчилари ҳам хурсанд бўлади, хўжалик ҳам сердаромад бўлиб қолади.

Боя айтилганидек, ўртоқ Светличний звеноси ҳамма ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлаганда, ҳар гектар ер ҳисобига 592 сўм 74 тийинлик маҳсулот етиштирди.

Борди-ю, ишлаб чиқаришда эришган даражаси учун ўртоқ Светличний звеносининг аъзоларига тўланадиган ҳақни масалан, ҳатто икки-уч баравар кўпайтириб қўйилса, шунда хўжалик ҳар гектар ҳисобига қанча даромад олади?

	Сўм	Совхознинг гектар ҳисобига оладиган даромади сўм ҳисобида
Звено аъзоларига ҳақ тўлашнинг ҳозирги даражаси	37	592
Иш ҳақи икки баравар оширилганида	74 сўмгача	555
Иш ҳақи уч баравар оширилганида	111 сўмгача	518

Механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун, лавлаги етиштиришни кўпайтириш учун колхоз ва совхозларда нақадар катта имкониятлар борлигини ўзингиз кўриб турибсиз.

Мана шу сабабдан қанд лавлаги ва бошқа қимматли экинлар етиштираётган, ўртоқ Светличний билан унинг ўртоқлари эришган меҳнат унумдорлиги даражасига эришаётган одамларга ҳар центнер маҳсулот учун тўланадиган ҳақни ошириш йўлидан бориш мумкин ва керак. Мана шунинг натижасида, лавлаги етиштиришда эски методлар билан ишлаётган, меҳнатининг унуми анча паст даражада бўлган одамларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳам хийла паст бўлади. Табиийки, бундай одамлар маҳсулотни ҳам камроқ етиштиради. Масалан, гектар бошига 100-120 центнер қанд лавлаги етиштираётган одамлар бор, натижада бу лавлаги колхоз билан давлатга қиммат тушяпти. Халқ маталида айтилганидек «эшаги бир танга-ю, тўқими уч танга» бўляпти. **(Залда жонланиш).**

Бундай одамларга илғор лавлагикорларнинг иш методларини ўргатиш, уларга техника бериш, имкони борича ёрдам кўрсатиш керак. Ана шунда колхозчи ёки совхоз ишчиси мўлроқ ҳосил етиштириши, кўпроқ маҳсулот олиши мумкин. Шунинг негизида колхоз, совхознинг даромадлари ошади, ҳалол меҳнат қилган ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ҳисса қўшган кишиларнинг иш ҳақи кўпаяди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, азамат машъалларимиз — юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ҳамияти ва нафсонияти зўр одамлардир.

К. И. Лукьяновни олиб кўринг. У, ўртоқ Светличний звеносида ишлайди. Ўтган йили ўртоқ Лукьянов Қўриқ ўлкадаги одамларга қанд лавлаги етиштириш қандай бўлишини кўрсатиб берайин, деб ўша ерга боришга жазм қилди. Бориб тер тўкиб ишлади ва Қўриқ ўлка шароитида ҳам жуда оз меҳнат сарфлаб, қанд лавлагидан мўл ҳосил олиш мумкинлигини исботлади. Ўртоқ Лукьянов мана шундай натижаларга эришди:

Лавлаги экилган майдон (гектар)	62
Гектар бошига ҳосил (центнер)	201
Бир механизатор ҳисобига етиштирилган лавлаги (центнер)	2.492
Бир центнер лавлаги етиштиришга сарфланган вақт (минут)	18
Бир центнер лавлагининг таннархи (тийин)	61
Шу жумладан:	
механизаторларнинг иш ҳақи (тийин)	29
ишлаб чиқариш чиқимлари (тийин)	10,5
амортизация (тийин)	7,5
умумхўжалик чиқимлари (тийин)	14
Бир центнер лавлагининг харид нархи (сўм)	2,7

Ана сизга Қозоғистоннинг қурғоқчил зонаси. Демак, қанд лавлагини етиштиришда омилкорлик билан иш тутилса, йил ноқулай келганида ҳам, бу экин мўл ҳосил бераверар экан. Бинобарин, илғор агротехника ва моддий рағбатлантириш асосида Қозоғистоннинг қўриқ ер районларида кўп миқдорда арзон маҳсулот олиш имконияти бор экан.

Украинанинг илғор лавлагикорлари меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида катта-катта имкониятлар борлигини кўрсатиб беришяпти. Черкасск областидаги «Большевик» колхозининг энг яхши механизаторларидан бири В. Д. Мельникни олайлик. Унинг звеносида тўрт механизатор ва 6 колхозчи аёл бўлиб, жами ўн киши бор. 1962 йилда ўртоқ Мельник қуйидаги натижаларга эришди:

Қанд лавлаги экилган майдон	87 гектар, ёки звенонинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 8,7 гектар
Ҳосил (гектар бошига центнер)	346
Звенонинг ҳар бир аъзоси ҳисобига етиштирилган лавлаги (центнер)	3000
Бир центнер лавлагига сарфланган вақт (минут)	16

Ўртоқ Мельник билан унинг звеносидаги ҳамма одамлар яхши ишлашяпти. Улар янгиликка йўл очиб беришяпти. Лекин шундай бўлса ҳам, улар эришган натижаларни ўртоқ Светличний эришган натижаларга таққослаб кўрсак, украиналик механизатор ўзининг ҳамма имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланмаганлиги равшан кўриниб туради. Ўртоқ Светличний даласида лавлаги ҳосили камроқ бўлгани ҳолда, ҳар бир ишловчи ҳисобига ўртоқ Мельник даласидагига нисбатан икки ярим баравар кўп маҳсулот етиштирилган. Ўртоқ Мельник кубанликлар билан бемалол мусобақалаша олади, деб ўйлайман. Қанд лавлаги етиштириш учун Черкасск областидаги шароит Краснодар ўлкасидаги шароитдан қолишмайди, ўртоқ Мельникнинг эса ғалаба қилиш иштиёқи, истаги бор, бинобарин, мен унинг келажакда ютуқлар қозонишига ишонаман. Совет кишиларининг кибрланиб кетадиган одати йўқ. Ҳатто ўртоқ Мельник сингари илғорлар ҳам бир хил экин етиштираётган ҳамкасб ўртоқлардан ўрганса арзийди.

Мен асосан қўл меҳнати сарфламасдан қанд лавлаги етиштираётган звенолардан мисоллар келтирдим. Механизация нақадар катта манфаатлар етказишини, лавлагикорларнинг меҳнат унумдорлиги нақадар ошиб кетишини бу мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Бизда ҳали ҳам қўл меҳнатини кўплаб сарфлаётган колхозлар, совхозлар, бригадалар, звенолар оз эмас. Бу жойлардаги одамлар жуда яхши ишлаётган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг меҳнат унумдорлиги лавлагикорликни комплекс механизациялаштириб олган одамларнинг меҳнат унумдорлигига нисбатан паст бўляпти, шундай бўлиши табиий бир ҳолдир.

Совет кишилари Киев областидаги Ильич номли колхознинг звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ольга Климентьевна Диптанни билишади. Мен бу ажойиб меҳнаткаш аёл билан учрашганман, уни неча марталаб мисол қилиб кўрсатганман. Ўртоқ Диптандан меҳнатсеварликни ўрганса арзийди.

Унинг звеноси қуйидаги натижаларга эришди.

1962 йилда ўртоқ Диптан звеносида 20 киши ишлади.

Лавлаги экилган майдон (гектар)	18
ёки бир киши ҳисобига (гектар)	0,9
Гектар бошига ҳосил (центнер)	523
Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган маҳсулот (центнер)	471
Бир центнер маҳсулотнинг таннархи (тийин)	85
Шу жумладан:	
меҳнат ҳақи (тийин)	44
Бир центнер лавлагининг харид нархи (сўм)	2,7

Ўртоқ Диптан жуда юқори ҳосил олган. У ҳосилдорлик соҳасида ўртоқ Светличнийдан ўзиб кетган. Аммо ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган маҳсулотни, шу маҳсулотнинг таннархини оладиган бўлсак, кўз ўнгимизда бошқача манзара гавдаланади, ўртоқ Диптан звеносини ўртоқ Светличний звеноси билан таққослаб бўлмайди.

Энди Киев областидаги «Радянська Украïна» колхозидаги Степанида Демидовна Виштак звеносини олиб кўрайлик. Мен уни ҳам танийман. Ўзи жуда меҳнаткаш хотин, тажрибали лавлагикор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Звеносида 23 киши бор.

Звено 1962 йилни мана шундай натижалар билан якунлади:

Лавлаги экилган майдон (гектар)	34
шу жумладан бир киши ҳисобига (гектар)	1,5
Ҳосил (центнер)	587
Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган маҳсулот (центнер)	868
Бир центнер лавлагининг таннархи (тийин)	99
шу жумладан меҳнат ҳақи (тийин)	52
Бир центнер лавлагининг харид нархи (сўм)	2,7

Бу мисолларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Бу мисоллар шуни кўрсатадики, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан қишлоқ хўжалик ходимларининг манфаатдорлигини оширувчи самарали чораларни топиш ва қўлланиш учун имкониятимиз бор. Бу мисоллар яна шуни кўрсатиб турибдики, қанд лавлаги ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа экинлар етиштиришни механизациялаштириш йўлини кескин тутмоғимиз керак.

Ўртоқ Светличнийнинг механизациялашган звеноси билан ўртоқ Диптан ва ўртоқ Виштак сингари ҳурматли колхозчилар бошчилик қилаётган ва қўл меҳнати устун даражада бўлган звеноларда ишловчи ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот етиштириш каби кўрсаткичларга бир эътибор қилинг-а.

Ҳар бир ишловчи ҳисобига қуйидагича қанд лавлаги етиштирилган:

	центнер
Ўртоқ Светличний звеносида	7.565
Ўртоқ Диптан звеносида	471
Ўртоқ Виштак звеносида	868

Кўриб турибсизки, ўртоқ Светличний звеносида ҳар бир ишловчи одам ҳисобига Диптан ва Виштак ўртоқларнинг звеноларидагига қараганда 9-15 баравар кўп лавлаги етиштирилмоқда, шу билан бирга меҳнат анча кам сарфланмоқда. Бу, механизациянинг шарофатидандир.

Ўртоқ Светличний қандай машиналарни ишлатяпти? Лавлагикорликни механизациялаштиришдаги имкониятларимизни яхшироқ тасвирлаб бермоқ учун машиналарнинг бутун комплексини айтиб ўтаман.

Ўртоқ Светличний звеноси 170 гектар лавлаги учун машиналарнинг қуйидаги комплексига эга:

Ғилдиракли «Беларусь» трактори	2
Қатор ораларини ва тупроқни ишлайдиган культиватор (алмаштириб турилувчи органлари билан бирга)	2
Ўн икки қаторли сеялка	2
Тўрсимон борона	6
Лавлаги комбайни	2
Лавлаги ортувчи машина	1
Юкини ўзи туширадиган трактор тележкаси	1

Умумий ишларда фойдаланиладиган баъзи машиналар звенога бириктиб қўйилмайди, балки хўжаликдаги мавжуд машиналар ҳисобидан вақтинча ажратиб берилади. Бу машиналардан бошқа звено ва бригадаларда ҳам фойдаланилади. Ўртоқ Светличний звеносига тупроқни кузда тайёрлаш вақтида плуглари ва лущильниклари билан бирга ўрмаловчи тракторлар, экиш олдидан далаларни ишлаш учун шлейф-бороналар ва райборонкалар, пуркагич ва чанглагич машина ҳамда қанд лавлаги ҳосилини даладан ташиб олиш даврида транспорт воситалари вақтинча ажратиб бериб турилади.

Ўртоқ Светличний фойдаланаётган ана шу машиналарнинг ҳаммаси бизда ишлаб чиқариляптими? Ҳа, ишлаб чиқариляпти.

Бу машиналарни ишлаб чиқариш иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, фойдалими? Ўртоқ Светличний фойдаланаётган жамики техника неча пул туради, деб сўраган эдим, менга маълумот ёзиб беришди. Бу маълумотдан кўринишича, ўртоқ Светличний звеноси бир йилда 122 минг сўмлик маҳсулот етиштирган бўлса, қанд лавлагини парвариш қилиш учун ишлатилган машиналарнинг бутун комплекси 12 минг 660 сўм туради.

Кўриб турибсизки, звено етиштирган маҳсулотнинг ўндан бир қисмиёқ бутун техниканинг қимматини қарийб бир йилда қоплайди. Лекин иқтисодий жиҳатдан мана шундай фойда кўришимизга қарамай, бутун майдонда қанд лавлагини ўртоқ Светличний методи асосида етиштириш учун зарур бўлган машиналар комплексига шу чоққача эга эмасмиз. Партия қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ишини ўзларига топшириб қўйган раҳбарлар буни тушуниб олишлари керак. Мен Госпланни, «Союзсельхозтехника»ни, саноатимиз ходимларини назарда тутяпман.

(Давоми учинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1 ва 2-бетларда)

Металл етишмаяпти, деб важ кўрсатишади. Етишмаётгани тўғри. Аммо лавлагикорликни механизациялаштиришнинг иқтисодий самарасига чуқурроқ назар ташлашганида, қадимда айтилганидек, хотин бола-чақаларини гаровга қўйиб бўлса ҳам, металл топган бўлишарди. Ахир арзон қанд шакар ишлаб чиқариш — бойлик, пулнинг кони; жамғарма тўплашнинг муҳим манбаларидан бири-ку. Биз бўлсак, ўзимиз ўтирган шохга болта уряпмиз.

Ишнинг иқтисодий жиҳатини ҳамма вақт ҳисобга олиш керак. Колхоз ва совхозларни лавлагикорлик машиналарининг комплекси билан тўлиқ таъминлаш, одамларни ўқитиш, уларнинг ўртоқ Светличний иш методини эгаллаб олишларига ёрдам бериш зарур.

Дарвоқе, ўртоқ Светличний ишлаётган сингари хўжаликларни таянч хўжаликларига айлантиришни, уларда мактаблар ташкил қилишни, инспекторлар тайинлаб қўйиб, ана шу инспекторларга ишлаб чиқаришдаги илғор технологияни механизаторларга ўргатишни топшириб қўйишни ўйлаб кўрсак, эҳтимол, арзигудек иш қилган бўлармиз. Шунга амин бўлавериш мумкинки, ўртоқ Светличний сингари ўз ишининг академиклари бўлган устозлар қўл меҳнати сарфламасдан лавлаги етиштиришни одамларга яхшилаб ўргатишнинг уддасидан чиқадилар. Албатта, бу ишни ўргатаётган одамларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тартибини белгилаб қўйиш керак. Буларнинг ҳаммасини обдон ўйлаб кўриш лозим.

Кетмондан ва пахтани қўлда теришдан иложи борича тезроқ қутулиб олиш учун пахта етиштиришда ишлаётган кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Фақат механизациялаштириш орқалигина меҳнат унумдорлигининг оширилишини, маҳсулот таннархининг камайтирилишини таъминлаш мумкин.

Фақат иккита мисол келтираман, лекин бу мисоллар бутун пахтакор зона учун типикдир.

Мана, Сирдарё областининг «Малик» совхозидаги Ж. Кўчиев бригадасини олайлик. Бу бригада пахтачиликда комплекс механизациядан фойдаланиш, оғир қўл меҳнатидан халос бўлиш, арзон маҳсулот бериш мумкинлигини исботлади. Бригаданинг иш кўрсаткичлари ўтган йили қуйидагича бўлди:

Экилган чигит (гектар)	140
Ҳосилдорлик (центнер)	38
Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	330
Бир центнер пахтага сарфланган меҳнат (соат)	8,4
Бир центнер пахтанинг таннархи (сўм)	14,43
шу жумладан:	
иш ҳақи (сўм)	5,04
ишлаб чиқариш чиқимлари (сўм)	4,62
амортизация чиқимлари (тийин)	92
маъмурий-хўжалик чиқимлари (сўм)	3,85
Ҳар центнер пахтага давлат тўлаган пул (сўм)	28,57

Ўртоқ Кўчиев бригадасида ўн олти киши бор. Уларнинг ҳар бирига қарийб 9 гектар ғўза тўғри келади. Шу билан бирга чигит экишдан тортиб, ҳосилни териб олишга қадар ҳамма ишлар машиналарда бажарилмоқда. Бинобарин, саноатимиз ишлаб чиқараётган техника негизида пахтачиликни комплекс механизациялаш вазифасини ҳал қилиш мумкин.

Албатта, «Малик» совхозида пахтачиликдан келадиган даромад бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Маъмурий-хўжалик чиқимларига эътиборингизни жалб қилмоқчиман: бу чиқимлар ишлаб чиқаришдаги ҳамма харажатларга деярли баробар бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш харажатлари 4 сўм 62 тийин-у, маъмурий-хўжалик чиқимлари 3 сўм 85 тийин. Бу, исрофгарчиликнинг ўзи-ку.

Андижон областининг «Совой» совхозидаги И. Сулаймонов бригадасида 1963 йилги иш якунлари, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Мана ўша маълумотлар:

Экилган чигит (гектар)	133
Ҳосилдорлик (центнер)	36
Ҳар бир ишловчи киши ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	192
Бир центнер пахтага сарфланган меҳнат (соат)	12,6
Бир центнер пахтанинг таннархи (сўм)	16,76
шу жумладан:	
иш ҳақи (сўм)	9,90
ишлаб чиқариш чиқимлари (сўм)	2,98
амортизация чиқимлари (сўм)	1,75
маъмурий хўжалик чиқимлари (сўм)	2,13
Ҳар центнер пахтага давлат тўлаган пул (сўм)	30,27

Шу нарса эътиборга сазоворки, маъмурий-хўжалик чиқимлари ўртоқ Кўчиев бригадасида 3 сўм 85 тийин, ўртоқ Сулаймонов бригадасида эса 2 сўм 13 тийин бўлган. Нега бундай тафовут бор? Ана шу маъмурий-хўжалик чиқимлари нималардан иборат эканлигини, бундай чиқимлар қандай хисоблаб келинаетганлигини суриштириб кўриш керак. Афтидан, бу иш билан ҳеч ким тузукроқ шуғулланмаётганга ўхшайди. Бизнинг экономистларимиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида пишиб қолган вазифаларни ҳал қилишда колхоз ва совхозларга лозим даражада ёрдам бермаяптилар. Маҳсулот таннархини камайтириш йўлларидан бири бўлган унумсиз чиқимларни қисқартиришни назарда тутиб, тартиб ўрнатиш лозим.

Гарчи, ҳар иккала бригада пахта етиштиришни механизациялаштирган бўлса ҳам, лекин бу бригадаларда ишлаб турган ҳар бир киши ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот сира бир хил эмас. Ўртоқ Кўчиев олдинда боряпти, чамаси, у чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш ва пахтани териш технологиясини хийла пишитиб олганга ўхшайди. Ўртоқ Сулаймонов ўртоқ Кўчиев бригадасида пахта етиштириш қандай йўлга қўйилганини тағин ҳам яхшироқ ўрганиши ҳамда меҳнат унумдорлигини худди ана шу даражага кўтариши керак. Қисқаси, илғор кишилар эришилган ютуқлар билан хотиржамланиб қолмасликлари лозим, уларнинг вазифаси ўз иш методларини кун сайин ва йил сайин такомиллаштириш, техникадан яхшироқ фойдаланишдир. Бу тағин ҳам юксакроқ иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун курашда муваффақиятнинг гаровидир.

Энди картошка етиштиришдаги резервлар тўғрисида гапирмоқчиман. Бу соҳада ҳам механизациялаштириш, меҳнат сарфларини камайтириш учун имкониятларимиз лавлагикорлик ва пахтачиликдаги имкониятларимиздан кам эмас.

В. И. Кузнецов звеносини оламан. У ва унинг ўртоқлари Москва областининг Солнечногорск районидаги машина-синаш станциясининг далаларида ишлашяпти. Мана, шу звенонинг ишдаги асосий кўрсаткичлари:

Экилган картошка (гектар)	157
ёки ҳар бир одам ҳисобига (гектар)	52
Ҳосил (гектар бошига центнер)	160
Ҳар бир ишчи ҳисобига етиштирилган картошка (центнер)	8373
Бир центнер картошкага сарфланган меҳнат (минут)	54
Бир центнер картошканинг таннархи (сўм)	2,54
шу жумладан:	
иш ҳақи (тийин)	60
ишлаб чиқариш чиқимлари (сўм)	1,39
амортизация чиқимлари (тийин)	33
умумхўжалик чиқимлари (тийин)	22

Етиштирилган жами 25120 центнер картошкадан 16 минг центнер сара картошка давлатга **ҳар центнери 10 сўмдан** сотилган.

Звено картошка етиштириш соҳасидаги асосий ишларнинг ҳаммасини қўл меҳнати сарфламасдан бажармоқда. Фақат картошкани қайта териш, саралашга ва қисман юк ортиш-тушириш ишларига вақтинча ёрдамчи ишчилар жалб қилинган. Ана шу ишчиларнинг қўшган меҳнати ҳар центнер маҳсулотга сарфланган умумий чиқимларга, уларга тўланган иш ҳақи эса картошка таннархига киритилган.

Картошка етиштиришни механизациялаштириш иқтисодий жиҳатдан катта самара бермоқда. Давлат картошканинг ҳар центнерига 10 сўмдан пул тўлаяпти, таннархи эса 2 сўм 54 тийиндан. Ана шу хўжалик ҳар центнердан 7 сўм 46 тийин соф даромад оляпти. Бу ишнинг нақадар фойдали эканини кўряпсизми. Афсуски, бошқа хўжаликлар меҳнат унумдорлигининг қанча пастлиги ҳамда бошқа камчиликлар борлиги натижасида ана шундай ҳосил, ана шундай даромад ололмаяптилар. Одамларни ўқитиш, уларга техника бериш, уларни моддий жиҳатдан манфаатдор қилиш зарур — ана шунда арзон картошка етиштириш проблемаси ҳал бўлади. Биз ички эҳтиёж учун ҳам, шунингдек экспорт учун ҳам картошкани мўл-кўл қилиб оламиз.

Энди мен бошқа бир мисолни — худди ана шу Москва областининг «Рогачевский» совхозидаги ўртоқ Титов бригадасини оламан. Бригадада 49 киши ишлайди. Бу бригадада ҳам яхши одамлар ишлашяпти, фидокорлик билан меҳнат қилишяпти. Лекин бригадада картошка етиштиришга қўл меҳнати кўп сарфланаётгани орқасида иш кўрсаткичлари ҳам тамомила бошқача бўляпти:

Экилган картошка (гектар)	319
ёки бир одам ҳисобига (гектар)	6,5
Ҳосил (центнер)	140
Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган картошка (центнер)	911
Бир центнер картошкага сарфланган меҳнат (соат)	2,1
Бир центнер картошканинг таннархи (сўм)	4,65
шу жумладан:	
иш ҳақи (сўм)	1,15
ҳар центнер картошкага давлат тўлаган пул (сўм)	7,97

Кўриб турибсизки, ўртоқ Титов бригадасида ҳар бир ишловчи одам ҳисобига ўртоқ Кузнецов звеносидагига нисбатан картошка 9 баравар кам етиштирилган, ҳар центнерга 2,3 баравар кўп меҳнат сарфланган, таннархи қарийб икки баравар ортиқ бўлган. Тагин биргина Москва областининг шароитида шундай тафовут бор-а. Область партия комитети ҳам битта, область ижроия комитети ҳам битта, ишлаб чиқариш бошқармалари ҳам бир хил-у, лекин ишлаб чиқаришни бошқариш савияси ҳар хил. Бу ўринда хўжаликка раҳбарлик тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин? Ниманидир область партия комитети ўз ҳолича, область ижроия комитети ўз ҳолича қиляпти, ишлаб чиқариш бошқармалари ўзи билган йўлдан боряпти, қўшниси қандай ишлаётганини сезмаяпти. Энг яхши одамлар ўз йўлларини — юксак меҳнат унумдорлиги йўлини тўғри танлаб олишяпти-ю, лекин биз уларнинг қимматли тажрибасини ёймаяпмиз.

Агар область партия комитетининг, область ижроия комитетининг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг куч-ғайратларини бирлаштириб, уни бир нуқтага — ишлаб чиқаришда ўртоқ Кузнецов қўллаган илғор технологияни актив жорий қилишга қаратсак, қандай натижаларга эришиш мумкин эди!

Яна бир мисол келтирмоқчиман. «Эстония» колхози — Эстония республикасида илғор хўжалик. Мен бу колхозни мақтаган эдим ва ҳозир ҳам ўша мақташимда тураман. Колхоздаги одамлар яхши ишлаб мўл ҳосил олишяпти. Лекин ҳосилдорликдагина эмас, балки меҳнат унумдорлигига бир эътибор берайлик-чи. Биз кўпинча, фалон колхоз мўл ҳосил олди; шу колхоздаги фалон бригада ўрнак кўрсатди, деймиз-у, лекин шу билан бирга ишнинг иқтисодий томонини анализ қилиб кўрмаймиз. Бу ёмон нарса.

«Эстония» колхози 125 гектар ерга картошка экяпти. Ҳосил гектар бошига 197 центнер, яъни ўртоқ Кузнецов звеносидагидан юқорироқ бўлган. Лекин ишлаб турган бир одам ҳисобига «Эстония» колхозида 245 центнер, ўртоқ Кузнецов звеносида эса 8373 центнер картошка етиштирилган. Хўш, гап нимада? Гап шундаки, ўртоқ Кузнецов звеносида 3 киши ишлаган ва улар механизациянинг шарофати билан 157 гектарда картошка ўстиришган. «Эстония» колхозида эса картошка экинлари қўлда парвариш қилинган, бу ишга шунча кўп одам банд қилиб қўйилганки, ҳатто аниқ айтиб беришолмайди, юзтача одам ишлаган бўлса керак, дейишади. Мана шу сабабдан бу колхозда меҳнат унумдорлиги паст бўлиб, маҳсулот таннархи ошиб кетган.

Меҳнатнинг шу усулда ташкил қилинишига чидаб бўлмайди. Картошка етиштириш учун унчалик мураккаб механизмлар керак эмас, бундай механизмлар бизда бор ва ўйлайманки, Эстония республикасида ҳам бундай механизмлар бўлса керак. Мабодо бўлмаса, унга раҳбарлар айбли, чунки керакли машиналарни сотиб олишга колхоз ва совхозларнинг қурби етади. Бизда картошка ўтқазадиган машиналар, культиваторлар, бороналар, йиғим машиналари бор, картошка экинини парвариш қилиш ва йиғиштириб олиш технологияси ўзлаштирилган. Фақат картошка етиштираётган ҳар бир хўжалик ана шу экинни парвариш қилишни янгича ташкил этса кифоя.

Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари зонасида, яъни шу маҳсулот энг кўп истеъмол қилинадиган жойларда товар картошкани механизмлар воситаси билан етиштириш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Мисол учун Москва областини олайлик. 1964 йилда бу область давлатга 400 минг тонна, шу жумладан Москва шаҳри учун 215 минг тонна картошка сотиши керак.

Хўш, ишни ўртоқ Кузнецов методи асосида ташкил этмоқ учун қанча механизациялашган звено тузиш керак бўлади? Боя айтганимдек, ўртоқ Кузнецов 2.500 тонна, шу жумладан 1.600 тонна товар картошка етиштирди. 400 минг тонна товар картошка етиштирмоқ учун 250 та звено ташкил қилиб, ўртоқ Кузнецов олаётганчалик ҳосил олиш керак. Москвага 215 минг тонна товар картошка етказиб бериш учун эса ихтисослаштирилган совхозларда 135 та звено тузиш лозим.

Ўз-ўзидан маълумки, Москва области зарур миқдордаги одамларни тайёрлаб, уларни техника билан таъминлай олади, картошка экинига солиш учун минерал ўғитлар бера олади. Биз картошка ва сабзавот экинларига солиш учун ўғитни навбатдан ташқари беришимиз керак, чунки узоқ масофалардан картошка ташиб юргандан кўра ўғитларни мана шу Москва атрофида ишлатиб, тегишли мўл ҳосил олиш манфаатлироқдир. Уни ҳар бир одам тушунади ва ўйлайманки, ҳеч ким бунга хасад қилмайди.

Хўш, Москва областининг ўртоқ раҳбарлари сиз нимадан камчилик кўряпсиз? Ҳамма нарсангиз — обкомингиз ҳам, оближрокомингиз ҳам, ишлаб чиқариш бошқармаларингиз ҳам бор. Энг муҳими, шунқор одамларингиз бор. Лекин бунинг маъноси шуки, раҳбарликда ҳам шунқорга ўхшаб парвоз қилиш керак. Ишга астойдил ёпишиб, одамлар ўқитилса, уларнинг боши бир ерга қовуштирилса кифоя. Ўйлайманки, шу йилнинг ўзидаёқ ўртоқ Кузнецов методи асосида механизмлар воситаси билан картошка етиштиришга батамом кўчишга Москва областининг қурби етади. Хуллас, москвалик ўртоқлар, шунқор сифат қанот пайдо қилинглар ва одамларни Москва атрофидаги илғорлар эришган баланд марраларга олиб чиқинглар.

Москва областига яна қайтиб келганимдан кейин колхозларга тез-тез бориб, ўша вақтда янгилик ҳисобланган квадрат-уялаб картошка экиш усулини колхозчилар билан биргаликда ўзлаштирганимиз эсимда. Мен «Вперёд к коммунизму» колхозининг раиси А. А. Дугинни танир эдим. Ҳозир уни пенсияга чиққан дейишади. Бу колхозда 1918 йилдан партия аъзоси ўртоқ Рожнов, ўртоқ Козлов ва шу каби бошқа ажойиб одамлар ишлашар эди. Айтар эдимки, улар ғоятда жон куйдириб, сидқидиллик билан ишлашар, картошкани етиштиришни механизациялаштириш учун кураш олиб боришар эди. 1952 йилда ана шу колхоз қумлоқ ерларнинг ҳар гектаридан 167 центнер картошка олди. Шунча ҳосилни минерал ўғит ишлатмасдан етиштирди. Ўша пайтларда картошка экинига минерал ўғитни солишни хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик.

Ҳозир-чи? Машиналар ўзлаштирилди, одамларингиз бор, сизларга минерал ўғит ҳам бериб туришибди. Такрор айтаманки, фақат одамларни уюштирсангиз, моддий манфаатдорликни унутиб қўймасангиз кифоя. Ўртоқ Кузнецов қанча ҳақ оляпти? Ўзига нисбатан икки-уч баравар кам маҳсулот бераётган бошқа механизаторлар билан деярли баб-баравар ҳақ оляпти, дейишади. Жуда оз меҳнат сарфлаб, кўплаб маҳсулот етиштираётган ўртоқ Кузнецов сингари одамларга анча кўп ҳақ тўласак, бу нарса биз учун манфаатлидир. Ўз звеносида ишлаб турган бир киши ҳисобига 8 минг центнер картошка етиштираётган бўлса-ю, баъзи колхоз 200-300 центнер картошка олаётган бўлса, ўртоқ Кузнецов неча кишининг ишини қилаётганини бир ҳисоблаб кўринг-чи.

Овозлар. 40 кишининг ишини қиляпти.

Н. С. Хрушчев. Мана, кўрдингизми. Битта одам хўжаликнинг бошқа тармоқларига 40 кишини бўшатиб беряпти-я.

Энди сабзавотга келайлик. Москва ёнидаги «Большевик» совхозини оламан. Бу ажойиб совхозни мен кўп йиллардан бери биламан. Бир вақтлар унга И. А. Бенедиктов директор эди. У шу совхоздан трест директорлигига кўтарилди, кейин министр бўлди. Шундан сўнг узоқ вақтгача Ф. А. Карпов директор бўлиб ишлади. Ўзи жанговар ташкилотчи эди. Ҳозир А. А. Гольцов деган ёш йигит директор бўлиб ишлаяпти. Мен: Карпов вафот этди, наҳотки энди совхознинг шуҳрати сўниб қолса? — деб ҳавотирланган эдим. Йўқ, совхоз коллективи билан директор ўртоқ Гольцов ўша шуҳратни сақлаб туришибди ва ҳатто, менингча, ўша шуҳратга шуҳрат қўшишяпти. Биз, ўртоқ Гольцов, совхознинг иши, унинг ишчилари ва мутахассислари билан фахрланамиз.

«Большевик» совхозининг А. Л. Карпутцева бошлиқ илғор бригадаси ишда мана шундай натижаларга эришди:

Экин майдони (гектар)	118
Сабзавот ҳосили (гектар бошига центнер)	535
Ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилган сабзавот (центнер)	1.804
Бир центнер сабзавотга сарфланган меҳнат (минут)	47
Бир центнер сабзавотнинг таннархи (сўм)	1,23
шу жумладан:	
иш ҳақи (тийин)	45
ишлаб чиқариш чиқимлари (тийин)	51
амортизация чиқимлари (тийин)	7
умумхўжалик чиқимлари (тийин)	20
Давлат ҳар центнер сабзавотга тўлаган пул (сўм)	8,49

Ўртоқлар, бригадада бир килограмм сабзавот 1,23 тийинга тушяпти. Агар ҳамма хўжаликлар ана шундай арзон сабзавот етиштириб берса, олам гулистон бўлар эди. Ана шунда биз москваликларга сабзавотни мўл-кўл етказиб бериш, сабзавот нархини анча камайтириш имконига эга бўлар эдик.

Афсуски, ҳозир кўп хўжаликлар сабзавотдан зарар кўряпти ва сабзавот етиштириш билан чор-ночар шуғулланяпти. Хўш, ана шу Москва областининг бир хил шароитида баъзи хўжаликлар сабзавот экинларидан зарар кўраётгани ҳолда «Большевик» совхозининг бойиб бораётганига сабаб нима? «Большевик» совхозининг ерлари яхши, Ока дарёсининг бўйидаги қайир ерлар, дейишади. Аммо Москва областида ҳамма сабзавот экинларини нуқул қайир ерларга экса бўлади-ку, ахир.

Москва области шароитида сабзавот экинларини, борингки, баъзи жойларда картошка билан маккажўхори экинларини ҳам дангал суғора бериш керак, деган фикрдаман. Гарчи бу зонада нам етарли бўлиб, қор-ёмғир суви кифоя қилиб турган, ҳатто ортиқчалик ҳам қилаётган бўлса-да, лекин энг керакли пайтда ёмғир ёғмай қуяди, натижада сабзавот ва бошқа экинлар ўсиш даврида ёмғир суви етишмай чанқаб қолади, ҳосили камайиб кетади. Бир гектар ердаги сабзавотни суғориш харажатлари жуда оз бўлиб, худодан тиламасак ҳам, ҳосил ола берамиз.

Қайир ерлар, экинларни суғориш, механизациялаштириш сабзавот етиштиришни ихтисослаштирилган хўжаликларда, бригадаларда марказлаштириш имконини беради. Шундай бир ҳисобни айтиб бермоқчиман.

Ўртоқ Карпутцева бригадаси 6.314 тонна сабзавот етиштирди. Москвани таъминлаш учун 600 минг тонна сабзавот керак. Демак, ана шундай бригадалардан 100 таси Москвани сабзавот билан таъминлай олади, унинг устига бу бригадаларнинг етиштириб берган сабзавоти арзон бўлади. Москва областида ўртоқ Карпутцева бригадаси сингари юзта бригада тузишнинг иложи борми? Биз шу одамларни ўқитиб, уларни техника билан таъминлай оламизми? Бу иш қўлимиздан келади. Хўш, нега шуни қилмаяпмиз? Чунки раҳбарлар, партия раҳбарлари ҳам, совет раҳбарлари ҳам, қишлоқ хўжалик раҳбарлари ҳам конкрет иш билан кам шуғулланишяпти, одамлар билан дуруст ишлашмаяпти, уларга тегишинча ёрдам кўрсатишмаяпти.

Шу масала устидаги гаплар кифоями, москвалик ўртоқлар, ё яна гапира берайми?

Овозлар. Тушундик.

Н. С. Хрушчев. Жуда соз. Мен совхозларга раҳбарлик қилишдаги ташкилий масалалар хусусида Москва қишлоқ области комитетининг секретари ўртоқ Конотоп, Москва области ижроия комитетининг раиси ўртоқ Козлов билан суҳбатлашдим. Бизда ихтисослаштирилган совхозларнинг трестлари тугатилди, билмадим, бу иш қанчалик тўғри бўлди экан. Картошка, сабзавот ва сут-чорва маҳсулотлари етиштирувчи ихтисослаштирилган совхозлар ишлаб чиқариш бошқармасидаги бошқа хўжаликлар орасида иккинчи даражали ўринга тушиб қолмаслигига бир қараш керак. Эҳтимол, ихтисослаштирилган совхозларнинг трестларини тузишга яна қайтишимиз лозим бўлар. Бу масалани тез ишлаб чиқиб, Министрлар Советида қараб чиқиш керак, тағин республикаларда ана шу хўжаликларга раҳбарлик ҳар хил бўлиб қолмасин, ташкилий структурада четланишлар бўлиши муқаррарга ўхшайди, лекин жуда катта тафовут бўлишига ҳам йўл қўйиш ярамайди.

Ташкилий масалаларни тез ҳал қилиш мумкин, албатта. Аммо шунинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, картошка ёки сабзавотни трестлар эмас, балки далада ишлаётган одамлар етиштиради. Агар Москва областида Кузнецовлар, Гольцовлар, Карпутцевалар бўлса, ҳатто область раҳбарлари ярим йилга отпускага чиқиб кетсалар ҳам, картошка билан карам етиштирила беришига кўнгиллари тўқ бўла бериши мумкин. Агарда Кузнецовлар, Гольцовлар, Карпутцевалар бўлмаса, отпускадан маҳрум бўлишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Трестлар бўлгани билан иш юришиб кетавермайди, чунки ишнинг муваффақиятини ишлаб чиқаришдаги одамлар ҳал қилади. Буни ҳамма вақт эсда тутиш керак.

Гидропоника ҳақида яна бир неча сўз айтмоқчиман. Биз сабзавот етиштиришнинг гидропоника методини яхши ишлаб чиқиб, кенг қўлланишимиз керак. Закавказьеда, Шимолий Кавказда, Қримда, Ўрта Осиё республикаларида гидропоника усули билан очиқ ерда сабзавот етиштириш мумкин.

Нефть чиқарилаётган, янги посёлкалар қад кўтариб келаётган Қорақум районларида гидропоника усули билан сабзавот етиштиришни йўлга қўйиб юборишларини Туркманистон қишлоқ хўжалиги ходимларидан алоҳида илтимос қилар эдим. Ўша жойларда ҳосилдор ерлар йўқ, сув оз-у, офтоб кўп. Гидропоника учун суғориб сабзавот етиштиргандагига нисбатан сув айнан анча кам талаб қилинади.

Бу гап Қозоғистонга ҳам тааллуқли. Бу ердаги бир қанча чўл районларида ҳам саноат ривожланиб боряпти, аҳолининг, айниқса Гурьевдаги ва Каспий денгизи соҳилининг бошқа районларидаги нефтчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун сабзавот керак.

Гидропоникани тупроқни иситиш билан қўшиб олиб бориш устида бир ўйлаб кўришни москваликларга маслаҳат берар эдим, балки бу маслаҳат бошқаларга ҳам тўғри келар. Ана шунда бодринг, помидор ва бошқа сабзавот етиштириш учун Москва областида тағин ҳам каттароқ имкониятлар очилар эди. Ўйлайманки, ҳозир парник хўжалигида бўлаётганига нисбатан ҳосилдорлик ошади, меҳнат сарфлари камаяди, меҳнат унумдорлиги кўтарилади ва сабзавот таннархи пастроқ бўлади. Эҳтимол, бундай сабзавот ўз қиммати жиҳатидан ерда етиштирилган сабзавотнинг қиммати билан рақобат қиладиган бўлар.

Сўзга чиқишга тайёрланаётган вақтимда, мана шундай бир масалани ўйлаб кўрдим. Шаҳарларга иссиқлик бераётган тепловой станцияларимизни олиб кўрайлик. Парник мавсуми бошланган кўклам пайтида уйларни иситиш учун сарфланадиган иссиқлик камаяди. Ана шу иссиқликни шаҳарнинг эҳтиёжи камайган маълум вақтдан бошлаб, сабзавот етиштириш учун берсак бўлмасмикин? Қўлимда иқтисодий ҳисоблар йўқ, техника имкониятларини ҳам билмайман, фақат схема бор, холос. Бу масалани ўрганиб чиқиш керак, аммо ортиқча иссиқликдан сабзавот хўжалиги учун фойдаланиш мумкин, деган фикрдаман. Модомики, Москвада шунинг иложи бор экан, бошқа шаҳарларда буни бемалол амалга ошириш мумкин. Саноат марказларини олиб кўринг. Бу жойларда тепловой электростанциялар одатда шаҳар ташқарисига қурилган, иссиқлик ҳамиша бор, демак, ерни иситиш усули билан бемалол сабзавот етиштириш мумкин. Бу иш тежамли бўлади, деб ўйлайман. Эҳтимол, махсус иситиш системалари қуриш ҳамда сунъий иситиш йўли билан гидропоника усулида сабзавот етиштиришни йўлга қўйиш фойдали бўлиб чиқар.

Лекин ҳар бир ишда бўлганидек, бунда ҳам қалам билан бамаслаҳат иш кўриш, иқтисодий жиҳатдан қандай манфаат кўришимизни белгилаб олишимиз керак. Шуни бир ўйлаб кўришни илтимос қилар эдим.

Энди, ўртоқлар, маккажўхори дони етиштириш соҳасидаги имкониятларимизга келайлик. Кубанлик механизатор В. Я. Первицкийнинг звеносида уч киши ишлайди. Улар қуйидаги натижаларга эришди:

Экин майдони (гектар)	445
ёки бир киши ҳисобига (гектар)	148
Ҳар гектар ердан олинган дон ҳосили (центнер)	51,5
Ҳар бир ишловчи киши ҳисобига етиштирилган маҳсулот (центнер)	7631
бир центнер донга сарфланган меҳнат (минут)	8
Бир центнер маккажўхорининг таннархи (тийин)	82
шу жумладан:	
иш ҳақи (тийин)	26
ишлаб чиқариш чиқимлари (тийин)	15
амортизация ва ремонтга ажратилган пул (тийин)	18
умумхўжалик чиқимлари (тийин)	23
Бир центнер донга давлат тўлаган пул (сўм)	5,50

Бу жуда яхши натижалардир. Шуни айтиб қўяйки, қўл меҳнати сарфламасдан маккажўхори етиштиришни бизга америкалик фермер жаноб Гарст ўргатди. Худди шу одам бир вақтлар менга бундай деган эди: Жаноб Хрушчев, менинг ёнимга ўз механизаторингизни юборинг, у менинг фермамда ўғлим билан бирга ишлаб кўрсин ва бир киши 100 гектар ерда маккажўхори етиштирадиган бўлиши учун ишни қандай ташкил этиш мумкинлигига қаноат ҳосил қилиб келсин.

Биз жаноб Гарст ҳузурига А. В. Гиталов ва бошқа ўртоқларни юбордик, улар ўша ерда ишлаб, ўқиб, ўрганиб келишди. Ўртоқ Первицкий Гарстнинг фермасига бормаган эди, лекин у Гарстнинг тажрибасини яхшилаб ўрганди ва қўл меҳнати сарфламай маккажўхори етиштиришни усталик билан ўзлаштириб олди.

Шуни айтиш керакки, совет кишиларимиз қобилиятли шогирдлар бўлиб чиқишди. Жаноб Гарст ўз фермасида бир киши 100 гектар ердаги маккажўхорини парвариш қилаётганини айтган эди. Ўртоқ Первицкий ва унинг ўртоқлари 148 гектардан ер олиб, қўл меҳнати сарфламасдан маккажўхори етиштиришяпти.

Жаноб Гарст бир центнер маккажўхори донига 12 минут вақт сарфлаётганини фахрланиб гапирган эди.

Ўртоқ Первицкий ва унинг ўртоқлари бир центнер маккажўхори етиштиришга 8 минут вақт сарфлашяпти.

Ўз ишининг омилкори бўлган одам мана қандай натижаларга эришиши мумкин, ўртоқлар. Ахир бизда шундай ишлаш фақат Первицкий ва Гиталов ўртоқларнинг қўлидан келади холосми? Бизда янги ишни ўзлаштириб олишга лаёқатли бўлган миллион-миллион кишилар бор. Партия ташкилотлари ана шу кишиларга маккажўхори етиштиришдаги илғор технологияни ўзлаштириб олингиз, деб шиор ташласинлар. Первицкий, Гиталов ва бошқаларнинг мактабларини барпо этинг. Одамларни ўқитинг, уларга техника беринг, улар маккажўхори етиштиришда ўртоқ Первицкий ишлатиб келаётган ҳамма усулларни ўзлаштириб оладилар. Ана шунда биз меҳнат унумдорлигини бундан ҳам ошириб юборамиз. Модомики, бу иш ўртоқ Первицкийнинг қўлидан келаётган экан, бошқа механизаторлар ҳам ана шундай натижаларга эришишлари мумкин.

Рост, ҳозир биз ҳамма майдонлардаги маккажўхори экинларига солиш учун минерал ўғитлар ва гербицидларнинг керакли хилларини етарли миқдорда етказиб бера олмасак керак. Буни ҳисобга олиш лозим. Аммо ҳатто ҳозирги шароитда ҳам колхоз ва совхозлар ишларни механизациялаштириш ва ишнинг сифатини яхшилаш асосида меҳнат унумдорлигини анча ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, даромадларни ва маккажўхори етиштираётган одамларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни кўпайтириш имкониятига эгадирлар. Имкониятларимиз йил сайин кўпаймоқда, колхоз ва совхозлар ерларга керакли миқдорда минерал ўғит ва гербицид соладиган бўлиб қолади. Бинобарин, кимки ўртоқ Первицкийнинг маккажўхори етиштиришдаги тажрибаси ва технологиясидан фойдаланса, ўша одам ҳозирги кунда колхоз ва совхозлардаги энг яхши омилкорлар олиб келаётган иқтисодий самарага эриша олади.

Бизда йилдан-йилга юқори ҳосил олаётган ажойиб одамлар кўп, лекин қўл меҳнати кўп сарфланаётганлиги сабабли ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилаётган дон кам бўлиб, таннархи ошиб кетмоқда. Х. А. Албегов звеносини мисол қилиб кўрсатайин. У ишнинг кўзини биладиган, яхши, меҳнатсевар одам. Ўзи Шимолий Осетиянинг суғориладиган ерларида, «Хумалаг» колхозида ишламоқда. Унинг звеносида 11 киши бор.

Экин майдони (гектар)	90
ёки бир киши ҳисобига (гектар)	8
Ҳосил (гектар бошига центнер)	83
Ҳар бир ишловчи киши ҳисобига етиштирилган маккажўхори дони (центнер)	677
Бир центнер донга сарфланган меҳнат	1 соату 3 минут

Яна бир мисол келтирайин. Тернополь областидаги «КПСС XXII съезди» колхозининг звено бошлиғи Евгения Алексеевна Долинюкни ҳаммангиз танийсиз. У КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, донгдор аёл, ажойиб инсон ва яхши коммунист. Унинг звеносида 33 киши маккажўхори етиштирмоқда. Мана звенонинг асосий кўрсаткичлари:

Экин майдони (гектар)	100
ёки бир киши ҳисобига (гектар)	3
Ҳосилдорлик (гектар бошига центнер)	81
Ҳар бир ишловчи киши ҳисобига етиштирилган маккажўхори дони (центнер)	246
Бир центнер донга сарфлачган меҳнат	4 соат 15 минут.

Маккажўхори етиштирувчи уч звенонинг ишидаги натижалар ана шулардан иборат. Звено бошлиқлари — ажойиб одамлар бўлиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муносиб равишда сазовор бўлишган. Аммо, меҳнат унумдорлиги даражасида қандай тавофут борлигини кўринг:

	Ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилган дон (центнер)	Бир центнер донга сарфланган вақт
Ўртоқ Первицкий звеносида	7.631	8 минут
Ўртоқ Албегов звеносида	677	1 соату 3 минут
Ўртоқ Долинюк звеносида	246	4 соату 15 минут

Кўриб турибсизки, ишлаб чиқариш даражасида жуда катта тафовут бор. Гарчи Албегов ва Долинюк ўртоқлар гектар бошига ўртоқ Первицкийга нисбатан юқори ҳосил олган бўлсалар ҳам, улар ҳар бир ишловчи киши ҳисобига маккажўхори донини Первицкий звеносидагига нисбатан ўртоқ Албегов звеносида 10 баравар, ўртоқ Долинюк звеносида эса 30 баравар кам етиштирмоқдалар. Шунинг орқасида меҳнат кўп сарфланиб, маҳсулот таннархи ошиб кетмоқда. Ўртоқ Первицкий звеносида 1 центнер маккажўхори донига 8 минут, ўртоқ Долинюк звеносида эса 4 соату 15 минут вақт сарфланган. Механизациялаштириш — маккажўхори ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда асосий йўл эканлиги равшан кўриниб турибди.

Биз, ўртоқлар, Первицкий, Гиталов ва бошқаларнинг методларига тезроқ кўча оламиз ва кўчишимиз ҳам керак. Ҳозирча нуқул Первицкий билан Гиталов тўғрисидаги гапларни эшитяпмиз, холос. Бизда бундай омилкорлар кам. Ҳар қайси хўжаликда бир одам ҳисобига ана шунча миқдорда дон етиштирмоқ учун ҳар бир областда, ҳар бир районда омилкорларимиз бўлиши мумкинми? Мумкин, ўртоқлар. Ахир бошқа одамларнинг Первицкий ва Гиталов ўртоқлар сингари унумли ишлагиси келмайди, деб ўйлайсизми? Ахир улар ўз бурчини сезиш ҳиссини йўқотиб қўйган деб, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнати билан шуҳрат қозонишни истамайди, деб ўйлайсизми. Уларнинг ҳам Ватан бахт-саодати йўлида Первицкий ва Гиталов ўртоқлардек ишлагиси, ўз меҳнатининг моддий неъматларидан баҳра олгиси келади. Бизда шундай одамларнинг камлигига сабаб нима? Бу нарса кимга боғлиқ, ўртоқлар? Ўзимизга, ўзимизнинг ташкилотчилик ишимизга боғлиқ.

Украин ўртоқлар, мени кечиринглар ва фикримни тўғри тушунинглар. Сизлар ўртоқ Гиталов тўғрисида кўп гапирасиз, уни ибрат қилиб кўрсатасиз. Бу яхши. Лекин нима учун сизларда Гиталовлар кам? Хўш, партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ўртоқ Гиталов тажрибасини жорий қилишдаги ташкилотчилик иши қани? Ишни шу тахлитда йўлга қўйингларки, республикангизда минглаб Гиталовлар камол топсин. Бу ҳам уддаласа бўладиган иш. Сизларда механизаторлар кўп, машиналар ҳам бор. Демак, ҳамма гап ишни ташкил этишда, одамларни танлаб олишда, уларни ўқитиш ва моддий манфаатдор қилишда қолган.

Шоли тўғрисида қисқача гапириб ўтмоқчиман. Яқинда Қозоғистон республикасидаги «Қизил Ту» колхозининг звено бошлиғи Иброй Жақаев тўғрисида «Правда» газетасида босилган мақолани ўқидим. Мен ана шу кишининг гапини эшитганман. Ўзи асл миришкор деҳқон бўлиб, гектаридан 70-90 центнер шоли олиб келяпти. Жақаев мактаб очиб, шоли етиштиришдаги ўз методларини одамларга ўргатяпти, ҳозирнинг ўзидаёқ 100 шогирд тайёрлади. Унга шогирд тушган ёшлар мўл ҳосил олишяпти. Масалан, колхозчи Зокирэ Ержонова уч йилдан бери гектар бошига 50 центнердан шоли олиб келяпти. Бу албатта яхши нарса. Аммо, Қозоғистон республикасининг раҳбарларидан шуни сўрамоқчиманки, шоликорлик районларида ана шундай мактаблардан қанчаси ишлаяпти? Жуда кам. Илғор шоликорларнинг тажрибаси дуруст ёйилмаяпти. Шу сабабдан Қозоғистондаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг гектар бошига атиги 15-20 центнер шоли олаётгани тасодифий ҳол эмас.

Ниҳоят, чой етиштириш хусусида ҳам бир мисол келтираман. Бу мисол Грузия республикаси чой баргини кўпроқ йиғиб олишда катта-катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Очхомурдаги совхозда Г. Р. Глонти бригадаси ишламоқда. Бригада 12 гектар ердаги чой плантацияларини парваришлаб, гектар бошига 8678 килограмм чой барги териб олмоқда. Ишлаб турган бир киши ҳисобига 4500 килограмм тоза чой барги етиштирилиб, ҳар центнер маҳсулотнинг таннархи 33 сўм 70 тийин бўлди, давлат эса 1 центнер чой барги учун 53 сўм 40 тийин пул тўламоқда. Шундай қилиб, чой барга етиштириш учун яхшигина моддий омиллар яратиб берилган.

Ўртоқлар! Мен бу ерда мамлакатимизнинг турли районларидаги новаторларимизнинг фидокорона меҳнат қилаётганини кўрсатувчи мисолларни келтирдим, ҳосилдорликка, ишлаб турган ҳар бир киши ҳисобига етиштирилаётган маҳсулотга, таннархини камайтиришга доир рақамларни айтиб ўтдим. Энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида қишлоқ хўжалигимизнинг ҳар бир тармоғида ажойиб тажриба орттирилганини ўзингиз кўриб турибсиз. Бу тажрибани ҳамма колхоз ва совхозларда жорий қилиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ғоят катта, аслини олганда, ҳали қўл текизилмаган резервидир. Агар биз колхоз ва совхозлардаги илғорлар ҳозир эришган кўрсаткичларга етиб олсак, ўз мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшамиз, халқ учун маҳсулотлар мўл-кўллиги яратишдан иборат коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифасини ҳал қилган бўламиз.

Шу сабабдан одамларни танлаш, уларни техника билан қуроллантириш, ҳар бир тармоқдаги илғор иш методларини ўргатиш, уларни моддий жиҳатдан манфаатдор қилиш ҳозир сира кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Буларнинг ҳаммаси биринчи даражали аҳамиятга эга.

Мен энг кўп меҳнат талаб қиладиган қишлоқ хўжалик экинларидан қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, маккажўхори, шоли, чой етиштириш экономикаси тўғрисида гапириб ўтдим, лекин дон экинлари етиштириш тажрибаси тўғрисида гапирмадим. Буғдой ва бошқа дон экинлари етиштириш соҳасида ўз машъалларимиз бор, колхоз ва совхозларнинг эгаллашлари лозим бўлган марралар белгилаб қўйилган. Буғдой, жавдар, арпа, гречиха, нўхат, ловия, соя

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1, 2 ва 3-бетларда)

ҳамда бошқа донли ва дуккакли экинлар етиштириш соҳасидаги ана шу марраларга чиқиб олиш ҳам одамларнинг малакасига, уларнинг моддий манфаатдорлигига боғлиқ. Бизга кундалик эҳтиёжларимизни қондириш учунгина эмас, балки резервлар яратиб қўйиш учун ҳам дон керак. Одатда дон экинлари рентабелли бўлади. Ҳосилдорлик ошган сайин бу экинлар колхоз ва совхозларга тобора кўп даромад келтиравериди. Техника экинлари етиштираётган кишиларни қандай рағбатлантираётган бўлсак, дон экинлари етиштираётган кишиларни ҳам ана шундай рағбатлантиришимиз керак.

Ҳар бир республика, ҳар бир ўлка, ҳар бир область ва ҳатто ҳар бир ишлаб чиқариш бошқармаси ўз ичидан муносиб намуналар, дон экинларидан юқори ҳосил олиш йўлини ёритиб турувчи машъаллар топа олади. Борди-ю, бундай хўжаликлар, бригадалар ишлаб чиқариш бошқармасининг ўзидан топилмаса, уларни бошқа ишлаб чиқариш бошқармаларидан топиш, қимматли тажрибаларини ўрганиш ва уни хўжаликда қўлланиш мумкин. Илғор тажрибани ўрганишнинг чегараси йўқ.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишнинг баъзи амалий масалалари

Энди мен чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишнинг баъзи амалий масалаларига тўхталиб ўтмоқчиман. Илғор колхозлар, совхозлар, бригадалар ишини анализ қилиб қарайлик, чорвачилик хўжалигимизнинг экономикасини кўздан кечирайлик, ана шунда: гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш керак, чорвачиликдаги резервлардан қандай фойдаланиш керак, деган саволнинг жавобини топиш осонроқ бўлади.

Интенсивлаш вазифалари қўйилганлиги муносабати билан механизацияни чорвачиликка жорий қилиш, ем-хашак тайёрлаш ва ундан самарали фойдаланиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бусиз арзон гўшт, сут, ёғ етиштириб бўлмайди.

Механизациялашган йирик ишлаб чиқариш, ем-хашакларни ва концентрат озуқаларни омилкорлик билан тайёрлаш чорвачилик маҳсулотининг таннархини камайтиришга олиб келадиган йўлдир. Бунда шуни эсда тутиш керакки, агар етиштирилаётган концентрат озуқалар таркибида чорва ёки парранда организмининг нормал ривожланиши учун зарур элементларнинг ҳаммаси бўлмаса, озуқаларнинг ортиқча сарф бўлиб кетиши муқаррар. Демак, чорва паррандаларни семиртириш муддатлари узайиб кетади, кўпроқ меҳнат сарф бўлади, ускуналарга сарфланган капитал маблағлардан фойдаланиш ёмонлашади. Оқибат натижада маҳсулот қимматга тушади, хўжалик зарар кўради.

Ҳозир чорва молларини илгариги вақтда деҳқоннинг хўжалигида боқилгани сингари примитив усулда боқиб бўлмайди. Деҳқон топган озуқасини молга беради. Эндиликда фан ва техника камроқ харажат қилиб, энг кўп самара олишга имкон берадиган озуқалар етиштириш йўлини топиб берди, демак, камроқ меҳнат сарфлаб энг кўп маҳсулот олиш мумкин бўлиб қолди.

Мамлакатнинг турли районларида чорвачиликни интенсив тарзда олиб бораётган, ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда кўп миқдорда гўшт ва сут олаётган хўжаликлар бор. Айни бир миқдордаги озуқа билан мол боқиб, лекин шу озуқани омилкорлик билан тайёрлаб ва ундан самарали фойдаланиб, чўчқаларни, қорамолларни, паррандаларни энг кўп миқдорда семиртириш, кўпроқ сут олиш мумкинлигини илғор колхозлар ва совхозлар ўз практикаларида исботлаб бердилар.

Механизациялашган йирик ишлаб чиқаришнинг имкониятларини кўрсатувчи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ростов областининг «Пролетарская диктатура» совхозида Г. П. Плотников бригадаси чўчқаларни боқиб семиртиришга ихтисослашмоқда. Бу бригадада озуқаларни тайёрлаш ва чўчқаларга бериш, чўчқахоналарни тозалаш ишлари механизациялашган. Бу эса бир неча минг чўчқани икки механизаторнинг боқишига имкон бермоқда. Шу бригада 1963 йилда қуйидаги натижаларга эришди:

Чўчқаларни 2.827 центнер семиртирди.

Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда 1.360 центнер чўчқа гўшти етиштирилди.

Чўчқани бир килограмм семиртиришга 6 озуқа бирлиги сарфланди.

Чўчқани бир центнер семиртиришга бир соату 42 минут вақт сарф бўлди.

Чўчқанинг бир центнер семириши 26 сўм 51 тийинга тушди.

Шу жумладан: меҳнатга 1 сўм 97 тийин пул тўланди.

Озуқаларга 20 сўм 88 тийин сарфланди.

Умумхўжалик харажатлари ва бошқа харажатлар 3 сўм 16 тийин,

амортизация чиқими 50 тийин бўлди.

Давлат чўчқа гўштининг ҳар центнери учун 81 сўм 16 тийин тўлади.

Шу келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, ўртоқ Плотников бригадасида етиштирилган чўчқа гўштининг ҳар центнеридан совхоз 54 сўм 65 тийин даромад олган. Бизда мана шундай резервлар бор, ўртоқлар. Чўчқачилик сердаромад тармоқ бўлиши учун давлат бутун шарт-шароитни яратиб берган. Аммо бизда бу тармоқни эски тартибда бошқараётган, механизацияни жорий қилмаётган, озуқалардан самарали фойдаланиш ғамини емаётган, натижада чўчқа гўштини қимматга тушираётган колхозлар ва совхозлар ҳали ҳам кўп. Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари, зоотехниклар, партия ходимлари бундан жиддий хулосалар чиқариб олишлари, чўчқа гўшти етиштириш экономикасини ўрганишлари, бу гўштнинг таннархини камайтиришнинг конкрет йўлларини топишлари зарур. Ҳар бир областда, республикада чўчқа гўштини жуда кўп миқдорда етиштириш яхши ташкил этилганлигини кўрсатувчи мисоллар бор. Масалан, Украинада Одесса областининг «Красний» совхозида И. П. Полишко бригадасининг чўчқаларни боқиб семиртиришдаги тажрибаси ғоят диққатга сазовор. Шу бригада 1963 йилда ўз ишида қуйидаги натижаларга эришди:

Чўчқалар 1.820 центнер семиртирилди.

Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда 910 центнер чўчқа гўшти етиштирилган.

Чўчқани бир килограмм семиртиришда 8 та озуқа бирлиги сарфланди.

Чўчқани бир центнер семиртиришга 2 соату 30 минут меҳнат сарфланди.

Чўчқани бир центнер семиртириш 37 сўм 60 тийинга тушди.

Шу жумладан: меҳнатга 2 сўм 79 тийин ҳақ тўланди.

Озуқага 32 сўм сарфланди.

Давлат чўчқа гўштининг ҳар бир центнерига 81 сўм 56 тийин тўлади.

Дуруст, агар ўртоқ Полишко бригадасининг натижаларини ўртоқ Плотников бригадаси эришган кўрсаткичлар билан таққослаб қарасак, бу натижалар бир оз камроқ бўлиб чиқади. Чўчқани бир центнер семиртиришнинг таннархи ўртоқ Плотников бригадасида 26 сўм 51 тийинга, ўртоқ Полишко бригадасида эса 37 сўм 60 тийинга тушган. Шу жумладан, озуқаларга биринчи бригадада 20 сўм 88 тийин, иккинчи бригадада эса 32 сўм сарфланган. Таннархининг фарқи бундай бўлишининг сабаби маълум: чўчқани бир килограмм семиртиришга ўртоқ Плотников бригадасида 6 та озуқа бирлиги, ўртоқ Полишко бригадасида эса 8 та озуқа бирлиги сарфланган. Шуни эслатиб ўтиш ўринли бўладики, капиталистик мамлакатлардаги энг яхши хўжаликларда бир килограмм гўшт етиштиришга 3,5 килограмм озуқа сарфланмоқда. Бу эса ўртоқ Плотников бригадасида сарфланган 6 та озуқа бирлигидан ва, айниқса, ўртоқ Полишко бригадасида сарфланган 8 та озуқа бирлигидан анча кам.

Шу сабабли бизнинг илғорларимиз эришилган натижалар билан тўхталиб қолмасдан озуқа сарфлашни зўр бериб камайтиравершилари, меҳнат унумдорлигини ошираверишлари керак.

Агар энг яхшилардан, илғорлардан ибрат олиб, чорва ва паррандаларни боқиб семиртириш ташкил этилса, ҳозирги вақтда колхозлар ва совхозлар сарфлаётган озуқанинг ўзи билан, эҳтимолки, бир ярим-икки баравар кўп гўшт етиштириш мумкин.

Ҳатто бизнинг энг яхши хўжаликларимизда ҳам чорва ва паррандаларни янада интенсивроқ боқиб семиртириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётир. Мисол учун Киев областидаги «Яготинский» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхоз ўрдаклар боқиш билан шуғулланаётган йирик хўжаликдир. Бу хўжалик 1963 йилда қуйидаги натижаларга эришди:

Совхозда 1 миллион 200 минг ўрдак ўстирилди.

20 минг центнер ўрдак гўшти олинди.

Ҳар бир ходимга ҳисоблаганда 132 центнер ўрдак гўшти етиштирилди.

Ўрдакни бир килограмм семиртиришга 5,7 озуқа бирлиги сарфланди.

Ўрдак гўштининг бир центнери 80 сўм 38 тийинга тушди.

Шу жумладан:

Меҳнатга 7 сўм 87 тийин ҳақ тўланди.

Озуқага 61 сўм 25 тийин сарфланди.

Амортизация чиқими 9 сўм 16 тийин,

умумхўжалик харажатлари 2 сўм 10 тийин бўлди.

Ўрдак гўштининг ҳар бир центнерига давлат 100 сўм 22 тийин тўлади.

«Яготинский» совхози — яхши хўжалик. Бу хўжалик Ғарбий Германиядаги Бельц фермасида ўрдакларни қуруқликда ўстириш тажрибасини ҳисобга олиб, ташкил этилган.

Бироқ, «Яготинский» совхози озуқаларни тайёрлаш технологиясида Бельц фермаси эришган даражага кўтарилгани йўқ. Натижада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам турлича.

	Бир килограмм гўшт етиштиришга сарфланган озуқа бирлиги	Бир центнер ўрдак гўштининг таннархи
«Яготинский» совхозида	5,7	80 сўм 38 тийин
Бельц хўжалигида	3,5	60 сўм

«Яготинский» совхозида ўрдакни бир килограмм семиртиришга 5,7 озуқа бирлиги сарфланмоқда, бир центнер ўрдак гўшти 80 сўм 38 тийинга тушмоқда. Ғарбий Германиядаги капиталист эса ўрдакни бир килограмм семиртиришга 3,5 та озуқа бирлиги сарфлаб, бир центнер ўрдак гўштини 60 сўмга туширмоқда. Биз яхшироқ кўрсаткичларга, меҳнат унумдорлигининг тағин ҳам юксак бўлишига эришмоғимиз лозим. Юқори сифатли озуқа етиштиришни, бу озуқалардан самарали фойдаланишни ўрганиб олиш керак.

Бельц ўз хўжалигини қандай бошқаради? Бизнинг мутахассисларимиз шу хўжаликка бориб, унинг ишлари билан танишдилар. Бундан ташқари, жаноб Бельцнинг ўзи бизга қисқа метражли фильмни совға қилиб юборди. Шу фильмда ернинг ҳар гектаридан нечоғли оқилона фойдаланилаётганлиги, озуқа етиштириш қандай ташкил этилганлиги кўрсатилган. Бельцнинг концентрат озуқа тайёрлаб берадиган ўз заводи бор. Таркибидаги оқсил моддалар ва бошқа элементлар бир мезонга солинган озуқалар билан ўрдаклар боқилмоқда. Лаборатория озуқаларнинг сифатини ҳамма вақт текшириб туради. Бизнинг ходимларимиз хўжаликни яхшироқ бошқаришни ўрганиб олишлари керак. Агар тажриба етишмаса, бу тажрибани ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида яхши натижаларга эришган хўжаликлардан ўрганиш, шу хўжаликларнинг технологиясини ўрганиш керак.

Мутахассислар, хўжаликларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари хўжалик ишларини рационал юритиш масалалари билан конкрет равишда шуғулланишлари, халқ пулини тийинлаб тежашлари, сарфланган озуқа эвазига энг кўп маҳсулот ола билишлари лозим. Марказий Комитетнинг февраль Пленумида «Яготинский» совхозининг ютуқларини айтиб ўтган эдим. Бу совхознинг ишига бугун ҳам тўхталиб ўтганимнинг сабаби нима? Гап шундаки, ўша вақтда шу хўжалик ҳақида менга берилган материалларда ҳар центнер гўштнинг таннархи ва ўрдакни бир килограмм семиртиришга қанча озуқа сарфланаётганлиги сингари муҳим кўрсаткичлар келтирилмаган эди. Шундан кейин мен бу материалда нимадир етишмайди, деб ўйлаб қолдим. Совхоз директори шу кўрсаткичлар тўғрисида нима учундир индамай қўя қолган. Гумоним тўғри бўлиб чиқди. Совхозда ўрдакни бир килограмм семиртиришга 5,7 озуқа бирлиги сарфланаётган экан. Ваҳолонки, Бельц хўжалигида бунинг учун 3,5 озуқа бирлиги сарфланади.

«Яготинский» совхозининг директори А. А. Сенников яхши раҳбар, у ишлаб чиқаришни юксак даражага кўтарди, бошқа хўжаликларга нисбатан анча муваффақиятларга эришди, буни ўз мақоласида тўғри кўрсатиб ўтган. Лекин, совхозда эришилган натижаларни энг яхши намуналар билан таққосланса, совхозда ҳамма имкониятлардан фойдаланилмаётганини кўриш мумкин. Тухумга кирган ҳар бир товуқдан Яготинода 230 тадан тухум олинмоқда, немис хўжалигида ҳам деярли шунча тухум олинади, аммо озуқа кўплаб сарфланмоқда, совхоз директори эса буни билмаслиги мумкин эмас.

Касални яшириш билан уни даволаб бўлмайди, балки касал кучайиб кетади ва доимий тус олади. Йўқ, биз бундай касалликларни очиб ташлашимиз, анализ қилишимиз, озуқа нима сабабдан ортиқча сарф қилинаётганлигини тадқиқ қилишимиз керак. Ахир, технология биз учун энди сир эмаску,— совхозда ўрдакларни боқиш рациони ёмон тузилаётган бўлса керак, натижада озуқа ортиқча сарф бўлаётир, ўрдакларни семиртиришга эса кўпроқ вақт кетаётир. Рацион нотўғри тузилган бўлса, ўрдак муайян муддатда 1,4 килограмм семира олмайди. Ўрдакнинг муайян муддатда мана шундай семиртирилмаслиги натижасида озуқа ҳам ортиқча сарф бўлиб кетади ва бошқа ўринсиз харажатлар бўлаверади.

Озуқаларни шундай тайёрлаш керакки, бу озуқаларда зарур тўйимли моддаларнинг ҳаммаси бўлсин. Ана шунда энг кам вақт сарфлаб ва энг кам озуқа билан энг кўп миқдорда семиртириш мумкин, бунга эришганимизда харажат ҳам камроқ бўлади.

Бу гапларнинг ҳаммасини мен имкониятларимизни яхшироқ кўрсатиб бериш учун айтаётирман. Бизнинг имкониятларимиз эса жуда катта. Чорва ва паррандаларни боқиш учун ҳозирги вақтда сарфланаётган озуқанинг ўзи билан анча кўп маҳсулот олиш мумкин. Бунинг учун илғорларимиз қўлланаётган усулларни жорий қилиш, чет эл практикасининг муваффақиятларидан фойдаланиш керак. Бинобарин, гап фақат озуқа етиштиришни кўпайтириш зарурлиги устидагина бораётгани йўқ. Шу билан бирга бор озуқалардан рационал фойдаланишни, шу озуқалардан энг кўп самара олишни ўрганиш устида ҳам боряпти.

Бошқа бир мисолни айтиб бераман. Сизларни яна бир марта қитиқлаб ўтмоқчиман, украиналик ўртоқлар. Қрим областидаги «Красний» совхозини олиб кўрайлик. Бу совхоз ҳам яхши хўжалик. М. В. Стенкина бригадаси бройлерлар, яъни гўштга сўйиладиган жўжалар етиштиришда қуйидаги натижаларга эришди.

1.473 центнер парранда гўшти етиштирилган.

Бир ишловчига ҳисоблаганда 368 центнер гўшт олинган.

Паррандани бир килограмм семиртиришга 3,6 килограмм озуқа сарфланган.

Бир центнер гўшт етиштиришга 4 соат-у 24 минутлик меҳнат сарфланган.

Бир центнер парранда гўшти 85 сўм 29 тийинга тушган.

Шу жумладан: меҳнатга 4 сўм 77 тийин ҳақ тўланган, озуқага 61 сўм 40 тийин сарф бўлган. Бир центнер гўштга айлантириб ҳисоблаганда бир кунлик жўжанинг қиммати 7 сўм 27 тийин бўлган.

Ишлаб чиқариш харажатлари 5 сўм 93 тийин,

амортизация чиқими 3 сўм 72 тийин,

умумсовхоз харажатлари 2 сўм 20 тийин бўлган.

Парранда гўштининг бир центнерига давлат 136 сўм тўлаган.

Кўриб турибсизки, ўртоқ Стенкина бригадасида ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда 368 центнер парранда гўшти етиштирилди, аммо паррандани бир килограмм семиртиришга 3,6 килограмм озуқа сарфланган. Парранда боқиб семиртираётган бошқа хўжаликларнинг кўрсаткичларига таққослаб қарасак, бу чакки натижа эмас.

Лекин бу хўжаликда имкониятлардан тўла фойдаланилганми? Йўқ, асло тўла фойдаланилмаган. Совхозда замонавий ускуналар ўрнатилган. Концентрат озуқа тайёрлаб берадиган завод ҳам, парранда сўядиган цех ҳам, чиқиндиларнинг ҳаммасини утилизация қилиш цехи ҳам бор. Биз бу ускуналарни Америка Қўшма Штатларидан сотиб олганмиз. Ишлаб чиқариш технологиясини ҳам биламиз. Бироқ, тажриба етарли бўлмаганлиги, озуқалар тайёрлаш технологияси нотўғри ташкил этилганлиги сабабли «Красний» совхозида уларнинг сифати бизга парранда гўшти етиштириш ускуналарини сотган компанияникига қараганда паст. Шу сабабли озуқалар ортиқча сарфланмоқда ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳам анча паст. Буни қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

Бир ишчи:

«Красний» совхозида 20 минг жўжага хизмат қилади.

АҚШдаги Ля Торра фермасида 100 минг жўжага хизмат қилади.

Жўжаларни боқиб семиртиришга:

«Красний» совхозида 80 кун сарф бўлади.

Ля Торра фермасида эса 67 кун сарф бўлади.

Бир килограмм гўшт етиштиришга:

«Красний» совхозида 3,6 килограмм озуқа сарфланади.

Ля Торра фермасида 2,02 килограмм озуқа сарфланади.

Албатта, «Красний» совхози кўп товар маҳсулот берадиган хўжалик, лекин шу совхоз ҳам жўжа гўшти етиштиришда ҳозирги замон даражаси чўққисига ҳали ҳам кўтарила олмаганлигини кўриб турибсиз.

Совхоз мутахассислари тағин ҳам конкретроқ ишлаб, ишнинг кўзини яхши билиб олганларида эди, улар бундан кўра яхшироқ натижаларга эришишлари турган гап эди. Жўжа гўшти етиштиришни қандай ташкил қилиш тўғрисида ёзилган асарлар, каталоглар, китоблар бор-ку, ахир. Лекин технологияни ўрганиш ва сотиб олинган ускуналардан омилкорлик билан фойдаланиш учун совхоз раҳбарлари етарли даражада қунт қилмаган бўлсалар керак. Бунга интилмаган бўлсалар ҳам керак.

Хўжалик биринчи муваффақиятларга, юксак кўрсаткичларга эришганлиги баъзи бир кимсаларнинг бошини гангитиб қўйди. Бу кўрсаткичлар бошқа бир қанча хўжаликларимизникидан ҳақиқатан ҳам юқори, лекин жўжа гўшти етиштиришни механизациялаштиришнинг ҳозирги вақтдаги даражаси берадиган имкониятлардан пастроқ бўлиб турибди.

Ҳар бир ишчи бир йўла 20 минг жўжани эмас, балки Америкадаги фермернинг худди шундай ускуналардан фойдаланиб эришгани сингари юз минг жўжани боқиши учун «Красний» совхози коллективининг бутун шарт-шароити бор.

Озуқаларнинг сарфланиши тўғрисида ҳам худди шу гапни айтмоқ керак. Паррандани бир килограмм семиртиришга американлик фермер 2,02 килограмм озуқа сарфлайди, «Красний» совхозида эса 3,6 килограмм озуқа сарфланмоқда. Сабаб? Бизнинг ходимларимиз озуқалар ортиқча сарф бўлаётганлигининг сабабларини топиб анализ қилиш, бу сабабларни йўқотиш ва айни миқдордаги озуқа билан гўшт етиштиришни 30-40 процент кўпайтириш ўрнига эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмоқдалар. Бу билан биз ўз имкониятларимизни чекламоқдамиз, озуқалар тайёрлаш ҳозирги замон фани муваффақиятлари даражасида ташкил қилинган тақдирда айни бир миқдордаги озуқа сарфлаб олиш мумкин бўлганига қараганда камроқ маҳсулот олмоқдамиз.

Мамлакатимизнинг хўжаликлари йирик социалистик хўжаликлардир. Бу хўжаликларда энг илғор ишлаб чиқариш технологиясини эгаллаб олишга интилаётган ажойиб совет кишилари ишлайди. Арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпроқ етиштирмоқ учун бизда ҳамма нарса бор. Лекин бунинг учун хўжалик ишларини моҳирлик билан юритишни, ускуналардан омилкорлик билан фойдаланишни ўрганиб олиш, технологияни такомиллаштириш, экономикани чуқурроқ билиш керак.

Ўз нутқларимдан бирида шундай бир фактни айтиб берган эдим. Американлик бир фермер озуқалар етиштириш билан шуғулланаётган фирмадан озуқа сотиб олибди-ю, лекин фирма ваъда қилган миқдорда шу озуқалар билан молни семиртиришга муваффақ бўлолмабди. Шундан сўнг фермер судга ариза берибди. Озуқалар анализ қилиб қаралганида бу озуқаларда рекламада кўрсатилган элементларнинг ҳаммаси лозим бўлган пропорцияда эмаслиги аниқланибди. Шу сабабли фирма суднинг қарорига биноан, фермерга сифатсиз озуқаларни ишлатиш натижасида кўрган зарарини тўлаши керак бўлибди. Озуқанинг ҳар бир килограммидан энг кўп фойда олмоқ учун капиталистик мамлакатларда мана шу тариқа курашмоқдалар. Агар фермер муайян миқдорда фойда олмаса, хонавайрон бўлади. Капиталистик система бу жиҳатдан жуда шафқатсиз. Бир фермер иккинчи фермерни бир доллар фойда оламан деб ер билан яксон қилишдан қайтмайди.

Бизда тузум бошқа, система бошқа. Бизнинг тузум, бизнинг система одамларнинг бир-бирига ёрдам беришига, бир-биридан ўрганишига, шу тариқа кўпчилик бўлиб куч ва ғайрат сарфлаб, ишлаб чиқаришда зарур чўққиларга эришишга асосланган. Лекин биз бўшанглик ва лапашангликка йўл қўя олмаймиз. Агар «Красний» совхози бир килограмм гўшт етиштирмоқ учун 3,6 килограмм эмас, балки 2,02 килограмм озуқа сарфлаганида қанча қўшимча маҳсулот етиштириб бериши мумкинлигига ўзингиз бир назар солинг. Бизнинг ҳали ишга солинмаган мана шундай резервларимиз бор. Юқори классга ўтиш, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилиш пайти келди, ўртоқлар. Тажрибали мутахассисларнинг, ташкилотчиларнинг ишни примитив равишда, уқувсизлик билан юритиши, социалистик хўжалигимизнинг катта имкониятларидан фойдаланмасликлари мумкин эмас.

Тухум етиштиришни ихтисослашган хўжаликларда ташкил этишнинг иқтисодий фойдалари тўғрисида Марказий Комитет Пленумида гапириб ўтилган эди. Бу йўлнинг тўғрилигини кўрсатувчи кўп мисоллардан бирини айтиб бермоқчиман.

Қрим областининг «Южний» совхозида Е. А. Бибик бригадаси мана бундай ютуқларга эришди:

Совхоз 7 миллион 791 мингта тухум етиштирди.

Ҳар бир ходимга ҳисоблаганда 1 миллион 298 мингта тухум етиштирилди.

Ҳар мингта тухумни етиштиришга 4 соат-у 41 минутлик меҳнат сарфланди.

Ҳар мингта тухум 54 сўм 27 тийинга тушган.

шу жумладан:

меҳнатга 2 сўм 31 тийин ҳақ тўланган,

озуқага 42 сўм 98 тийин сарфланган,

ишлаб чиқариш харажатлари 6 сўм 48 тийин,

амортизация чиқимлари 1 сўм 76 тийин,

маъмурий-хўжалик харажатлари 74 тийин бўлган.

Ҳар мингта тухумга давлат 94 сўм 87 тийин тўлаган.

Бу — тухумларни кўп миқдорда етиштиришни ташкил этишнинг яхши намунасидир. Агар ҳамма жойда ҳам ишни мана шундай ташкил қилганимизда эди, ҳар мингта тухумнинг таннархини «Южний» совхозида бўлган даражага етказганимизда эди, озуқаларнинг сарфланишини ва меҳнат сарфини камайтирганимизда эди, бу олға томон қўйилган катта қадам бўлур эди. Шуни айтмоқчиманки, бизнинг раҳбар кадрларимиз, қишлоқ хўжалигида ишлаб турган ҳамма ходимларимиз янгиликни жорий қилишга чинакам киришсинлар, илғорларнинг муваффақиятларини ўрганиб олсинлар ва бу муваффақиятларни амалда қўлланишни ўзларининг бурчлари деб ҳисобласинлар. Лапашанг, жон куйдирмайдиган, ташаббуссиз одамларга хўжаликка раҳбарлик қилишни ишониб бўлмайди.

Бу ерда мен украиналик ўртоқларни илғор совхозлардаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаганликлари учун танқид қилдим. Лекин бу совхозлар яхши хўжаликлардир, улар бошқа республикалардаги хўжаликларга қараганда маҳсулот етиштиришга озуқаларни анча кам сарфламоқдалар. Шу сабабли, уларнинг тажрибаларини ўрганиш керак, мамлакатнинг ҳамма областларида шу совхозлардаги илғор кишилардан ўрнак олиб ишлаётган минглаб ташаббускорларга эга бўлишимиз керак.

Товар тухум етиштиришни ихтисослашган хўжаликларда ташкил этишга, бу ишда ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга яқин бир-икки йил ичида эришишни ўйлаб кўришимиз керак.

Залдан овоз. Биз Украинада ҳозир катта паррандачилик фабрикалари қурмоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Украинада ҳам, Россия Федерациясида ҳам, бошқа республикаларда ҳам янгиликни тезроқ ўрганиб олиб, ишлаб чиқаришга жорий қила бериш керак. Акс ҳолда бизнинг ходимларимиз бу ишга киришгунларича анча вақт ўтиб кетади, анча озуқа ошиқча сарф бўлади, етиштирилиши лозим бўлган анча маҳсулотни ололмай қоламиз. Гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг прогрессив технологиясини жорий қилишда ишлаб чиқариш бошқармаларининг, республикалардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрликларининг масъулиятини ошириш керак. Афсуски, циркулярлар ёзиш ва телеграммалар юборишдан бошқа иш тополмаётган ходимларимиз ҳали ҳам оз эмас, ҳали мен бу тўғрида гапириб ўтаман. Шуни уқтириб ўтмоқчиманки, бизга умумий даъватларнинг кераги йўқ, бунинг ўрнига зўр бериб меҳнат қилиш, конкрет ташкилотчилик иши билан шуғулланиш керак. Энг муҳими мана шунда.

Колхоз-совхоз бошқармалари, партия ташкилотлари, область ва ўлка партия комитетлари, республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ҳамма кадрларимиз ишлаб чиқариш ишлари билан яшашлари керак. Суҳбатлар ўтказиб туриш, докладлар қилиш, мақолалар ёзиш керак, албатта, лекин қанча маҳсулот етиштирилганлиги, бунинг учун қанча нарса сарфланганлиги, маҳсулот таннархининг қандай бўлганлиги, озуқаларни самарали сарфлаш — мана шунинг ўзи энг асосий нарсадир.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси тасодифий қўлга кирган натижа эмас, балки колхозлар ва совхозлардаги мавжуд моддий ва ташкилий шароитдан келиб чиқаётган муайян қонуниятдир.

Бизнинг сут чорвачилигимизда қандай катта имкониятлар борлигини яхши кўрсатадиган яна бир мисолни айтиб бермоқчиман. Запорожье областининг «Перемога» совхозидаги сигирларни боғламай боқадиган фермада қуйидаги натижалар қўлга киритилган

Фермада 660 сигир бор.

Ҳар бир сигирдан 2.641 килограмм сут соғиб олинган.

Ҳар бир ходимга ҳисоблаганда 911 центнер сут олинган.

Ҳар бир центнер сутга 3 соатлик меҳнат сарф бўлган.

Ҳар бир килограмм сутга 1,25 озуқа бирлиги сарфланган.

Ҳар бир центнер сут 6 сўм 73 тийинга тушган.

шу жумладан:

меҳнатга 1 сўм 81 тийин ҳақ тўланган,

озуқага 3 сўм 59 тийин сарф бўлган,

умумишлабчиқариш харажатлари ва бошқа сарфлар 1 сўм 33 тийин бўлган.

Ҳар бир центнер сутга давлат 10 сўм 3 тийин тўлаган.

Совхознинг сигирчилик фермаси рентабел тармоқ бўлиб қолди, у ўз фермасидан яхши даромад олмоқда. Бизда ихтисослашган сутчилик совхозлари кўп. Бу совхозлар ҳозирча етарли миқдорда сут етиштириб бераётгани йўқ, улар етиштираётган сутнинг таннархи ҳам баланд. Сутчилик хўжалигини рентабел тармоқ қилиш, бу хўжаликдан катта-катта даромад олиш мумкинлигини «Перемога» совхозининг практикаси кўрсатиб турибди. Лекин, сутчилик совхозлари маккажўхори ва бошқа озуқа экинларидан юқори ҳосил етиштирадиган бўлганларидагина, ўзларини арзон силос билан мўл-кўл қилиб таъминлаб турганларидагина, чорва молларини боғламай боқиш усулини жорий қилиш йўлидан, сут соғишни, озуқалар тайёрлашни ва молларга беришни механизациялаш йўлидан тағин ҳам дадилроқ борганларидагина мана шундай натижага эришиш мумкин.

Меҳнатни энг кўп талаб қиладиган, айтишим мумкинки, ҳозирча энг қимматга тушаётган чорвачилик маҳсулоти етиштириш соҳасида бизнинг катта имкониятларимиз бор. Гўшт, сут, тухум, жун сотиб олмоқ учун ҳукумат белгилаб қўйган харид нархлари чорвачиликни рентабеллаштиришга, чорвачиликдан кўпроқ жамғармалар олишга имконият беради. Шу билан бир вақтда чорвачиликни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бошқа муҳим тадбирлар ҳам амалга оширилди. Эндиликда саноат машиналарни кўпроқ ишлаб чиқармоқда, концентрат озуқалар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилди ва қурилмоқда, химия ва биология чорвадорларга мададкор бўлиб қолди. Бинобарин, агар биз мен айтиб ўтган миришкорларнинг ва айтиб ўтишга имконим бўлмаган миришкорларнинг тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ учун лозим бўлган даражада ташкилотчилик ишларини ҳозирги вақтда йўлга қўйиб юборсак, кўп натижаларга эришамиз.

Хўжаликни интенсивлашга ўтиш билан бирга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишнинг формаларини ҳам ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришимиз лозим.

Ҳозирги вақтда бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ва фанига раҳбарлик қилиш республикалар, ўлкалар ва областлар бўйича жуда тарқоқ ҳолда бўлиб қолган. Менимча, масалан, чўчқачилик ва паррандачилик сингари тармоқларга раҳбарлик қилишда бу раҳбарликни кўпроқ марказлаштириш йўли билан бориш керакка ўхшайди. Сабаб? Ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига раҳбарлик қилишни тағин ҳам мақсадга мувофиқроқ қилишни ҳали ўйлаб кўриш керак. Лекин бу икки тармоқни — чўчқа гўшти етиштиришни, шунингдек парранда гўшти ва тухум етиштиришни марказлаштирмасак бўлмайди.

Маълумки, тухум ва жўжа гўшти етиштириш иқлим шароитларига деярли боғлиқ эмас. Йирик паррандачилик хўжаликлари концентрат озуқалардан ва механизациялашган ишлаб чиқаришнинг афзалликларидан фойдаланувчи фабрикалардир.

Чўчқачилик ҳам шундай тармоқдир. Йирик чўчқачилик фермаларида ҳам ишлаб чиқаришни меҳнатни механизациялаш, озуқани тўғри тайёрлаш ва чўчқаларни боқишнинг самарали рационларини қўлланиш асосида илмий равишда, қатъий система билан ташкил этиш лозим.

Менимча, масалан, чўчқачилик ва паррандачилик билан шуғулланадиган иттифоқ-республика бошқармалари тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу бошқармалар чўчқа гўшти, парранда гўшти, тухумни кўп миқдорда етиштиришни, наслчилик ишини ташкил этиш, гибридлаштириш билан шуғулланишлари, ҳам Совет Иттифоқидаги, ҳам чет мамлакатлардаги фан ва практика муваффақиятларини хўжаликларга жорий қилишлари лозим.

Республикаларда ҳам шундай бошқармалар тузиш керак. Аммо ишни шундай уюштириш керакки, иттифоқ органлари билан республика органлари ўртасида беҳуда ёзишмалар билан шуғулланиш, сансалорлик бўлмасин. Эҳтимолки, ҳар бир тармоқнинг ўзида боқиб семиртирадиган ва наслчилик билан шуғулланадиган хўжаликларни бирлаштирувчи трестлар тузиш керак бўлиб қолур. Қоғозбозликни камайтирмоқ, одамларни бошқармаларнинг турли аппаратларида бюрократларча ёзишмабозлик билан банд қилиб қўймаслик, балки бутун куч-ғайратни ва энг яхши кадрларни ишлаб чиқариш доирасига тўплаш — бевосита колхозлар ва совхозларда тўплаш учун бу ишларнинг ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

Паррандачилик тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу соҳада гўшт ва тухум етиштиришни концентрациялаш айниқса муҳим. Ҳозирги вақтда гўшт ва тухум етиштириш билан кўп хўжаликлар кустарчилик усулида шуғулланмоқдалар. Йилига бир неча ўн миллион тухум бераётган замонавий йирик паррандачилик фабрикалари билан бир қаторда 300-400 товуғи бўлган, товар маҳсулотни кам бераётган, зарар кўраётган майда фермаларни учратиш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг бу тармоғини марказлаштириш керак. Парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳозирги вақтда фабрика-завод ишлаб чиқаришининг худди ўзи бўлиб қолмоқда. Бу ишда муваффақиятни ускуналар, технология, энг муҳими эса, озуқалар етиштиришни ташкил этиш, оқсил моддаларининг, барча тўйимли моддаларнинг мезони муайян меъёрга келтирилган тўла қимматли рационларни қўллаш масаласи ҳал қилади.

Шу сабабли, озуқалар етиштиришни ҳам марказлаштириш, бу ишни, афтидан, Тайёрлаш комитетига топшириш лозим. Лекин озуқалар етиштириш саноат чўчқачилиги ва паррандачилиги билан шуғулланувчи иттифоқ-республика бошқармаларининг ҳам контроли остида бўлиши лозим.

Концентрат озуқалар ишлаб чиқарадиган саноат барпо қилиш пайти келди. Бизда бундай озуқалар ишлаб чиқарадиган заводлар бор, лекин уларда иш кустарчилик усулида ташкил этилган, улар тўла қимматли концентрат озуқалар бериш ўрнига, кўпинча ёрма донгина ишлаб чиқармоқдалар. Концентрат озуқалар ишлаб чиқарувчи саноатни бу ҳолда қолдириш ярамайди.

Озуқаларга қўшиб бериладиган ҳар хил моддалар, стимуляторлар, антибиотиклар, витаминлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш керак. Бунда хўжалик мана шундай қўшимча моддаларни сотиб олиш, ўз донига шу моддаларни қўшиб, самарали концентрат озуқалар тайёрлаш имконига эга бўлади.

Чўчқачилик ва паррандачилик билан шуғулланувчи бошқармаларнинг мутахассислари концентрат озуқалар ишлаб чиқарадиган йирик заводларнинг контролерлари бўлсинлар. Концентрат озуқалар бошқармаларнинг мутахассислари тавсия қилган рецептлар асосида тайёрлаб берилиши лозим.

Паррандачилик саноат асосида ташкил қилинган тақдирда, қанча тухум кераклигини, паррандачилик фабрикасини истеъмолчига яқинлаштирмоқ учун бундай фабрикаларни қайси зоналарда ташкил қилишни ҳисоблаб планлаштириш мумкин бўлиб қолади. Парранда (бройлер) гўшти етиштириш тўғрисида ҳам худди шуни айтиш керак. Бройлер фабрикаларини қаерда ташкил этишни фақат иқтисодий манфаатларни кўзлаб белгилаш керак. Концентрат озуқаларни паррандага ташиб келиб гўшт етиштиришни истеъмолчига яқинроқ жойда, шаҳарлар атрофида ташкил қилиш фойдалими, ёки гўштни шу жойларга ташиб келиш фойдалими, экономистлар буни ҳисоблаб беришлари керак.

Ҳозир бизда чўчқачилик ва паррандачилик билан шуғулланувчи илмий тадқиқот муассасалари кўп. Тадқиқотчилик ишлари муайян мақсадни кўзлаб олиб борилмаётир ва бу ишларнинг самараси кам. У ёки бу тармоққа доир қандайдир бир энг катта институтни олиб, энг яхши илмий кучларни шу институтда тўплаш ва мана шу тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг актуал проблемаларига доир тадқиқотларни ташкил этиш керакка ўхшайди. Тегишли ишлаб чиқариш ривожланган республикаларда шундай институтларнинг филиалларини очиш мумкин. Чўчқачилик ва паррандачилик билан шуғулланувчи илмий марказнинг Москва атрофида бўлиши шарт эмас. Мавжуд институтлардан жойига қараб энг яхшиларини танлаб олиш ва шу институтлар негизида янги илмий марказ вужудга келтириш мумкин. Илмий тадқиқот институтлари паррандаларнинг гибридларини вужудга келтириш, камроқ озуқа сарфлаб энг кўп самара олмоқ учун чўчқаларни чатиштириш соҳасида Ватанимизда ва чет элларда бўлган тажрибалардан фойдаланишлари лозим.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш соҳасида ҳозирги кунда илғор колхозлар эришган даражада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб, энг зарур вазифа қилиб қўйишимиз керак. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни ташкил этишда тағин ҳам юқорироқ даражага эришмоқ учун фан янги истиқболлар очиб бераётганлиги ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Лекин, ҳатто илғор колхозлар ва совхозларнинг ҳозирги вақтда эришган даражасини олганимиз тақдирда ҳам ҳамма хўжаликларнинг шу даражага эришишлари мамлакатнинг халқ учун янги катта бойликлар тўплашига имкон беради. Биз баъзи чорвачилик маҳсулотларининг нархини оширишга мажбур бўлдик, аммо илғор технология жорий қилиниши, тўпланган тажрибадан фойдаланиш натижасида маҳсулотнинг таннархини анча камайтирган ҳолда, уни етиштиришни кўп миқдорда ошириш учун реал негиз вужудга келтирилмоқда.

(Давоми бешинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда)

Бу эса, ўз навбатида, аҳолига гўшт, сут, нон, сабзавот, картошкани арзонроқ нарх билан сотиш имкониятини очиб беради. Партиямизнинг, ҳукуматимизнинг, бутун коммунистик қурилишнинг мақсади меҳнат аҳли учун йилдан-йилга тобора яхшироқ моддий ва маънавий турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик баланд кўтарилса, ҳосил нечоғли кўп бўлса, маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси нақадар юқори бўлса, бу вазифа шу қадар муваффақиятлироқ амалга оширилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, янгиликни, фан муваффақиятларини, машъалаларимизнинг тажрибаларини актив равишда жорий қилиш жуда катта давлат аҳамиятига эга иш бўлиб қолмоқда, коммунистик қурилишнинг катта вазифаси бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш техникадан фойдаланишни бутун чоралар билан яхшилашни, комплекс механизацияни жорий этишни тақозо қилади. Машиналар яхши асралмаётганлигини, машиналарни ишлатиш ва сақлаш учун ҳеч ким жавобгар эмаслигини кўрсатувчи фактлар, афсуски, ҳали ҳам оз эмас. Техникадан фойдаланишдаги эгасизликни тугатиш, машиналарни яхши ремонт қилган ва асраганларни моддий жиҳатдан рағбатлантирадиган қилиш керак. Тракторни, сеялкани, культиваторни, комбайнни авайлаб, шикастлантирмай асраётган ва уларни ишлатиб юксак натижаларга эришаётган кишилар рағбатлантирилиши керак. Техникавий саводи бўлган, малакали киши машинадан яхшироқ фойдаланади, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради, шу сабабли унинг меҳнатига ҳам яхшироқ ҳақ тўланиши керак. Бу эса бошқаларни малакани оширишга, техникани ўрганишга, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини ўзлаштиришга даъват қила беради. Ҳар бир колхозда ва совхозда машиналардан юксак даражада унумли фойдаланиш соҳасида механизаторларнинг, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг масъулиятини ошириш керак. Шундай қилиш керакки, машиналар ишониб топширилган кишилар шу машиналарнинг сақланиши учун моддий жавобгар бўлишлари лозим.

Мен ўртоқ Мацепуронинг бир таклифига эътиборни жалб қилмоқчиман, бу таклиф синаб кўрилган бўлса керак. Ўртоқ Мацепуро ўзи амалда синаб кўрмасдан олдин ҳеч қачон бирор нарсани тавсия қилмайди. Бу — яхши фазилат. Олим колхозга, совхозга бориб, ўша ерда, ишлаб чиқаришнинг ўзида ўз таклифларининг тўғрилигини текшириб кўради, шундан кейингина бу таклифларни бошқа хўжаликларга тавсия қилади.

Марказий Комитет Пленумида ўртоқ Мацепуро тракторларни икки смена қилиб ишлатишни маслаҳат берди. У раҳбарлик қилаётган институт икки смена бўлиб ишлаш технологиясини ишлаб чиқди, бу технологияни Минск областидаги Фалько номли колхозда ва Курск областининг Калиновка қишлоғида амалга оширди. Тракторнинг сонини кўпайтирмай туриб, лекин икки смена бўлиб ишлаш натижасида бир ярим баравар кўп иш қилиш мумкинлиги аниқланди.

Бунинг сабаби очиқ кўриниб турибди. Бутун кун бўйи бир ўзи ишлаган киши, табиийдирки, чарчаб қолади, ўз ишига бўлган эътибори сусаяди, ишнинг сифати пасаяди, иш унуми камаяди. Икки смена бўлиб ишлаган вақтда машиналардан анча самарали фойдаланилади.

Бинобарин, кадрлар тайёрлаш керак ва тракторлардан, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан икки сменада фойдаланишга ўтиш керакка ўхшайди.

Ўртоқлар! Моддий манфаатдорлик, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини камайтириш масалаларига доир баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтдим.

Ҳозир биз учун муҳим нарса шуки, фурсатни қўлдан бермайлик, Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорларини конкрет ташкилотчилик ишлари билан амалга оширайлик. Шу сабабли, сизларни бу ерга чақиришга, республикаларга ва областларга қайтиб борганингиздан кейин бутун моддий манфаатдорлик системасини қандай қилиб яхшироқ ташкил қилишни ўйлаб кўришни сизлардан илтимос қилишга қарор қилдик. Одамлар билан маслаҳатлашиб кўрингиз. Мен айтиб ўтган мисолларни конкрет хўжаликларга, бригадаларга, фермаларга татбиқ қилиш, шу тариқа бундай татбиқ қилишнинг натижалари қандай бўлиб чиқишини кўриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун қандай имкониятлар борлигини ва қандай заиф томонлар борлигини аниқлаб олиш яхши бўлур эди.

Моддий манфаатдорлик системасини шу йилнинг ўзидаёқ амалга оширмоқ учун, бу ишнинг натижалари кўкламги экишнинг ўзидаёқ, ёзги қишлоқ хўжалик ишларидаёқ ўзини кўрсатадиган бўлиши, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган бўлиши учун бу ишни мумкин қадар қисқа муддат ичида ўтказиш керак.

Мамлакатнинг ҳамма зоналари учун, ҳамма экинлар учун моддий манфаатдорликнинг қандайдир битта системасини ишлаб чиқиб тавсия қилиш мумкин эмас, албатта. Ҳар қайси республиканинг ўз шароитига мослаб, моддий манфаатдорликнинг ҳар бир экинга, маҳсулотнинг ҳар бир турига тўғри келадиган системасини ишлаб чиқиш лозим. Бу системани ишлаб чиқишда ишга ҳақ тўлашни етиштирилган доннинг, лавлагининг, пахтанинг, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг центнерига қараб белгилаш керак.

Қўшимча ҳақ тўлаш системасини татбиқ қилишда хатоларга йўл қўймаслик керак. Кўп колхозларда қўшимча ҳақ тўлаш шундай ташкил қилиндики, натижада фақат деҳқончилик ва чорвачиликнинг энг тажрибакор усталаригина қўшимча ҳақ оладиган бўлиб қолдилар.

Моддий рағбатлантириш шундай ташкил қилиниши керакки, ҳалол меҳнат қилаётган, маҳсулот етиштиришни кўпайтираётган миллион-миллион кишилар реал равишда қўшимча ҳақ олиш имкониятига эга бўлсинлар. Тўланадиган бу қўшимча ҳақ пул билан рағбатлантириш тариқасида ҳам, шунингдек маҳсулот билан — дон, картошка, гўшт, сут ва шу кабилар билан тўланадиган қўшимча ҳақ тариқасида ҳам бўлиши мумкин.

Моддий манфаатдорликни оширишга доир ишлаб чиқилган чораларга ҳар бир колхозда ва совхозда оғишмай риоя қилинадиган бўлиши учун қатъий қарорлар қабул қилмасак бўлмайди. Ана шундагина ҳар бир киши ўзининг ҳалол меҳнати билан ишлаган ҳақини олишига, планни тўла ва ошириб бажаргани учун ўзига ҳақ тўланишига ишончи комил бўлади. Ана шунда у ўзининг бутун кучини сарфлаб меҳнат қиладиган, кўпроқ маҳсулот етиштиришга интиладиган бўлиб қолади.

Колхозчиларни, совхоз ишчиларини моддий манфаатдор қилиш масалаларини ҳал этаётган вақтда партия ва ҳукумат яратиб берган имкониятлардан ғоят оқилона фойдаланиш лозим. Маҳсулотнинг харид нархлари кейинги йилларда анча оширилганлигини келтирилган рақамлардан ўзларингиз кўрдингиз. Бир ярим йил муқаддам биз гўштнинг харид нархларини анча оширдик, бултур пахтанинг харид нархларини оширдик. Колхозлардан харид қилинаётган қанд лавлагига яқиндагина бирмунча ошиқ нарх белгиладик.

Лекин ҳамма хўжаликлар ҳам оширилган нархлардан тўғри фойдаланганлари йўқ, давлат ўзи харид қилган маҳсулот учун тўлаган катта-катта қўшимча маблағларни ҳамма хўжаликлар ҳам оқилона сарфлаганлари йўқ.

Маҳсулотнинг ҳар бир турини етиштиришга қилинаётган харажатлар тўғрисидаги моддаларни қайта кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг у ёки бу хил турларига бўлган нархлар оширилганлиги натижасида олинаётган қўшимча жамғармалар, аввало, шу маҳсулотни бевосита етиштираётганларга яхши ҳақ тўлашга сарфланадиган қилиб меҳнатга ҳақ тўлашни планлаштириш тўғри бўлур эди. Шу билан бирга, шундай қилиш керакки, рағбатлантириш учун тўланадиган ҳақ сарфланган меҳнатнинг миқдорига ва сифатига, меҳнат унумдорлигининг эришилган даражасига мувофиқ бўлиши лозим. Шу тариқа дон ва техника экинларидан кўпроқ юқори ҳосил олиш, чорва молларни рентабел равишда боқиб семиртириш, ҳар бир сигирдан кўпроқ сут соғиб олиш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш рағбатлантирилиши лозим.

Шу нарсани яна бир марта уқтириб ўтмоқчиманки, бу ерда мен қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган, чорва молларни ва паррандаларни боқиб парвариш қилаётган, маҳсулот етиштириб бераётган кишиларнинг ўзи ҳақида, шунингдек агрономлар, инженерлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар тўғрисида гапириб ўтдим.

Сизлар, хўш, бу гапларни бошқа ходимларга, айниқса кўмакчи ишлар деб аталаётган ишларда фойдаланилаётган ходимларга қандай татбиқ қилиш керак, деб савол беришингиз мумкин. Бу одамларнинг ўзлари қанақа кишилар эканлигини, улар нималар билан машғул эканликларини, уларнинг фаолияти қайси характерда эканлигини ва улар ишлаб чиқаришга қандай фойда етказаётганликларини кўриб чиқиш керак.

Буни шахталарда, металлургия корхоналарида бўлгани каби ташкил қилайлик. Шахталарда ва металлургия корхоналарида ким энг кўп ҳақ олади? Шахталарни ковлайдиган машиналарнинг машинистлари ва шу машиналарга хизмат қилаётган кишилар, пўлат ва чўян эритаётган ишчилар, прокатчилар ва бошқа энг муҳим касбдаги ишчилар кўпроқ ҳақ олмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида ҳам шундай қилиш керак.

Башарти, бундай принцип қўлланилмаётган экан, демак, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва совхоз ишчиларига иш ҳақи тўлаш системаси нотўғри ҳал қилинган бўлади.

Планлаштиришдаги бузилишларга, колхозлар ва совхозларга раҳбарлик қилишдаги маъмуриятчиликка қатъиян чек қўйилсин

Ўртоқлар! Планлаштиришнинг янги тартиби 1955 йилда жорий қилинганлиги КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширган энг муҳим тадбирларидан бири бўлди. Давлат томонидан қилинаётган раҳбарликнинг омманинг ижодий активлигини ҳар томонлама ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш бу янги тартибга асос қилиб олинди. Планлаштиришнинг бу тартиби тўла равишда тўғри бўлиб чиқди.

Бу тартибга қаттиқ риоя қилинган жойларда ерлардан анчагина оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш таъминланди. Планлаштиришнинг янги тартиби хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларнинг, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг ташаббускорлигини оширди.

Бироқ, кейинги вақтларда баъзи маҳаллий органлар белгиланган тартибга хилоф равишда колхозларга экинларни экиш планларини тузиб бериб қабул қилдирмоқдалар, экин майдонларининг структурасини ўзларича белгилаб бермоқдалар, бу билан хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларнинг фаолиятини бўғиб қўймоқдалар, колхозчиларнинг ташаббусини тўсиб қўймоқдалар.

Колхозларнинг раислари, мутахассислар, колхозчилар, совхозларнинг ходимлари бу ҳақда партия Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига юборган ўз хатларида хабар қилмоқдалар.

Ульяновск областининг Мелекесс ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маяк революции» колхозининг раиси В. М. Деменков, колхоз парткомининг секретари Е. Е. Паршин ва бир группа колхозчилар ўз хатларида бундай деб ёзиб юбордилар:

«Ер — бизнинг бойлигимиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиб яратмоқ учун ердан ғаллакорлардан бошқа ким яхшироқ фойдаланиши мумкин. Биз шу ерда туғилганмиз ва шу ерда ўсганмиз. Унинг ҳар бир бўлагини, ҳар бир даласини биламиз. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўла равишда бизга топшириб қўйишдан кўра яхшироқ нарса бўлмаслиги очиқ кўриниб турибди. Лекин бундай қилинмаётир. «Фалон нарсани фалонча миқдорда экинглар, фалонча ишни қилинглар» деб Ульяновскдан ва Мелекессдан бизга оғзаки айтиб ва хат билан ёзиб буюришаверади.

1962 йилда колхоз ўз структураси бўйича 2 минг гектар ерга маккажўхори экишни мўлжаллаб қўйган эди, аммо бизни 3300 гектар ерга маккажўхори экишга мажбур қилишди. Хўжалик шу қадар катта майдонни эплаштира олмади. 1963 йилда ишлаб чиқариш бошқармаси бунинг бутунлай тескарисини қилди — маккажўхори экиладиган майдонни қисқартириб, 1600 гектарга тушириб қўйди, ваҳолонки биз бу сафар ҳам 2000 гектарга маккажўхори экишни мўлжаллаб қўйган эдик.

Натижада планлаштириш эмас, балки экин майдонларини белгилашда қандайдир майнабозчилик бўлаётир!»

Колхозчиларнинг гапи ҳақ, бу ҳақиқатан ҳам майнабозчиликнинг ўзи. Хўш, Ульяновск область партия комитети партиянинг планлаштириш тўғрисидаги қарорларини бундай бузишга нима учун керакли зарба бермаётир?

Горький область, Ардатов районидаги Нучинский колхозининг ҳисобчиси А. С. Кутяева қуйидагиларни ёзиб юборди:

«Шу вақтгача биз область ва район ташкилотлари буюрган экинларни экмоқдамиз. Бизга баъзи экинлар экиш тўғрисида қурбимиз етмайдиган катта топшириқларни беришади. Шу ҳам иш бўлдими? 1962 йилда бизга 740 гектар маккажўхори экиш планини беришди. Хўш, бунча майдонни қандай қилиб ишлаб бўлади? Шунча майдонга маккажўхори экишнинг ўзигагина 35 кун кетди. Шу майдондаги маккажўхорини қандай қилиб ишлаб бўлади? Ҳар қанча хоҳласангиз ҳам, буни сира уддалай олмайсиз. Экиш бошланган кунданоқ агротехникага риоя қилинмади, оқибат натижада маккажўхори экилган майдонни қайта ҳайдаб, кузги ғалла экишга тўғри келди. Биз маккажўхорига қарши эмасмиз, лекин уни шунча миқдорда ва шундай қилиб экиш керакки, колхоз маккажўхори экинларини ҳамма қоидаларга мувофиқ ишлайдиган ва ўғитлар солиб парвариш қила оладиган бўлсин.

Бизнинг ерларда вика ва ясмиқ яхши ҳосил беради. 1963 йилда об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, колхоз гектар бошига 9,4 центнер ясмиқ олди, виканинг ҳар бир гектаридан эса 11 центнерга етказиб ҳосил тўкди. Нўхат, кузги экинлар яхши ҳосил беради.

Колхоз ясмиқни жуда фойдали экин деб ҳисоблайди. Унинг таннархи паст. Кўп парвариш талаб қилмайди. Ҳосилини ўриб олиш осон. Колхозимиз ўзи учун ясмиқнинг навли уруғларини жамғариб қўйди. Лекин 1964 йил учун белгиланган экиш планини олиб, ҳайрон бўлиб қолдик, экиш планида ясмиқ экиш бутунлай кўрсатилмабди».

Бунга илова қилиб шуни айтиб ўтайки, ясмиқнинг харид нархи центнерига 30 сўм қилиб белгиланган. Бу — ҳақиқатан фойдали экин.

Горький областида мана шундай аҳвол рўй бераётир. Бу областда партия раҳбарлиги ҳам ёмон эмас дейишади. Бас, шундай экан, маҳаллий ходимлар иш учун зарарли бўлган бундай бемаънилик қилаётганликларини нега раҳбарлик пайқамаётир?

Хмельницкий областининг Городок ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Украина» колхозининг раиси Г. И. Ткачук бундай деб ёзади:

«Колхоз ишлаб чиқаришини планлаштиришни тартибга солмаса бўлмайди. Партия ва ҳукуматнинг ишлаб чиқаришни планлаштиришни пастдан бошлашга қаратилган йўли жуда тўғри йўл, лекин жойларда бу йўл кўпинча бузилмоқда. Колхозга экин майдонларини, чорва молларнинг сони қанча бўлишини ва шу кабиларни юқоридан белгилаб беришяпти. Бу эса ташаббусни пасайтириб ва бўғиб қўймоқда, хўжалик фаолиятининг натижалари учун масъулиятсизлик туғдирмоқда.

Менимча, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш планларинигина колхозларга белгилаб бериш керак. Планларни қандай бажариш кераклигини, қандай экинларни қанча экиш кераклигини колхозчиларнинг ўзлари ҳал қилиши лозим».

Ўртоқ Ткачукнинг фикри тўғри. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, у тажрибали раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, унинг ташвишланиб сигнал бераётганлиги тасодифий эмас.

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. В. Усольцев Киров областидан қуйидагиларни хабар қилади:

«Киров областининг Котельнич ишлаб чиқариш бошқармасида колхозлар ва совхозлар 1963 йилда июннинг охирида маккажўхори экаётганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. 9000 гектар ерга мана шундай муддатларда маккажўхори экилди. Киров области шароитларида шу қадар кечикиб экилган маккажўхори лоақал қилинган харажатларни қоплаши мумкинми, ахир?

Шу бошқарманинг бошлиғига нега шундай қилиняпти, деб савол берган эдик, у: «Бир ойдан кейин биз бу ерларни ҳайдаб, кузги экин экиш учун тайёрлаб қўямиз», деган жавобни берди.

Бу нарса тўғрисида ҳар ким, бу ўта кетган хўжасизлик, деб айтади. Бас, шундай экан, бир ойдан кейин ҳайдаб юбориладиган шу ерларга экин экишнинг нима ҳожати бор? Беҳуда харажатлар қилиб, колхоз пулини нима учун совуришяпти?

1961 ва 1962 йилларда бизнинг областимиздаги колхозлар ва совхозларга кузги жавдар экиш тўғрисида оширилган топшириқларни юқоридан белгилаб беришди. Баъзи хўжаликларда жавдар экиш икки баравар ва уч баравар кўпайтириб белгиланди. Бир қанча объектив сабабларга кўра (техника етишмаганлиги, бўш майдонлар бўлмаганлиги ва шу кабилар сабабли) хўжаликлар кузги экинларни ўз вақтида экиб ололмадилар. Бошқармалар бу билан ҳисоблашмади. Ҳар қандай шароитда ҳам планни бажаришни талаб қилаверишди. Бутун сентябрь ойи тугул, ҳатто баъзи колхозларда октябрь ойида ҳам экиш давом қила берди. Хўш, бунинг оқибати нима бўлди? Кечикиб экилган майдонларнинг ҳаммасидан арзимас ҳосил олинди.

Қанд лавлаги экиш ҳам шундай бўлди. Колхозларга ва совхозларга лавлаги экишнинг уддалаб бўлмайдиган планлари берилди. Натижада бу яхши иш барбод қилинди».

Хўш, бундай ҳодисалар битта-яримтами? Афсуски, шундай эмас. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Ҳозир Марказий Комитет ва Министрлар Совети қарорининг лойиҳаси тайёрланмоқда, бу қарорда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар бузилаётганлиги ва маъмуриятчилик қилинаётганлиги қораланади.

1955 йилда белгиланган тартибга мувофиқ, ҳар бир хўжаликка давлатга қанча ва қай турдаги маҳсулотлар сотиш лозимлиги тўғрисида топшириқ берилар эди. Маҳсулот сотиш планини бажармоқ учун қанча ва қандай экинлар экиш, қанча мол боқиш кераклигини колхозчиларнинг ўзлари ҳал қилаверсинлар. Ердан қандай қилиб яхши, рационал фойдаланиш колхознинг ўзи ҳал қиладиган ишдир. Мен сизларни ишонтириб айта оламанки, колхозчилар ердан оқилона фойдалана оладилар. Планлаштиришнинг янги тартиби тўғрисида таклиф киритилган вақтда, Молотов, колхозчилар ғалла экмай қўйишади, деб қўрқиб кетганлиги шу сабабли бундай қарорни қабул қилиб бўлмайди, деб айтганлиги менинг эсимда.

Бундай қилиш бемаънилик, албатта, бундай қилиш бизнинг совет кишиларимизга, колхозчиларимизга ишонмаслик бўлади. Деҳқон ғалла экмасдан тура олмайди, чунки у ерда яшайди, ер уни боқади, деҳқон мамлакат олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчини тушунади.

Биз планлаштириш тартибини ўзгартирдик ва кўпроқ ғалла оладиган бўлиб қолдик. Дуруст, бизнинг эҳтиёжларимиз анча ошиб кетди, шу сабабли партия дон хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда, қишлоқ меҳнаткашларини кўпроқ ташаббус кўрсатишга чақирмоқда. Нималарни ва қандай қилиб экиш кераклигини Москва ёки Киевдан, Тошкент ёки Бокудан айтиб туриш ярамайди. Колхозлар ва совхозларда ишбилармон одамлар, тажрибали раҳбарлар ва мутахассислар ишламоқда, улар ўз шароитини яхши билади ва тўғри қарор қабул қила олади.

Планлаштириш практикасида бошқа хил бузилишлар ҳам бор. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари хўжаликларга топшириқни белгилаб бераётганларида бу топшириқни хўжаликларнинг имкониятларига асосланиб белгиламасдан, балки ишлаб чиқаришда ҳақиқатда эришилган даражага қараб белгиламоқдалар. Бунинг натижасида айни бир зонанинг ўзида айни бир тупроқ-иқлим шароитида жойлашган хўжаликларга план топшириқлари турли хил қилиб берилмоқда. Бундай аҳволни тўғри деб бўлмайди. Модомики, хўжаликларнинг имкониятлари бир хил экан, уларнинг шароитлари бир-бирига тенг экан, уларга берилган план топшириқларида ҳам катта фарқ бўлмаслиги керак. Хўжаликнинг йиллик якунлари турли натижалар билан тугади, деб важ қилиш ярамайди. Бундай ҳолда ҳосилдаги фарқ, сарф қилинган меҳнатдаги ва маблағлардаги, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотининг гектар бошига ҳисоблангандаги миқдорининг фарқи объектив сабаблар натижасида келиб чиққан фарқ бўлмайди. Бу фарқ хўжалик ташкилотчиларига, хўжаликлардаги раҳбарларнинг маҳоратига, меҳнатнинг тўғри ташкил қилинишига ва планларни бажаришга коллективнинг тўғри сафарбар қилинишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, кимки ёмон ишласа, унга камроқ план бериш керак, кимки яхши ишлаётган бўлса, унга кўпроқ план бериш керак, деган принципга амал қилиш ярамайди. Бундай йўл тутиш ишлаб чиқаришга, айниқса илғор хўжаликларда катта зарар етказиши мумкин.

Бир директор ўз билимларини, ташкилотчилик маҳоратини ишга солиб юксак кўрсаткичларга эришган бўлса, унинг мана шу юксак кўрсаткичларини планга ёзиб қўйишади. Хўжаликни паст даражада юритаётган, ишнинг кўзини билмаган, паст кўрсаткичларга эришган иккинчи директорга эса жуда кам план берилади. Хўжалик ҳақиқатда эришган ишлаб чиқаришнинг жуда паст даражаси план топшириғи қилиб ёзиб қўйилади.

Оқибат натижада бундай бўлиб чиқади: қолоқ хўжаликнинг раҳбарлари камайтирилганлиги очиқ кўриниб турган планни бажариб, қаҳрамон бўлиб юра оладилар, мукофотлар олаверадилар, аммо уч баравар кўпроқ план олиб, гектар бошига ҳисоблаганда анча кўп маҳсулот етиштирган раҳбарлар эса мана шу уч баравар ошиқ планни бир процент кам бажарганликлари учун танқид остида қолиб кетишлари мумкин.

Илғор хўжаликлар худди шундай аҳволга тушиб қолмоқдалар. Мисоллардан бирини айтиб бераман: Куйбишев областидаги «Красноярский» совхози — илғор хўжалик. Бу хўжалик тухум етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Ўша Куйбишев областининг ўзида худди шундай шароитда ишлаётган Куйбишев паррандачилик фабрикаси бор. Бу фабрикада тухум етиштириш, аслини олганда, кўпаяётгани йўқ. Хўш, мана шу иккала хўжаликнинг ҳар бирига қандай план берилаётир:

	«Красноярский» совхози	Куйбишев паррандачилик фабрикаси
Етти йиллик топшириғида 1963 йил учун белгиланган тухум етиштириш плани	17,8 миллион дона	17 миллион дона
Ҳақиқатда етиштирилган тухумнинг миқдори	27 миллион дона	13 миллион дона
1964 йил учун белгиланган план	35 миллион дона	14,2 миллион дона

Бундай план қолоқликни қайд қилади ва хўжаликни тағин ҳам юксак даражага кўтарилишга рағбатлантирмайди.

Бу нарса планларни тузаётган ва тасдиқлаётган, планларнинг бажарилишини анализ қилаётган раҳбарларнинг савияси пастлигини кўрсатиб турибди. Бундай план олға чорламайди, одамларни хўжаликни ҳозирги замон имкониятлари даражасида олиб боришга ўргатмайди, ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида фан ва практика муваффақиятларини ўрганишга йўлламайди.

Биз планлаштиришдаги мана шу жиддий камчиликларни тезроқ йўқотишимиз керак.

Ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олмаётган, планлаштиришнинг белгиланган тартибини бузишни давом эттираётган раҳбарларга нисбатан бошқача чоралар кўришга тўғри келади. Эҳтимолки, қабул қилинган қарорларни бузаётганларни жазолайдиган қонун чиқариш керак бўлиб қолур (қарорлар бузилмасин деган даъватлар кўп бўлди). Ана шунда раҳбарларда фақат партиявий жавобгарликкина бўлиб қолмасдан, жиноий жавобгарлик ҳам бўлади. Мана шундай буйруқбозлик қилиш натижасида колхозга ёки совхозга моддий зарар етказилса, хўжаликни зарар етказадиган тадбирларни бажаришга мажбур қилган кишилардан шу зарар ундириб олиниши керак. Ана шунда колхозларга нисбатан буйруқбозлик, маъмуриятчилик қилиш ишқибозлари камроқ бўлади. Ҳозирги вақтда эса, бундай ишқибозлар зиммасида моддий масъулият йўқ ва шу сабабли улар хаёлларига нима келса, шуни қилмоқдалар. Баъзан қишлоқ хўжалигидан бехабар одам директивалар бераверади, раҳбар бўлиб олган бунақа киши миясига нима келса, шуни бажаришни колхозга буюраверади.

Вологда областининг Белозерский районидаги «Родина» колхозининг чўчқабоқари В. Е. Федотов ёзиб юборган гапни эшитинг:

«Ишлаб чиқариш бошқармаси парткомининг кўрсатмаси билан бутун техника ва ишчи кучи жавдарни ўриб силос бостириш учун юборилди. Энг яхши участка дарров шипшийдон қилинди. Аммо, бошқа бригадаларда жавдар ҳосилини ўриб олиш кечикиб қолди. Шундан кейин партком секретари ўртоқ Ивановнинг ўзи колхозга келди. Умумий йиғилишда унинг — жавдар ўришга нега киришмадинглар, — деган саволига бригадирлар, энди жавдар силос бостиришга ярамайдиган бўлиб қолди, пояси қотиб қолди, бунинг устига ғалланинг ҳосили жуда яхши етилди, уни кўзимиз ҳам қиймаяпти, деб жавоб беришди.

Дарҳақиқат, кексаларнинг айтишига қараганда, кўп вақтлардан бери жавдардан шу қадар яхши ҳосил унмаган эди. Лекин ўртоқ Иванов бир соатни ҳам қўлдан бермай, жавдарни ўриб олишни буюрди. Колхозчилар, агар энг яхши участкалардаги жавдарни ўриб ташласак, уруғликни қаердан оламиз, деб ташвишга тушиб қолишди. Колхоз правлениеси бундай қилишимиз нотўғри бўлади, ўрмон ичидаги ўтни ўриб олсак, яхшироқ бўлади, чунки у қор остида қолиб кетади, деб исботлашга уриниб кўрди. Лекин кейин барибир буйруқни бажаришга мажбур бўлишди. Модомики, район жавдарини ўриб олишни буюрган экан, демак, бу буйруқни бажариш керак. Район уруғлик бермади, экиш плани ҳам бажарилмай қолди. Лекин бунинг учун районни ҳеч ким коймайдику. Бу қандай гап, ахир? Бундан чиқди, ўз ғалламизни жарга ташласак бўлаберар экан-да, шундан сўнг райондан ёрдам кутиб ўтириш керак экан-да».

Хўш, Ивановнинг ўзи ким? Вологда область партия комитети Иванов тўғрисида бундай справка берди: Николай Николаевич Иванов — Белозерский ишлаб чиқариш бошқармаси парткомининг секретари, 1920 йилда туғилган, 1942 йилдан бери КПСС аъзоси, 7 синфлик маълумоти бор ва область партия мактабида ўқиган.

Мана унинг қилган хизматлари рўйхати: колхоз ҳисобчиси, қишлоқ советининг секретари, қишлоқ советининг раиси, район ижроия комитетининг инструктори, социал таъминот бўлимининг бухгалтери, район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори, райком секретари, сўнгра эса ишлаб чиқариш бошқармаси парткомининг секретари.

Хўш, бундай кишини ишлаб чиқариш бошқармаси парткомининг секретаридек масъулиятли лавозимга ким кўтариб қўйган? Тайёргарлиги бўлмаган, қишлоқ хўжалигидан бехабар киши бўлса ҳам, аммо: ўр! деб буйруқ бераверади. Бу буйруқни бажармасликнинг иложи борми — бошлиқнинг буйруғи-ку. Бундай аҳволга йўл қўйиб бўладими, ахир? Бунақа кишиларни раҳбарлик ишига кўтариб қўйиш ярамайди. Ярамайди! Вологда область партия комитетининг секретари ўртоқ Дригиннинг хабар беришига қараганда, ўртоқ Иванов заиф ходим, ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозлар ва совхозларнинг иш кўрсаткичлари паст. Энди ўртоқ Иванов ўзини ўрмончилик ишини яхши биладиган киши ҳисоблаб, саноат парткомига, ўрмончилик саноатига ўтказишни илтимос қилаётир. Унда бундай билимлар қаёқдан пайдо бўлганлиги маълум эмас. Бу нарса унинг хизматлари рўйхатидан ҳам кўринмайди. Лекин ўртоқ Дригинга бундай савол бериш керак: Модомики, ўртоқ Иванов заиф ходим экан, нега область партия комитети уни партком секретари қилиб кўтарди?

Кадрларни танлаш ва тарбиялашга бу тахлитда қараш ярамайди.

Партия қишлоқ хўжалиги учун қудратли техника базаси яратиб берди, бизнинг колхоз ва совхозларимиз замонавий машиналар: тракторлар, комбайнлар билан, ерни ишлаш қуроллари билан таъминланган. Қишлоқда илм-тажрибаси етарли кишиларимиз — ишлаб чиқаришни биладиган агрономлар, зоотехниклар, инженерларимиз кўп. Бундай кишиларга раҳбарлик қилмоқ, уларга малакали ёрдам бермоқ учун раҳбарларнинг ўзлари чуқур билимли бўлишлари керак. Парткомларнинг ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари олдига айниқса катта талаблар қўйилади. Бу ходимлар партия Программасини, марксизм-ленинизм назариясинигина билиб қолмасдан, шу билан бирга ишлаб чиқариш шароитини чуқур тушунишлари, машиналарни, деҳқончилик ва чорвачилик технологиясини ҳам билишлари керак. Агар улар буни билмасалар, уларнинг ишлаб чиқариш бошқармаларида ва парткомларда бўлишларидан фойда йўқ, чунки улар колхозчилар билан, совхозларнинг ходимлари, мутахассислар билан умумий тил топа олмайдилар.

Одамларнинг ҳаммаси ўз касбини севади, шу сабабли улар муайян хизмат лавозимини эгаллаб турган ходимларнинг, айниқса партия ва совет органларида, ишлаб чиқариш бошқармаларида ишлаётган ходимларнинг ишни яхши билишини ва ишлаб чиқаришнинг миридан-сиригача тушунишини талаб қиладилар. Шу сабабли, бу органларга одамларни тўғри танлаш керак. Қишлоқ хўжалик мутахассислари орасида етарли даражада тайёргарлиги бўлган одамларимиз бор. Бундай кишиларни дадиллик билан кўтариш керак.

Партия ходими ёки ишлаб чиқариш бошқармасининг ходими ташкилотчилик тажрибасига эга бўлса-ю, лекин унинг қишлоқ хўжалик маълумоти бўлмаса, ундан ишлаб чиқаришни тушунадиган, далалар ва фермаларда ишлаётган одамларни тушунадиган бўлиши учун лоақал энг керакли билимларни ўрганиб олишини талаб қилиш керак. Агар ходим одамларга яхши сўз билангина мурожаат қилиб қолмай, шу билан бирга ўзи ишлаб чиқаришни билганлигини, ишнинг моҳиятини тушунганлигини ҳам кўрсатса, бундай ходим колхоз ва совхоз меҳнаткашлари орасида ҳурмат ва эътибор қозонади. Агар одамлар ходимнинг ишни билмайдиган киши эканлигини кўрсалар, улар бундай ходимни баъзан ишга ёрдам бермасдан, балки ишлаб чиқариш масалаларини тўғри ҳал қилишга фақат халақит бераётган маъмуриятчи деб ҳисоблайдиган бўлиб қоладилар. Чунки бундай ходимнинг зиммасида ҳокимият кучи бор, унинг мавқеи бор, шу сабабли у кўпинча ишни тушунмай, шу ҳокимият кучини кўрсата беради, баъзан эса ҳатто ўзининг маъмуриятчилик қилиши билан ишга зарар етказади, чорвани боқишни, экиладиган экинларни танлаб олишни, агротехникани қўлланишни ташкил этиш тўғрисида нотўғри кўрсатмалар бера беради. Бундай масалаларни ҳал қилишда маъмуриятчилик қилиш ярамайди. Қишлоқ хўжалигини қунт билан ўрганиш, агрономларнинг, зоотехникларнинг, ветеринарларнинг фикрига қулоқ солиш ва ўзи ишлаб турган зонада практикада синовдан ўтган фан тавсияларига таяниш зарур.

Маъмуриятчиликка берилиб кетиш зарардан бошқа ҳеч бир натижа бериши мумкин эмас. Афсуски, ходимларимизнинг ҳаммаси ҳам бу ҳақиқатни тушунмайдилар.

Мана шундай маъмуриятчилик дардига мубтало бўлган ходимларнинг «ижоди»дан парчалар келтирмоқчиман.

Херсон областидаги Скадовск ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз партком секретари Н. И. Котлик ва бошқарма бошлиғи И. А. Куркуриндан олган баъзи телеграммаларини ўқиб бераман.

«Колхоз раисига:

Ишлаб чиқариш бошқармасининг парткоми сизга маккажўхори экишга дарҳол киришиш, буни яшил озуқа экишдан бошлаш вазифасини юклайди. Маккажўхорининг ҳамма турлари 1963 йил 1 майгача экилиб бўлсин. Котлик, Куркурин».

«Колхоз раисига, партия ташкилотининг секретарига:

Украина журналларига ва газеталарига 5 нусхадан ёзилиш топшириғини сизлар бажармадингиз. Газета ва журналларга ёзилишни дарров ташкил қилингиз. Топшириқ бажарилганлигини бошқармага хабар қилинг. Куркурин». **(Кулги).**

Украинларга савол бермоқчиман, Куркурин агрономми? Овоз. Агроном.

Н. С. Хрушчев. Тез орада у сизларнинг врачларингизга қандай операция қилиш кераклиги тўғрисида кўрсатмалар бера бошлайди. **(Кулги).**

Унинг яна бир директиваси:

«Колхоз раисига:

Парткомнинг фармойишига мувофиқ, сизнинг колхозингизга нобуд бўлган кузги экинлар ўрнига 273 гектар ерга дон олиш учун маккажўхори экиш плани юборилди. Бунинг бажарилишини таъминланг. Куркурин». **(Кулги).**

«Колхоз раисига:

Дон группасидаги экинларни тиклаш мақсадида ишлаб чиқариш бошқармаси 150 гектар ердаги думбуллигида ўриб олинадиган маккажўхорини дон группасига ўтказиш, ҳисобдан чиқариб юборилган кузги экинлар майдонига эса думбуллигида ўриб олинадиган маккажўхори экиш вазифасини зиммангизга юклайди. Сақланиб қолган дон экинларини ва дон группасига ўтказиладиган маккажўхорини эртаги ҳисоботингизда кўрсатингиз.

Ф ЗСХ ҳисоботига 28-кўрсаткичлар (кузги дон экинларининг сақлаб қолинишини) илова қилинсин. Куркурин».

«Колхоз раисига:

Ишлаб чиқариш бошқармасининг 1963 йил 13 мартдаги 15-буйруғига биноан, сизнинг хўжалигингиз 290 бош чўчқани «Большевик» колхозига сотиши лозим. Бироқ, шу вақтгача сиз сотишни ташкил қилмадингиз. Икки кун муддат ичида бу чўчқаларни тўплаб, колхозга сотишни талаб қиламан. Бу талаб бажарилганлигини менга 1963 йил 10 майда маълум қилингиз. Куркурин» **(Кулги).**

«Колхоз раисига ва агрономига:

Лавлаги бургасининг оммавий пайдо бўлиши бошланди. Лавлаги экинларини ўз вақтида чанглатишни ташкил қилингиз. Зарур бўлиб қолган тақдирда, авиацияни чақирингиз. Куркурин». **(Залда жонланиш).**

«Колхоз раисига:

Сизнинг колхозингизга май ойида 1,4 минг тонна, июнь ойида 1,4 минг тонна гўнг чиқариш графиги белгиланган. Механизациялашган отрядда ишни яна бошлаб юборингиз ва юборилган топшириқнинг бажарилишини таъминлангиз. Гўнг чиқаришнинг бориши тўғрисида ҳар кун ахборот бериб турингиз. Куркурин». **(Жонланиш, кулги).**

«Колхоз раисига:

Бош зоотехник яшил конвейерни топшириш учун 29 майда дарҳол бошқармага келсин. Куркурин».

«Колхоз раисига:

Жойларда ўтказилган текшириш натижасида айрим колхозлар дон экинлари ҳосилини ўриб олишни бажармаётганлиги, алоҳида-алоҳида ўриб ва йиғиб олишга эътибор бермаётганлиги аниқланди. Буни дарҳол текшириб кўриб, камчиликларни йўқотишни талаб қиламиз. Ҳамма агрегатлар, жаткалар ўрим-йиғимга, ғалла поясини тагидан қирқиб олишга, сифатли қилиб ўришга, похол йиғиштиришга сафарбар қилинсин. Айбдорлар жазолансин. Куркурин».

«Колхоз раисига:

Қаттиқ совуқ бошланганлиги сабабли колхозларда қўйлар ва қора молларнинг музлаб қолиб нобуд бўлиш ҳоллари бор. Ишлаб чиқариш бошқармаси жамоат чорва молларининг ҳаммасини оғилхоналарга киритиб қўйишни қатъий талаб қилади. Уларни озуқа билан таъминлангиз ва боқингиз. Куркурин».

«Колхоз раисига:

Бошқарма сизга ипак қуртини бутун кун бўйи кунига беш марта озиқлантириш, биноларни шамоллатиб туриш ва баргларни ҳўллаб туришни ташкил этиш вазифасини топширади. Куркурин». **(Залда жонланиш).**

«Колхоз раисига ва партия ташкилотининг секретарига:

Партком ва ишлаб чиқариш бошқармаси сизларга икки кун ичида давлатга қўшимча равишда 40 тонна кунгабоқар сотиш мажбуриятини юклайди. Фармойишимизнинг бажарилганлиги тўғрисида 1963 йил 14 ноябрда шахсан ўзингиз хабар қилинг. Котлик, Кравец».

«Колхоз раисига:

(Давоми олтинчи бетда)

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда)

СССР Министрлар Совети дон маҳсулотларини инвентаризация қилиш вазифаларини ва дебиторлик қарзларини тугатишни талаб қилаётир. Шу масалаларга доир ҳужжатларни олиб, ишлаб чиқариш бошқармасига 13 декабрда шахсан келишингизни ва инвентаризацияга доир 100-формани ўзингиз билан бирга олиб келишингизни талаб қиламан. Куркурин».

«Колхоз раисига:

Закарпатия областидан ташкилий равишда ишчилар олиш бўйича сизнинг хўжалигингизга... киши ажратилган. Одамларни олиш учун дарров ўз вакилингизни юборинг. Куркурин».

Бунақа телеграммалар жуда кўп. Агар хўжаликка бундай раҳбарлик қилинадиган бўлса, бундан фойда чиқмайди. Ишлаб чиқариш бошқармаси одамларни ўзининг саволларига белгиланган муддатда жавоб беришгагина ўргатади, холос. Ҳатто колхоз бирор кўрсатмани бажармаган тақдирда ҳам, раис бунинг жавобини топиш учун хилма-хил найранг ишлата беради. Колхозларнинг раислари билармон, тушунадиган масъулиятли кишилардир. Уларга буйруқ бериш билан шуғулланмасдан, балки раҳбарлик қилиш керак.

Мен ўзимнинг эски одатим бўйича бу телеграммаларни машҳур фельетончи Степан Олейникка юбораман ва бу масала хусусида ундан ўз фикрини айтишни илтимос қиламан. Степан Олейникка бу материалларни ўзим берайми, ёки Сиз элтиб берасизми, ўртоқ Шелест?

П. Е. Шелест. Ўзим топшираман.

Н. С. Хрушчев. Менинг илтимосимни ҳам айтиб қўйинг. Аммо, қанақа ёзишни унинг ўзи билади. Мен кўрсатма бермайман. **(Залда жонланиш. Кулги).**

Биз ишлаб чиқариш бошқармаларининг, айниқса ташкилотчи инспекторларнинг ишини такомиллаштиришимиз керак.

1963 йил 2 ноябрда Марказий Комитет Президиумига ёзган хатимда — бу хат партия ташкилотларига юборилган — инспекторларнинг ишини ихтисослаштириш мақсадга мувофиқлигини айтган эдим. Ўша хатда жумладан, одамларни танлаш тўғрисида, инспекторлар колхоз ёки совхозларнинг группасига шунчаки хизмат кўрсатиб қолмай, ишлаб чиқаришнинг конкрет тармоғи учун жавоб берадиган бўлишлари ҳақида гапирилган эди. Ана шундай қилинса, масалан, деҳқончилик билан шуғулланаётган инспектордан фаннинг шу тармоққа тааллуқли ҳамма сўнгги ютуқларини мукаммал билишини талаб қилиш мумкин бўлади. У селекция масалаларидан хабардор бўлиши, ҳамма навларни, шу навлар қайси районларга мослаштирилганини, қайси навлар конкрет бир ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда яхшироқ ҳосил бераётганини билиши мутлақо шарт. У районидаги хўжаликлар дон ва бошқа экинларнинг энг яхши навлари уруғи билан таъминланиши учун жавоб бериши керак. Ниҳоят, тупроқни ишлаш, минерал ўғитлар солиш ва агротехникага доир бошқа масалаларни мукаммал билиши ҳам шарт. Буни шунчаки ёдлаб ола бермасдан, амалда синаб кўриши, тажриба қилиб кўриши, илғор колхозчиларга, агрономлар, бригадирларнинг билимига, тажрибасига таяниши керак.

Чорвачиликка хизмат кўрсатадиган зоотехникларимиз бор. Лекин чорвачилик ҳам бир хил эмас: сут берадиган чорвачилик билан гўшт берадиган чорвачилик бор. Ўз навбатида гўшт етиштиришнинг ҳам чўчқаларни, қорамолларни ва ҳоказоларни бўрдоқига боқиш сингари ўзига яраша хусусиятлари бор. Улар ҳам ҳар хил соҳалардир. Бир одамнинг шу соҳаларнинг ҳаммасини мукаммал билиши қийин. Эҳтимол, чўчқачиликни — наслчилик иши билан бўрдоқичиликни ипидан игнасигача биладиган битта зоотехник чўчқачиликка ихтисослаштирилган колхоз ва совхозларнинг катта бир группасига хизмат қила бошласа маъқулроқ бўлар. У фан ютуқларини яхшироқ кузатиб бора олади, практика синовидан ўтган ҳамма янгиликларни ишлаб чиқаришга самаралироқ жорий қилдира билади. Ўзи хизмат қилаётган ҳамма хўжаликларда обрў орттирган, чуқур билимларга эга бўлган бундай мутахассиснинг гапи ҳам ўтадиган бўлади. Борди-ю, мутахассис нуқул: «Фалон қилинг», «пистон қилманг», «фалон вақтда келинг», «фалон вақтда келманг» қабилидаги телеграммаларни ёза берса, бундан ҳеч бир яхшилик чиқмайди. Раҳбарликнинг бундай методи яроқсиз, зарарли бўлиб, уни қораламоқ керак.

Қўйчилик соҳасида ҳам, паррандачилик соҳасида ҳам чуқур билимларга эга бўлган ана шундай мутахассислар бўлиши керак. Паррандачилик поёни йўқ тармоқдир. Бунга товуқлар ҳам, ўрдаклар ҳам, куркалар ҳам, ғозлар ҳам киради. Тухум қиладиган товуқ боқиш билан гўшт учун товуқ боқиш ўртасида катта фарқ бор. Буларнинг ҳаммаси чуқур билимга эга бўлишни, тажрибани ўрганишни талаб қилади. Ана шунда ишлаб чиқариш бошқармасининг мутахассислари хўжаликни замонавий савияда бошқаришда колхозчилар билан совхоз ходимларига ёрдам бера олади.

Ҳозир ишлаб чиқариш бошқармаларидаги кўпгина мутахассислар ҳамон юзакичилик билан ишлашяпти. Бунга эса ҳамма вақт ҳам уларнинг ўзларини айбли деб бўлмайди. Гап шундаки, бир қанча ҳолларда мутахассислардан нотўғри фойдаланиляпти, улар ҳамма нарса билан шуғулланиб, муайян маълумотига асосан ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасига яқин бўлса, мутахассис сифатида шу соҳа билан чуқурроқ қизиқиш имкониятига эга бўлмай қоляпти.

Тузумимиз табиатининг ўзи одам конкрет билимларни эгаллаб олишини ва шу билимларини ишлаб чиқаришга бағишлашини талаб қилади. Мабодо бирон мутахассиснинг конкрет билими етишмаса, у қўшимча равишда ўқиб, ана шу билимни эгаллаб олиши лозим. Ўқиётган, ўз билимини такомиллаштираётган кишиларни давлатимиз рағбатлантириб келмоқда.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг ишини ташкил этишдаги янги формалар фан ва практика ютуқларини актив пропаганда қилишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга ёрдам беради.

Биз ҳозир қишлоқ хўжалик фанига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ишига алоҳида эътибор беришимиз керак. Министрлик илмий марказ бўлиб қолиши, олимлар, илмий тадқиқот институтлари, тажриба станцияларининг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни интенсивлаш вазифаларидан келиб чиқаётган актуал илмий проблемаларни ҳал қилишга йўналтириб туриши лозим. Илм-фан химиядан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун яхшироқ фойдаланишда, суғориш ишларини, селекциячиликни, наслчилик ишини ривожлантиришда, етилган бошқа вазифаларни ҳал қилишда айниқса актив роль ўйнаши керак.

Министрликнинг вазифаси тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқаришнинг турли масалаларига доир дарсликлар, мукаммал қўлланмалар, варақалар, тавсиялар яратиб беришдан иборат. Бундай материалларни Иттифоқ ва республика министрликларигина эмас, балки зона институтлари, тажриба станциялари ҳам нашр қилиб туришлари керак. Кўряпмизки, илмий муассасалар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Мана шунинг учун ҳам ана шу муассасаларда қандай одамлар ишлаётганини, уларнинг қўлидан нима иш келишини бир кўздан кечириб қўйиш керак. Улар ҳақиқатан ҳам илм-фаннинг ишини қилиб, практикани бойитишяптими, ёки фақат қоғозни қора қилишдан бошқа нарсага ярашмайдими. Такрор айтаманки, ҳамма илмий муассасаларни тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш лозим. Қўлидан иш келмайдиган ходимларни ўзгартириб, ўрнига актив ишлаётган, ўз ишига меҳр қўйган ижодкор одамларни, ишлаб чиқаришни чуқур биладиган ва бутун куч-қувватини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаётган олимларни кўтариб қўйиш керак.

Илмий ходим ўз ишини мукаммал билишдан, гапни ўринлатиб гапиришдан ташқари ишни қандай қилиш кераклигини кўрсатиб бериши ҳам шарт десам, олимлар хафа бўлмасдирлар, деб ўйлайман. Шундагина уни олим деб ҳурмат қилишадиган бўлади.

«Ўқиш китоби» эсимга тушиб қолди. Ўша китобда бир деҳқоннинг файласуфдан доҳий, мутафаккир қанақа бўлади, деб сўрагани ҳикоя қилинади. Файласуф буни тушунтириб берибди, лекин шундай мужмал қилиб тушунтирибдики, деҳқон ундан ҳеч нарса англамабди. Шунда деҳқон гапнинг сирасига кўчиб, файласуфдан: «Хўш, қошиқ ясаш мутафаккирнинг қўлидан келадими?» — деб сўрабди. «Қўйсангизчи, — деб жавоб берибди файласуф, — қошиқ ясаш унинг қўлидан келмайди». Деҳқон ўйлаб туриб: «Ундай бўлса, мутафаккирлиги қаёққа борди. Бизда қошиқ ясаш ҳар бир деҳқоннинг қўлидан келади» деган экан. Ўртоқ олимлар, сизларнинг орангизда экономистлар, химиклар, агрономлар, зоотехниклар бор. Колхозлар сизнинг маслаҳатингизга муштоқ. Башарти, уларга қошиқ ясашни ўргатмоқчи бўлсангиз, аввал ўзингиз қошиқ ясашни билиб олинг. **(Залда жонланиш).** Бу масаланинг қўйилишини тўғри тушунинг. Мабодо сиз фалон-фалон экинлардан қандай қилиб мўл ҳосил олиш мумкин деб лекциялар ўқиётган ва китоблар ёзаётган бўлсангиз, амалий ходимларни ўз хўжалигингизга таклиф қилиб, шу ишни ўзингиз қандай уддалаётганингизни кўрсатиб беринг, одамлар сизнинг тажрибангиздан ўрганиб, уни қўлланиб, худди ана шундай натижаларга эриша оладиган бўлсин.

Қишлоқ хўжалиги экономикамизнинг энг мураккаб тармоқларидан биридир. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишда шаблонга мутлақо чидаб бўлмайди.

Ҳамма замонлар учун ва айниқса бизнинг мамлакатимиз сингари бепоён мамлакатнинг ҳамма районлари учун аллақандай шаблон қабул қилинсин, деб маъмуриятчилик қилиш ярамайди, ўртоқлар. Ер текис шудгорланган бўлса, ҳамма жойда ҳам шудгор текислансин, текисланмаган бўлса, ҳамма жойда нотекис бўлсин, деб чегарадан чиқиб кетмаслик керак. Илм-фан маълумотларини турли зоналарда практика синовидан ўтказиш ҳамда шундай синовдан кейингина бу маълумотларни қурол қилиб олиш керак.

Мана масалан, Оренбургдаги сут-гўшт молчилиги институтининг директори Ш. Ш. Хайруллин Марказий Комитет Пленумида сўзга чиқди. Бир хил одамлар уни ишбилармон, тажрибали киши дейишса, бир хил одамлар ишга юзакичилик билан қарайди, деб танқид қилишяпти. Мен унга баҳо бермоқчи эмасман, чунки уни яхши танимайман. У Пленумнинг ҳамма иштирокчилари ҳузурида экиш муддатлари тўғрисидаги мақоласини менга топшириб, шу мақоланинг босиб чиқарилишини талаб қилди. Мен мақолани олиб, уни босиб чиқаришни «Сельская жизнь» газетасидан илтимос қилдим. Рост, редакция ходимлари мақолада шаблон тавсиялар баён қилинган ва бу тавсиялар зарар етказиши мумкин, дейишди.

Аммо ўртоқ Хайруллин оёғини қаттиқ тираб олгани учун унинг мақоласини мунозара тариқасида эълон қилишга қарор қилинди. Хўш, натижаси нима бўлди? Қишлоқ хўжалигидаги кўпгина ходимлар — агрономлар, олимлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўртоқ Хайруллиннинг мақоласида баён қилинган фикрларни қаттиқ танқид қилишяпти. Улар мақола авторини территорияси жуда катта бўлган мамлакат учун бир хил экиш муддатларини тиқиштиряпти, деб айблашяпти, экинни қачон экиш кераклигини фақат ҳар жойнинг ўзида, хўжаликда ҳал қилиш мумкин, деб ҳаққоний гапларни ёзишяпти, шаблонга қарши чиқишяпти.

Бу одамларнинг фикрини тушуниш қийин эмас. Ахир, Оренбургдаги тажрибага асосланиб, Красноярск ёки Олтой ўлкаларида ё бўлмаса Қозоғистоннинг шимолидаги бирор ерда экинни қачон экиш кераклигини айтиб бўладими? Шуни айтиш керакки, Оренбург областининг агрономлари билан илмий ходимлари ҳам ўртоқ Хайруллиннинг тавсияларига матбуотда қарши чиқдилар.

Мен олимнинг тавсияларини эшитаётган вақтимда ҳамма вақт шу тавсиялар практикада синаб кўрилганми, қайси зонага тааллуқли, деб суриштираман. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас, чунки қишлоқ хўжалиги масалалари ниҳоятда конкретлиликни талаб қилади.

Фактларни пухта текшириб кўрмасдан, ўзининг тахминий фикрларига асосланибгина хулоса чиқараётган олимнинг хато қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бас, шундай экан, келинглар, фақат илм-фан исботлаган, практикада синаб кўрилган нарсаларни тавсия қиладиган бўлайлик.

Чала мулла одамнинг, бундай киши баъзан жуда баланд мартабага миниб олган бўлиши мумкин, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хўжайинлик қилишига йўл қўйиш ярамайди. Масалан, область партия комитети секретарининг одамларни қандай даволаш ҳақида врачга йўл-йўриқ беришини ҳатто ақлга сиғдириб бўлмайди. Баланд мартабага миниб олган нодон одамгина шундай қилиши мумкин.

Ракеталар тўғрисида гап борганида уни мутахассислар қуриши кераклигини ҳамма тан олади. Бу ҳаммага тушунарли нарса. Лекин қишлоқ хўжалигига ақли етмайдиган одам эса, анча таваккалчилик билан йўл-йўриқлар бераверади. Уни қаранг-ки, бу одам бувиси қандай қилиб картошка экканини кўрган эмиш. Бувиси эса саводсиз бўлса ҳам, яхшигина мактабдан ўтган. У картошка экишни онасидан ўрганган. Биздаги қишлоқ хўжалигининг баъзи «билимдонлари» ҳатто ана шу мактабнинг юзини ҳам кўришмаган.

Натижада шундай бўлиб чиқяптики, товуқ гўшти еган ҳар бир одам товуқ боқишни билар эмиш, қуймоқ еган ҳар бир одам товуқ қандай тухум қилишини билар эмиш; картошка еган одам уни қандай ўстиришни биламан деб йўл-йўриқлар бераверар эмиш.

Мен ҳам рассом суратни қандай чизишини, Вучетич ҳайкални қандай ясашини кўрганман. Лекин кўришнинг ўзи билан иш битмайди. Айниқса санъат масалаларида билимдонлик, маҳорат ва истеъдод бўлиши керак.

Такрор айтаманки, қишлоқ хўжалиги — ишлаб чиқаришнинг мураккаб, кўп қиррали тармоғи. Ишнинг кўзини билмасдан туриб, бу тармоққа раҳбарлик қилиш ярамайди, шарманда бўлиб қолиш мумкин. Баъзи раҳбарлар шарманда ҳам бўляптилар. Шаблонга қарши кескин кураш очиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини зона, район ва ҳатто айрим хўжаликнинг хусусиятларини ҳисобга олмасдан, ягона тавсияларни тиқиштиришга уринишлардан муҳофаза қилиш керак.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасидаги амалий ишда ҳар бир тармоқда орттирилган тажрибани ҳисобга олиш, шу тармоқда кўпдан бери ишлаётган, ҳаммадан муҳими, уни яхши билган одамларнинг гапига қулоқ солиш зарур. Чистюнский совхозининг директори К. И. Колупаевнинг Олтой қишлоқ ўлка партия комитетига юборган хатини ўқиб бермоқчиман. Бу хатда лавлагикорликда раҳбарликнинг ташкилий структурасига тааллуқли жуда муҳим масала кўтарилган. Ўртоқ Колупаев бундай деб ёзади:

«Олтойда қанд-шакар саноати анча тез ривожлана бошлаган эди. Совхозлар қанд лавлаги етиштирадиган қилиб ихтисослаштирилганлиги, уларга трест раҳбарлик қилаётганлиги, совхозлар билан қанд-шакар заводлари шу трестнинг қарамоғига бериб қўйилганлиги қанд-шакар саноатининг ривожланишига ёрдам берди. Трест Главсахарга бўйсунар эди, яъни бошқаришнинг мукаммал системаси мавжуд эди.

Комбинат директорининг ягона раҳбарлиги остида бўлган йирик лавлагикорлик совхози билан қанд-шакар заводидан иборат қанд-шакар комбинатлари жуда муваффақиятли бўлиб чиқди. Заводнинг ўзига хом ашё етказиб берувчи хўжалик билан бундай боғланганлиги қанд-шакар заводининг кадрларини ғоят манфаатдор қилиб қўйди, улар совхоз кўпроқ лавлаги етиштирсин, деб қайғурадиган бўлиб қолдилар. Бироқ қанд-шакарчиларнинг самарали бўлиб чиққан бу мукаммал системаси 1959 йилда парчалаб юборилди. Главсахар билан қанд лавлаги тресги тугатилди, қанд-шакар комбинатлари қайта ташкил қилинди, яъни қанд-шакар заводлари хом ашё етказиб берувчи совхозлардан ажратиб қўйилди.

Илгари қанд лавлаги уруғини бериш билан завод базалари шуғулланар эди, энди эса бу иш билан «Сортсемовощ» конторалари шуғулланмоқда, бу конторалар қанд-шакар саноати учун хом ашё базасини кенгайтириш имкониятларини мутлақо ўрганмаяпти (ўрганиши ҳам мумкин эмас), улар хом ашё етказиб берувчи хўжаликлар билан боғланмаган.

Сўнгги вақтларда лавлагикор совхозлар дастлаб ўлка қишлоқ хўжалик бошқармаси қарамоғида бўлди, ҳозир эса колхоз-совхоз бошқармалари қарамоғига топширилди. Бошқармалар лавлагикор совхозларнинг спецификаси билан ҳисоблашмаяпти, уларга давлатга маҳсулот (шу жумладан пичан, картошка ва сабзавот) топшириқ тўғрисида турли-туман планлар беряпти, ишлаб чиқариш хусусиятларини эътиборга олмаяпти».

Лавлагикорликка раҳбарликнинг ташкилий формаларини тиклаш, уруғ етиштиришда, ўғитлардан қандай фойдаланилаётганини контроль қилишда, қанд лавлаги етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ҳамма ишда қанд-шакар заводларининг ролини ошириш зарур.

Украинада лавлагикор хўжаликка раҳбарлик қилишнинг дуруст системаси таркиб топган эди. Бу система сақлаб қолинди, Россия Федерациясида эса ана шу системани парчалаб юборишибди ва энди уни тиклашни пайсалга солишяпти.

Қанд-шакар ишлаб чиқариш — мураккаб тармоқ. Бу тармоқда ҳамманинг: қанд лавлаги етиштираётган одамларнинг ҳам, қанд моддасига бой янги навлар яратаётган селекциячиларнинг ҳам, лавлагини қайта ишлаётган заводларнинг ҳам куч-ғайрати бирлаштирилмоғи керак. Ишлаб чиқаришнинг бу тармоғида ҳамиша юксак малакали кадрлар бўлган. Ҳозир эса кадрлар қўлдан чиқариб юборилган, қанд лавлаги уруғини кўпинча пиёз экиб келаётган одамлар етиштириб беряпти. Бу муҳим ишда тартиб ўрнатиш керак.

Марказий Комитет Президиуми кўклам арафасида эътиборингизни ана шу масалаларга қаратишни лозим топди. Бу масалалар ўзингизга маълум. Улар энди кўтарилаётгани йўқ. Лекин қишлоқ хўжалигини интенсивлаш юзасидан Марказий Комитетнинг февраль Пленумида қабул қилинган программанинг амалга оширилиши ана шу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Совет халқи янги катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этади

Партиямиз, совет халқимиз кейинги ўн йил ичида қишлоқ хўжалиги соҳасида ғоят катта иш қилди. Ўтган ўн йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш икки баравардан кўпроқ ошганлиги билан фахрланамиз. Шу йилларда совет кишилари буюк жасорат кўрсатдилар — 40 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирдилар. Бу ишга ажойиб ёшларимиз, Ленин комсомоли катта ҳисса қўшди. Партиямиз қўриқ ерларни ўзлаштиришдан иборат тарихий вазифани қўйган, коммунистлар, комсомоллар, ёш ватанпарварлар Сибирь ва Қозоғистоннинг қўриқ ерларида дастлабки палаткаларни қуриб, янги ерларни ўзлаштиришдек қийин ишга киришганига худди шу кунларда ўн йил тўлади. Бир неча йил ичида бу ерда юзларча йирик совхозлар барпо этилди, темир йўллар ва тош йўллар қурилди, элеваторлар бино қилинди, обод посёлкалар қад кўтарди, чўлнинг қиёфаси ўзгариб кетди.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш дон етиштиришни, айниқса буғдой етиштиришни кўпайтириш имконини берди, бутун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ғоят катта таъсир кўрсатди.

Марказий Комитет сентябрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигида рўй берган туб ўзгаришларни кўрсатувчи рақамларни аввалроқ айтиб ўтган эдим. Лекин ана шу рақамларни яна бир марта тилга олиб, қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал этишда биз таянадиган базани кўрсатиб ўтмоқчиман.

1953 йилдан 1962 йилгача ўтган даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қанча етиштирилганини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

	1953 йил	1962 йил	1962 йилда 1953 йилга нисбатан процент ҳисобида
Дон — миллион пуд	5.036	9.045	180
Қанд лавлаги (саноатбоп) — миллион тонна	23,2	47,4	205
Пахта — миллион тонна	3,8	4,3	113
Кунгабоқар — миллион тонна	2,6	4,8	182
Сабзавот — миллион тонна	11,4	16,0	140
Гўшт (сўйилган вазнда) — миллион тонна	5,8	9,5	163
Сут — миллион тонна	36,5	63,9	175
Тухум — миллиард дона	16,1	30,1	187

Чой, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайди.

Мен 9 йилги маълумотларни таққослаш билан чекланаяпман, чунки 1963 йил об-ҳаво шароити ниҳоятда ноқулай келганлиги учун характерли йил ҳисобланмайди. Баъзи маҳсулотларни етиштириш 1953 йил даражасидан анча ортиқ бўлса ҳам 1962 йилдагидан камроқ бўлди.

Душманларимиз кўпинча фактларни сохталаштириб, гўё қўриқ ерларга катта маблағлар сарфлаш ўзини оқламаганлиги ҳақида ёзмоқдалар. Йўқ, жаноблар, сизлар оқни қора деб исбот қилишга эриша олмайсизлар. Советлар мамлакати ҳозиргачаёқ қўриқ ерларда қўшимча равишда 8 миллиард 600 миллион пуд товар ғалла олди.

Товар ғалла ҳисобигаёқ, давлат қўриқ районлардаги қишлоқ хўжалигига сарфлаган ҳамма маблағлар ўрнини қоплабгина қолмасдан, бунинг устига тўққиз йил ичида 3 миллиард сўмга яқин соф даромад олди.

Шу билан бирга қўриқ ерларда капитал маблағ сарфлаш ҳисобига совхозлар ва тайёрлаш ташкилотларининг ишлаб чиқариш фондлари тахминан 4 миллиард 700 миллион сўм кўпайди

Ўзлаштирилган қўриқ ерлар халқимизга йил сайин тобора кўпроқ дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар бераверади.

Шу йилларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш анча кўпайди.

Давлат харид қилди:

	1953 йил	1962 йил	1963 йил
Дон (миллион пуд)	1.899	3.458	2.735
Пахта (миллион тонна)	3.8	4,3	5,2
Қанд лавлаги (миллион тонна)	22,9	43,9	41,4
Кунгабоқар (миллион тонна)	1,8	3,1	3,0
Картошка (миллион тонна)	5,4	5,7	8,0
Сабзавот (миллион тонна)	2,5	5,9	6,3
Гўшт (тирик вазнда) (миллион тонна)	3,6	8,6	9,3
Сут (миллион тонна)	10,6	29,2	28,5
Тухум (миллиард дона)	2,6	8,5	8,7
Жун (минг тонна)	197	374	379

Кўриб турибсизки, ноқулай келган 1963 йилда харид қилиш 1953 йилга нисбатан анча кўп бўлди, баъзи маҳсулотлар — пахта, картошка, сабзавот, гўшт, жун эса 1962 йилдагига нисбатан кўпроқ тайёрланди.

Мен илгари айтиб ўтган эдим ва яна бир марта айтмоқчиманки, шу ўн йил ичида тайёрлаш структураси тубдан ўзгарди. 1953 йилда давлат чорвачилик маҳсулотларининг катта қисмини колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий хўжалигидан сотиб олишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда аҳвол ўзгариб кетди. Биз йирик жамоат чорвачилигини вужудга келтирдик. Эндиликда харид қилинаётган бутун сутнинг 95 процентини ва гўштнинг 86 процентини колхозлар ва совхозлар бермоқда.

Колхоз ва совхозларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товар қисмининг ошиши натижасида мамлакат аҳолига озиқ-овқат товарлари сотишни йил сайин кўпайтириш имкониятига эга бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим маҳсулотларини аҳолига сотиш ҳақидаги маълумотларни келтираман

	Аҳолига сотилган маҳсулот		1963 йилда 1953 йилга нисбатан процент ҳисобида
	1953 йил	1963 йил	
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (минг тонна)	1.757	4.986	284
Сут ва сут маҳсулотлари (минг тонна)	1.980	10.113	511
Мол ёғи (минг тонна)	330	622	188
Ўсимлик ёғи (минг тонна)	298	525	176
Тухум (миллион дона)	2.045	7.343	359
Қанд-шакар (минг тонна)	2.410	5.329	221

Буларнинг ҳаммасига эришмоқ учун астойдил меҳнат қилиш керак эди. Совет кишилари — ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция яхши ишлади.

Лекин энди биз янги катта вазифаларни ҳал қилишимиз керак. Мамлакат ривожланмоқда, саноат ўсмоқда, шаҳарларнинг аҳолиси кўпаймоқда. Совет Иттифоқи аҳолиси умуман тўққиз йил ичида 32 миллион киши ёки 17 процент кўпайди. Шу вақт ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 61 процент ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиши халқ фаровонлигини ошириш учун энг яхши шароитлар яратди. Бундан буён янада қулайроқ имкониятлар яратилади. Қишлоқ хўжалиги кўпроқ техника, ўғитлар, капитал қурилиш учун воситалар олмоқда. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги ошади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпаяди. Бироқ, бу имкониятлардан тўла фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик ходимлари янада қатъият билан меҳнат қилишлари керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигимиз, бутун экономикамиз халқнинг ўсиб бораётган талабларини қондиришни таъминлайдиган суръатлар билан ривожланиши керак.

Партия қишлоқ хўжалиги олдидаги янги вазифаларнинг бутун аҳамиятини тушунади ва бу вазифаларни ҳал этиш учун амалий тадбирлар кўрмоқда.

Марказий Комитетнинг декабрь Пленумида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг қудратли воситаси бўлган химияни жадал ривожлантириш программаси ишлаб чиқилди.

Марказий Комитетнинг февраль Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш йўлини белгилаб берди. Белгиланган планларни амалга ошириш учун жуда катта маблағлар сарфланмоқда.

Партия раҳбарлигида совет халқи, қишлоқ хўжалик ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг Марказий Комитет февраль Пленуми белгилаган даражасига эришишларига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу эса, гуллаб яшнаган, ҳар томонлама ривожланган қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш соҳасидаги партия Программасини амалга ошириш бўлади.

Ўртоқлар!

Саноат ва капитал қурилишнинг иши масалалари юзасидан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга рухсат этгайсиз. Ҳаммага маълумки, саноатимиз яхши ишламоқда, лекин бундан саноат соҳасида бизда резервлар қолмади, деган маъно келиб чиқадими?

Ишонаманки, агар биз ишчилар, инженерлар ва техникларга мурожаат қилиб, уларнинг эътиборини ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан яхшироқ фойдаланишга қаратсак, ҳар қандай заводда катта резервларни аниқлаймиз. Биз бу хусусда саноат ходимларига мурожаат қилган пайтимизда доимо ажойиб натижаларга эришдик. Ҳозир ҳам ана шу йўлдан бормоқ керак. Жойлардаги партия ва хўжалик ташкилотлари одамлар билан маслаҳатлашиши, ишчилар, инженер ва техникларни мавжуд резервларни қидириб топишга ва улардан яхшироқ фойдаланишга отлантириши керак.

Биз ҳозир капитал қурилишга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бунинг сабаби яна шундан иборатки, бир қанча жойларда бу йил қурилиш ишлари етарли даражада уюшқоқлик билан бошланмади. Шу муносабат билан январь ва февраль ойларида саноат қурилиши бўйича капитал ишлар плани тўла бажарилмай қолди. Бунга асосий сабаб шу бўлдики, халқ хўжалиги кенгашлари, қурилиш ташкилотлари, саноат область ва шаҳар партия комитетлари ўтган йилги натижалар билан бирмунча хотиржам бўлиб қолдилар. Капитал қурилиш мураккаб иш бўлиб, кундалик эътиборни талаб қилади. Партия энг муҳим қурилишларни доимо жиддий контроль қилиб келди. Биринчи ва иккинчи беш йилликлар давомида Москвада «Нефтегаз» заводи, Подшипник заводи ва бошқа корхоналар қандай қурилганлиги эсимда. Қурилишларда беш кунлик график бажарилмай қолса, бу фавқулодда ҳолат деб ҳисобланарди. Партия ва касаба союз ташкилотлари сафарбарлик эълон қилиб, кишиларни отлантиришар, камчиликнинг тугатилишига эришишар эди ва қурилиш графикка тушиб олар эди. Ҳозир эса у ёки бу қурилишда йил давомида план бажарилмай келса ҳам шаҳар ёки район партия комитети чора кўриш уёқда турсин, ҳатто, бундан бехабар қоладиган ҳоллар тез-тез учраб туради.

Капитал қурилишнинг катта планини бажариш учун йил бошиданоқ, ҳар бир қурилишни назорат қилиб туриш керак. Бироқ афсуски, буни кўп кишилар тушунмаётирлар. Мана ҳозир 1964 йилнинг икки ойи ўтиб кетди; план бажарилмаётган қурилишлар учун бу беҳуда кетган ойлардир. Баравар юришдан кўра қувиб етиш қийинроқ. Бу нарса «Тириклар ва ўликлар» кинофильмида жуда яхши кўрсатилган. Эсингизда бўлса керак, генерал Серпилин Синцов билан учрашганидан хурсанд бўлиб, уни гапга тутиб қолганида Синцов бундай дейди: «Ўртоқ генерал, кетишга рухсат этинг, бўлмаса, ўз ротамга етиб олишим қийин бўлиб қолади».

Биз бу нарсани доимо эсда тутишимиз керак. Қўлдан бой берилган вақтни қисқа муддат ичида қоплаш ва қурилишни қатъий планга биноан олиб бориш зарур. Ҳозир қурилиш ишларига халқ хўжалиги кенгашлари, партия, касаба союз ва комсомол органлари эътиборини жалб қилиш лозим. Ҳамма қурилишларда комплекс графиклар ишлаб чиқиш керак. Бу графикларда қурилиш ва монтаж ишларини қўшиб олиб бориш кўзда тутилиши керак; қурилиш ташкилотларини ишчилар билан таъминлаш, қурилаётган объектларга ускуналарнинг ўз вақтида етказиб берилиши учун чоралар кўриш лозим.

Партия органлари қурилишларнинг боришини қаттиқ контроль қилиб туришлари, ишни ўнглаб олиш учун ҳамма имкониятлардан ва ресурслардан фойдаланишлари зарур.

Хўжалик ходимлари қурилиш планларининг бажарилмаганлигига ишчи кучининг етишмаслигини рўкач қилиб кўрсатадилар. Мен, ўртоқлар, ишчи кучи етишмаслигини объектив сабаб деб ҳисобламайман; совет халқига ишонаман, партияга ишонаман, комсомол ва касаба союзларга ишонаман. Бизнинг халқимиз ажойиб халқ, у партиянинг чақириғига доимо лаббай, деб жавоб беради. Ёшларга даъват қилингиз ва улар дарҳол лаббай деб жавоб бериб, зарур бўлган жойга боради.

Бунинг устига бизда халқ хўжалигида машғул бўлмаган бир қисм кишилар бор, ишёқмаслар бор, уларни ишлашга мажбур қилиш керак.

Шу муносабат билан менинг фикримча, жуда муҳим бўлган қуйидаги масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Донецк металлургия заводининг кекса ишчилари — пўлат эритувчилар В. Перебейнос, Н. Бичков, И. Олейникларнинг мактуби матбуотда эълон қилинди. Улар меҳнат паспорти жорий қилишни таклиф этдилар. Бу таклифни тўғри деб ҳисоблайман ва батамом қўллаб-қувватлайман. Бизда ҳар бир киши ана шундай паспортга эга бўлиши керак, токи унда одамнинг қаддини ростлаб иш бошлаган пайтдан бошлаб, меҳнат ҳаёти худди кўзгуда акс этгандек, акс этиб турсин ҳамда у коммунизм қурилишига меҳнати билан қандай улушини қўшаётганлиги кўриниб турсин.

Ҳозирги паспортга қараб ҳеч нарсани белгилаб бўлмайди, фақат бирор одамнинг Сидоров эмас, балки Иванов эканлиги маълум, лекин бу одам меҳнатга қандай муносабатда эканлигини паспортдан билиб бўлмайди.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш жоиз бўладики, 1919 йилда В. И. Ленин меҳнат паспортларини жорий этишни таклиф қилди, меҳнат дафтарчалари ҳақидаги декретни имзолади. Чор Россиясининг полициячилари берган паспорт ўрнига Совет Россиясининг меҳнат дафтарчаларини айирбошлашга қарор қилинди.

Афсуски, бу ленинча принцип қўпол равишда бузилди. Сталин Сталинлигича қолди. У, партияга раҳбарлик лавозимига ўтиб олгач, эски паспортга — полициячиларга тегишли паспортга қайтди. Ҳозир биз Ленин ғоясини амалга оширишимиз керак, меҳнат дафтарчасини, яъни шахсий шаҳодатнома бўлган полиция паспортини эмас, балки меҳнат паспортини жорий қилишимиз керак.

Ленин ғоясининг замирида нима бор, унинг тарихий аҳамияти нимадан иборат? Полиция паспорти — капиталистик тузум талабларига жавоб берадиган ҳужжатдир. Капиталистик тузумга фалон киши ўзини бошқа бирон киши ўрнида кўрсатмаслиги учун у кишининг ўзи эканлигини кўрсатувчи шаҳодатнома керак. Эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчилар оламида меҳнат фаолияти билан ҳамма кишилар шуғулланмайдилар. Бировлар ишлайди ва неъматлар ҳосил қилади, бошқалар эса капитали бўлгани учун меҳнат аҳлини эксплуатация қилади, ўзи эса ҳеч бир иш қилмайди, ишчилар ва деҳқонлар меҳнати билан яратилган бойликларни исроф қилади. Капиталистлар ўз фойдаларини солиқдан яшириб қолиш учун даромад манбаларини кўрсатмайдилар. Капиталистик система ана шундай. У ерда: қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас, — деган қонун амал қилади.

Бизнинг жамият эса социалистик меҳнат жамиятидир. Биз: Ишламаган тишламайди, деган шиор остида коммунизм қурмоқдамиз. Совет кишилари онгли равишда меҳнат қилмоқдалар. Ўзларининг бутун кучларини уларга топширилган ишга сарфламоқдалар. Меҳнатда иштирок қилиш — инсон бутун фаолиятининг асосий кўрсаткичидир. Шу сабабли меҳнат паспортида ҳар бир киши қандай меҳнат қилаётганлиги, моддий неъматлар яратишда қандай иштирок этаётганлиги акс эттирилиши керак. Асалари ўз ҳиссасини қўшиб, асал тўплаш учун уяда меҳнат қилганидек, бизнинг совет кишиларимиз ҳам ҳар куни меҳнат қилишлари ва ижтимоий бойликлар хазинасига ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Бу ҳисса қанчалик кўп бўлса, жамиятимиз ҳаёти шунчалик бой ва гўзалроқ бўлади. Ҳар бир киши умумий ишга кўпроқ шахсий ҳисса қўшса, жамиятнинг ва ҳар бир алоҳида меҳнаткашнинг ҳаёти гўзалроқ бўлади, унинг обрўси шунча ошади. Аксинча, меҳнат қилмайдиган, умумий ишга ҳисса қўшмайдиган, балки фақат умумий қозондан олиш илинжида бўлган, социалистик жамият аъзоларининг меҳнати билан вужудга келтирилган неъматлардан фойдаланаётган ёки бугун олаётганидан камроқ ҳисса қўшаётган кишилар, — бундай кишилар на ҳурмат, на иззат қозона оладилар.

Сира меҳнат қилмаётган, ҳар хил қаллобликлар ҳисобига яшаётган, жамиятни товлаётган кишилар эса, — булар чинакам ўғрилар, халқ мулкини талон-торож қилувчилардир. Кимки ишламай, жамият ҳисобига яшаётган бўлса, бундай текинхўрни ишлашга мажбур қилиш керак. Эҳтимол, қандайдир алоҳида меҳнат шароитларини жорий қилиш ва бузилган кишиларни меҳнатга мажбуран жалб этиб, уларга меҳнат жараёнида тузалиб олишга ёрдам кўрсатиш керакдир.

Ўртоқлар! Металлурглар, кончилар меҳнат паспортлари жорий қилишни таклиф этдилар, коммунистик қурилиш учун, кишиларни тарбиялаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалани кўтардилар. Завод ва фабрикаларнинг ишчилари бу масалани ўз корхоналарида муҳокама қилиб, меҳнат дафтарчаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида таклифлар киритсалар, унинг формасини ишлаб чиқсалар ва бу дафтарчага нималарни ёзиш кераклигини белгиласалар, яхши бўлур эди. Бу масала жойларда муҳокама қилинганидан кейин ВЦСПС ҳамма таклифларни умумлаштириши керак. Шундан кейин меҳнат дафтарчаси лойиҳасини матбуотда эълон қилиш ва яна бир марта кенг кўламда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Қисқаси, коммунистик жамият коллективининг аъзоси бўлган меҳнаткаш киши меҳнат дафтарчасида кўриниб турмоғи учун ҳаракат қилиш, яхши ҳужжат яратиш керак.

Шу билан бирга меҳнат дафтарчасида ишламайдиган, балки, меҳнаткашлар ҳисобига текинхўрлик билан ҳаёт кечираётган кишилар ҳам кўриниб туради. Шунда партия майдонга ташлаган «Ишламаган тишламайди» шиори реалроқ бўлиб қолади. Биз ўзи ва жамият учун меҳнат қилиш зарурлигини англаган, ўз характерида меҳнат қилиш, халқ мулкини кўпайтириш эҳтиёжини ҳосил қилган кишиларнинг гўзаллигини янада равшанроқ кўрадиган бўламиз.

Ўшанда меҳнат қилмайдиган, лекин ижтимоий фойдали ишни фидокорона бажарувчи кишилардан яхшироқ яшашни истайдиган шахсларнинг бутун башараси софдил кишилар кўз ўнгида намоён бўлади.

(Охири еттинчи бетда).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1, 2, 3, 4, 5 ва 6- бетларда)

Социалистик жамият шароитида ҳар бир киши умумий ишга ўз меҳнати улушини қўшиши зарур. Жамоатчилик ҳар бир кишининг нима билан шуғулланаётганлигини, қандай маблағлар ҳисобига яшаётганлигини билишга ҳақлидир.

Сен меҳнат қилмас экансан, демак бошқалар ҳисобига яшаяпсан, жамиятни товлаяпсан. Бундай кишилар иложи бўлган ҳамма жойда ўғирлик қиладилар — оилани, ўз хотинларини товлайдилар, оталарини, уларни боқиб турган яқин кишиларини товлайдилар. Лекин гап бундагина эмас. Ҳаммангизга маълумки, текинхўр элементлар, ҳеч қаерда ишламайдиган ва меҳнаткаш халқ ҳисобига яшашга интилаётган шахслар энг кўп миқдорда турли жиноятлар қиладилар, кишиларни талайдилар ва ўлдирадилар. Бундай кишиларда ҳам паспорт бор. Юзаки қараганда, ҳамма иш жойида—тартибли кўринади. Биз нима учун бирор текинхўрни ўғирлик ёки қотиллик учун тутиб олишгунча, жиноят устида қўлга туширгунча кутиб ўтиришимиз керак!

Меҳнат қилмайдиган турли унсурларнинг жиноятkorона ҳаракатларининг олдини ўз вақтида олиш, иш жиноятгача бориб етгунча пойлаб турмаслик, баъзи кишиларнинг маишатбозликка берилиб кетишларига йўл қўймаслик керак. Бу ишга касаба союзларини, жамоатчиликни отлантириш, тўғри меҳнат йўлидан адашган кишиларни тўғри йўлга солиб юбориш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш лозим.

Мен четга чиқиб кетдим, лекин бу жамият манфаатларига тааллуқли катта темадир.

Ўртоқлар!

Биз химия корхоналари қурилишига алоҳида эътибор беришимиз, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажаришга куч-ғайрат сарфлашимиз керак. Бу хусусда биз батафсил гапирдик, ҳозир бизда равшан манзара ҳосил бўлган. Лекин химия саноати қурилишларини юқори сифатли ускуналар билан ўз вақтида таъминлашнинг аҳамиятини яна бир марта таъкидлаб ўтиш керак.

Бизда қурилаётган корхоналарда аппаратлар, приборлар, ускуналар етказиб бериш кечиктирилганлиги натижасида бир қанча жойларда ниҳоятда керакли химиявий маҳсулот ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилмаётир; сарфланган маблағлар бекор ётиб қолмоқда. Бундан давлат зарар кўрмоқда. Бундай ҳолатга энди чидаб туриш мумкин эмас. Химия ускуналари ишлаб чиқараётган машинасозлик корхоналари ишга тушириладиган қурилишларга машина ва аппаратлар етказиб беришнинг белгиланган планига мувофиқ графигини ишлаб чиқиши ва бу графикнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши лозим. СССР Халқ хўжалиги кенгаши, иқтисодий районларнинг халқ хўжалиги кенгашлари машинасозлик заводлари томонидан ускуналар етказиб берилиши устидан контроль ўрнатишлари ва бу заказларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беришлари керак.

Бу ишда маҳаллий партия ташкилотлари катта роль ўйнайдилар. Улар машинасозлик корхоналари ишини кун сайин кузатиб туришлари, халқ хўжалигига машиналар, аппаратлар ва бошқа техникаларнинг етказиб берилишида узилиш бўлишига йўл қўймасликлари лозим.

Ёғочни қайта ишлаш заводлари ва, биринчи навбатда целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари қурилиши ҳақида ҳам бир қанча мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Шуни айтишим керакки, планлаштирувчи органлар ва халқ хўжалиги кенгашлари саноатнинг бу тармоғи нақадар муҳим эканлигига етарли баҳо бермаётирлар. Бу корхоналар одатда сусткашлик билан қурилмоқда; целлюлоза-қоғоз корхоналари учун сотиб олинган замонавий ускуналарнинг бир неча комплекти ҳали ўрнатилгани йўқ. Давлат комитетининг раиси ўртоқ Орлов менга берган справкадан шу нарса кўриниб турибдики, агар биз ана шу ускуналар базасида заводларни тез қуриб олганимизда эди, ёғочни қайта ишлаш маҳсулотларини ғоят ошириб юборган бўлур эдик, бу маҳсулотларни экспорт қилиш ҳисобига ҳар йили 500 миллион доллардан кўпроқ фойда олиш мумкин бўлур эди.

Олтин қазиб чиқариш осонроқми ёки ёғочни қайта ишлаб, бундан олинадиган маҳсулотни сотиш, бундан чиққан пулга ускуналар, халқ истеъмоли товарлари сотиб олиш осонроқми, деган савол туғилади. Иккинчи йўл фойдалироқ, албатта.

Биз ҳозир экспорт учун кўпроқ саноат товарлари қидириб топишга куч-ғайрат сарфлашимиз керак. Бу эса бизга халқаро савдони кенгроқ ривожлантириш имконини беради. Шунда биз керакли ускуналарни кўпроқ сотиб оладиган бўламиз. Мамлакатимизда, жумладан целлюлоза ва ёғочдан олинган бошқа маҳсулотларни экспорт қилишни кўпайтириш учун жуда бой имкониятлар бор. Бизда дунёда энг катта ўрмон запаслари бор. Корд тайёрлаш учун ишлатиладиган целлюлоза ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда етилган ўрмонларнинг жуда катта массивлари — яхши сифатли қарағай, тилоғоч, арча дарахтлари шу ўрмонларда ўсиб ётибди. Кўпинча бундай яхши сифатли дарахтлар таг-томири билан қуриб қолмоқда, ҳаттоки чириб кетмоқда. Ёғочни, унинг чиқитларини ташиб олиш ва қайта ишлашни кескин равишда яхшилаш талаб қилинади, бу эса халқ бойлигини тўплашнинг муҳим манбаи бўлади. Госплан ва бошқа ташкилотлар саноат маҳсулотларининг бошқа турларини экспорт қилиш имкониятларини топишни ўйлаб кўришлари керак. Бу соҳада ҳам бизнинг имкониятларимиз жуда катта.

Мен иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, область партия комитетларининг бу ерда ўтирган секретарларига мурожаат қилиб, шуни айтаманки, сизлар бу ишга киришинглар, янги целлюлоза-қоғоз корхоналарини тезроқ қуриб битказиш ва ишга тушириш чораларини кўринглар. Бунинг учун кўп гапириш керак эмас, балки қатъий ҳаракат қилиш керак.

Менинг бу гапим СССР Госстройининг шу кенгашда қатнашаётган раиси ўртоқ Новиковга ҳам тааллуқлидир, Госстрой қурилишларга яқинроқ бўлиши, уларнинг эҳтиёжлари билан конкретроқ шуғулланиши, илғор тажрибаларни тўплаб ёйиши, капитал қурилиш планларининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлаши лозим. Лекин бу иш учун иттифоқчи республикалардаги Давлат қурилиш комитетлари ҳам жавоб бериши лозим. Улар республикалар территорияларидаги объектларни қуришда қолоқлик бўлишига йўл қўймасликлари, қурилишнинг белгиланган муддатлардан олдинроқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Капитал маблағлардан кўпроқ самара берадиган қилиб фойдаланиш, янги корхоналарни тезроқ ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш учун сарфлаётган пулларимиз эвазига кўпроқ маҳсулот олиш зарур. Бу ишда ҳам СССР Госстройи, шунингдек иттифоқчи республикалардаги қурилиш комитетлари етакчи роль ўйнашлари керак.

Марказий Комитет Президиуми сизларнинг эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлган, бизнинг амалий ишимизда асосий вазифалар қилиб қўймоқчи бўлган масалалар мана шу, ўртоқлар. Биз қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказиш вазифасини ҳал қилмоқдамиз. Бу —катта, қийин иш. Лекин бу ишни бажариш партиямизнинг, қишлоқ хўжалик кадрларимизнинг қўлидан келади. Колхозлар ва совхозларнинг жуда катта резервлари бор. Эндиликда бутун иш шу резервлардан моҳирона фойдаланишимизга, шу резервларни қишлоқ хўжалигига нақадар тез хизмат қилдира олишимизга боғлиқ. Иш методларини, хўжаликка раҳбарлик практикасини тубдан ўзгартириш керак. Ҳозирги вақтда одамларга туртки бериш учун ўтказиладиган умумий кенгашларнинг, умумий гап-сўзларнинг кераги йўқ. Одамларни тўплаш зарур бўлиб қолса, бу иш «умуман» кенгаш тариқасида ўтказилмаслиги керак. Бу ишни илғор меҳнат методларини ўрганишга бағишланган семинар тариқасида ўтказиш мумкин. Агар шундай семинар ўтказишга қарор қилинган экан, одамларни шаҳарга чақириб юрманг, уларни ўртоқ Светличний ишлаётган колхозга ўхшаш хўжаликларга тўпланг. Улар тажрибакор кишининг гапларини эшитибгина қолмасдан, шу билан бирга, у қандай ишлаётганини ҳам кўрсинлар, ундан конкрет ишни ўрганиб олсинлар. Бошқа экинларга: дон экинларига, пахта, картошкага нисбатан, чорвачиликка нисбатан, умуман чорвачиликка нисбатангина эмас, балки чорвачиликнинг айрим турларига: сут чорвачилигига, гўшт чорвачилигига, чўчқачиликка, паррандачиликка нисбатан ҳам шундай қилиш керак.

Илғор хўжаликлар негизида мактаблар очиш, одамларга энг прогрессив технологияни ўргатиш қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг энг муҳим шартлари ва талабларидан биридир. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш керак, кадрлар тайёрлаш системаси мана шундай ихтисослаштиришга мувофиқлаштирилиши лозим.

Олий ва ўрта қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг ўқув программаларини қайта кўриб чиқиш ва қайта қуриш керак. Шу билан бирга, ўқув юртларини ва илмий тадқиқот муассасаларини шаҳарлардан бевосита ишлаб чиқаришга кўчириб олиб боришни, яъни одамлар ўқиб ишлай оладиган, ишлаб ўқий оладиган бўлишлари учун уларни совхозларга кўчиришни жадаллаштириш керак. Мана шунинг ўзи пропаганданинг пассив формасидан актив формасига ўтиш бўлади. Бу актив форма ишлаб чиқаришни чуқур ўрганишни, одамларга ўргатишни, одамларнинг маҳсулот етиштиришнинг илғор методларига ўтишларига бутун чоралар билан ёрдам беришни тақозо қилади.

Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш йўлини амалга ошираётган ҳозирги вақтда, биз қишлоқ хўжалик мутахассисларининг масъулиятини оширишимиз, уларнинг ҳаммасини янгиликни жорий қилиш учун актив курашга тортишимиз жуда муҳим. Олий ва ўрта қишлоқ хўжалик ўқув юртларини тамомлаган бўлсалар ҳам, лекин ўз ихтисослари бўйича ишламаётган агрономларга, зоотехникларга, ветеринария врачларига, инженерларга ва бошқа мутахассисларга КПСС Марказий Комитети номидан мурожаат қилишни истар эдим. Сизлар, ўртоқлар, мардлик қилиб, ўзларингизнинг гражданлик бурчингизни ва халқ олдидаги масъулиятингизни ўйлаб кўринглар. Давлат, халқ сизларга олий ёки махсус ўрта маълумот бермоқ учун катта-катта маблағ сарфлади. Сизларга катта ишонч билдирилди. Бу ишончни оқланглар, колхозларга ва совхозларга бориб ишланглар, билимларингизни ишга татбиқ қилинглар. Шу тариқа сизлар қишлоқ хўжалигини тезроқ юксалтиришга, ишлаб чиқаришни тағин ҳам юксак илмий негизда ташкил этишга кўмаклашган бўласиз. Ана шунда сизлар виждон азобига тушмайсиз. Лекин мутахассис ўз бурчини бажаришдан бўйин товласа, у албатта виждон азобини тортади. Агар сизлар бу чақириққа қулоқ солмасангиз, партия ва халқ сизларсиз ҳам ўз ишини бажара беради. Аммо, ана шунда совет кишилари сизларга, долзарб пайтда юрагингиз дов бермади, қўрқоқлик қилдингиз, коммунизм қурилиши вазифаларини бажаришда халққа актив ёрдам кўрсатмадингиз, деб айтишади.

Янги, коммунистик жамият қуришда асосий нарса шуки, меҳнат унумдорлиги юксак даражада бўлиши керак. В. И. Ленин меҳнат унумдорлигини янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарса деб ҳисоблаган эди. Биз шу дамгача яратилган илмий ва техникавий имкониятлардан нечоғли яхши фойдалансак, вақтдан нечоғли самарали фойдалансак, халқ учун моддий неъматларни мўл-кўл қилиш вазифасини шу қадар тезроқ ҳал этамиз. Вақтни эндиликда кунлаб ҳисобламасдан, балки ҳар 9 минутда бир центнер қанд лавлаги, ҳар 8 минутда эса бир центнер маккажўхори етиштириб бераётган Светличний, Первицкий ва бошқа ўртоқлар сингари соатлаб, минутлаб ҳисоблаш керак.

Ҳали ҳам бизнинг раҳбарларимиз бу масала устида ҳамиша бош қотираётирлар, деб бўлмайди. Ваҳолонки, қимматли вақтни талон-торож қилишга қарши кураш олиб бориш пайти келди. Одамларни ишлаб чиқариш воситаларини қадрлайдиган, вақтни қадрлайдиган, ҳар бир меҳнаткашга мамлакат яратиб берган имкониятлардан тўғри фойдаланадиган қилиб тарбиялаш керак. Ана шунда биз коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш вазифасини муваффақиятли ҳал қиламиз.

Марказий Комитет партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларини бажариб, қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда адо қилишларига ишонади. **(Давомли қарсаклар).**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШ УЧУН КУРАШАЙЛИК

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг VII Пленумидан

Илгари газетамизда хабар қилинганидек, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** «КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан қишлоқ область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Областимизнинг барча меҳнаткашлари, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини ғоят кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар, улар бу қарор партиямизнинг коммунистик жамиятни ривожлантириш ва қуриш программасини амалга ошириш, халқ моддий фаровонлигини янада юксалтириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидир деб айтмоқдалар. Пленум қарори областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг кучига куч ва ғайратига янги ғайрат қўшди, уларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириб юборди, етти йилликнинг олтинчи йили план ва топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа ҳамма ерда кенг авж олиб кетди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XI пленуми республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини бажариш юзасидан амалга ошириладиган вазифаларини белгилаб берди.

Ўтган йили областимиз меҳнаткашлари пахта етиштиришни кўпайтириш йўлида озмунча меҳнат қилмадилар. Уларнинг фидокорона меҳнати муваффақиятли якунланди. Колхозлар ва совхозлар она-Ватан хазинасига 320,8 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Пахтанинг ҳосилдорлиги бир йил ичида 3 центнерга кўпайди ва область бўйича ҳар гектар ердан ўртача 23 центнердан ҳосил олинди.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари айниқса самарали меҳнат қилдилар, бу бошқармада пахта тайёрлаш плани 120 процент бажарилди ва пландан ташқари давлатга 10 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Бошқармада бир йил ичида гектаридан олинадиган ҳосил 24 центнерга етди, бошқача қилиб айтганда ҳосилдорлик 9 центнерга кўпайди.

Пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишида қолоқ бригадаларга ишга ўтган Турсуной Охунова ва Валентин Тюпколарнинг ватанпарварлик ташаббуслари катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаммамизга маълумки, уларнинг ташаббуси КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Областимизнинг юзлаб новаторлари Турсуной Охунова ва Тюпко изидан бориб, уларнинг чақириғига лаббай деб жавоб бердилар, улар бир йил ичида пахта етиштиришни 22 минг тоннага кўпайтирдилар.

Агарда барча хўжаликлар ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари бир хилда ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилиб пахта етиштириш топшириқларини бажаришнинг уддасидан чиққанларида эди бизнинг муваффақиятларимиз янада улкан ва янада катта бўларди.

1963 йилда Янгийўл ва Бекобод бошқармалари давлатдан катта қарздор бўлиб қолдилар. Улар 9 минг тоннадан ортиқ пахтани давлатга кам етказиб бердилар.

Ҳозир энг муҳими шундаки, ҳар бир раҳбар 1963 йилдаги ишларимиз янунидан ўзига танқидий хулоса чиқариб, 1964 йилда барча хўжаликлар, барча бригадалар, звенолар пахта тайёрлаш бўйича планни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятни тўла бажаришни таъминлашлари лозим.

Партия ва ҳукумат томонидан кўрсатилаётган катта моддий техника ёрдами туфайли областимизда янги бўз ерларни ўзлаштириш бўйича ҳар йили йирик ишлар амалга оширилмоқда.

Деҳқончилик маданиятини ошириш асосида суғориладиган ерлардан маҳсулот етиштириш кўпайди. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг «Полярная звезда», «Северний маяк», Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг «Политотдел», «Правда», Свердлов номли, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг Дмитров номли колхозлари ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юқори ҳосил олиб келмоқдалар. 1963 йилда бу хўжаликлар суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 1150 дан 2600 сўмгача даромад олдилар.

Бироқ бизда суғориладиган ерлардан фойдаланишда жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда. Баъзан биз суғориладиган ерлардан олиш мумкин бўлганидан камроқ маҳсулот олмоқдамиз.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленумида областимиз 1963 йилда эскидан суғориб келинаётган 2,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолганлиги учун тўғри танқид қилинди. Шу жумладан Бўка ишлаб чиқариш бошқармасида 1023 гектар, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда эса 461 гектар ер ишлов оборотидан қолган.

Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапирар эканмиз. Жамоат ерларини талон-тарож қилиш сингари жиноятлар ҳақида ғазабланиб гапирмасдан ўтолмаймиз. Ўтган йили ерларни ўлчаб кўрдик. Маълум бўлишича область бўйича 4 минг гектардан ортиқ ер айрим шахслар томонидан қонунсиз равишда шахсий томорқалар сифатида фойдаланиб келинган.

Бўкадаги Калинин номли колхозда суғориладиган жамоат ерларидан томорқа сифатида нормадагидан 153 гектар кўп ер бериб юборилган. Бу колхоздаги пахта экиладиган умумий майдоннинг 15 процентга яқинини ташкил этади. Колхозда пахта тайёрлаш планининг бажарилмаганлигига асосий сабаблардан бири шу эканлиги маълум.

Шунингдек Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг «Ленинобод» колхозида (колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиев) жамоат еридан шахсий экин экиш учун 44 гектар, «Коммунизм» колхозида эса 64 гектар ер қонунсиз берилган.

Жамоат ерининг ҳар бир гектари, ҳар бир квадрат метрини тежашимиз керак. Меҳнаткашлар депутатлари район советлари ижроия комитетлари ва қишлоқ советлари, бутун жамоатчилик жамоат ерларидан фойдаланишни мунтазам назорат қилиб туриши, ерларни талон-тарож қилиш ҳолларига қарши қатъий кураш олиб бориши лозим.

Экин-майдонларининг ҳисобга олишда тартиб ўрнатар эканмиз, масаланинг муҳим бир томонига эътибор бериш керак. Агрономлар, колхоз ва совхозларнинг тажрибали раҳбарлари, бригада бошлиқлари, звено бошлиқлари, бригада ва колхозларда экин экиладиган майдонлар ҳисоб-китоби, план—картография материаллари орасида катта фарқлар борлигини яхши биладилар. Тўла ҳосил берадиган майдонлар план ва карталарда кўрсатилганидан анча кам бўлади.

Карталарнинг чеккаларига экилган дарахтларнинг сояси, шунингдек вақтинча суғориш тармоқлари кўпгина экин майдонини ташкил қилади.

Ҳаммага маълумки, вақтинча суғориш шохобчалари ва дарахтзорларнинг сояси тушадиган участкаларда хўжаликлар амалда ҳосил олмайдилар. Ер тузувчи инженерлар амал қиладиган кўрсатмага мувофиқ бундай майдонлар пахта етиштириладиган ерлар ҳисобига киритилади.

Шунинг натижасида хўжаликларнинг раҳбарлари баъзан боши берк кўчага кириб қоладилар Агарда ўз-ўзидан ҳисобдан чиқиб қоладиган майдонлардаги ҳосил ўрнини қоплаш учун бошқа бирор участкага пахта экмасалар, у ҳолда пахта тайёрлаш плани барбод бўлади. Бунинг учун улар жавобгардирлар. Агар улар инструкцияга риоя қилмай, умумий карталардан йўқотилган ерлар ҳисобига қўшимча ер топиб пахта эксалар уларни кўзбўямачиликда яъни пландан ортиқ ҳисобсиз майдонга пахта экилган деб айблайдилар.

Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, марказий статистика бошқармаси экин майдонларини ҳисобга олиш бўйича эскириб қолган инструкцияни ўзгартиришлари ва зарур тузатиш киритишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг муҳим масалаларидан бири юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ирригацияни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Областимизда бу соҳада кўпгина ишлар қилинди. Тошкент каналининг сув ўтказиш қобилияти секундига 52 кубометрдан 80 кубометргача кенгайтирилди. Моргуненков номли канал кенгайтирилиб реконструкция қилинди. Йирик магистрал канал — Қорасувнинг чап қирғоғида қисман реконструкция қилиш ишлари ўтказилди. Рамадан канали қайта қурилди.

Яқин йиллар ичида сув хўжалиги қурилиши, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш яна ҳам кенг равишда олиб борилади.

Чорвоқ ва Тошкент сув омборлари базасида 1970 йилга бориб 40 минг гектардан ортиқроқ кўрик ер ўзлаштирилади.

Бу йил сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари Тошкент сув омборидан чиқадиган чап канални қуришга киришдилар. Бу канал Бўка районидаги «Кўкорол» совхозида 16,2 минг гектар баҳорикор ерларни ўзлаштириш имконини беради. Шу билан бир қаторда Тошкент сув омборининг қурилиш—монтаж бошқармаси Тошкент каналининг иккинчи навбатини реконструкция қилиш ишларини бошлаб юборди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича биз ҳали жуда катта ишларни амалга оширишимиз айниқса, Бекобод, Янгийўл районларида бу соҳада кўп иш қилмоғимиз лозим.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларида деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаштириш учун қишлоқ хўжалигини химиялаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Бизнинг вазифамиз пахта, каноп, сабзавот, ғалла ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда давлат томонидан бериладиган минерал ўғитлардан ишнинг кўзини билиб ва унумли фойдаланишдан иборатдир.

Илмий-текшириш муассасалари ва илғор хўжаликларнинг тажрибаси шу нарсани исботладики, нормал шароитда бир гектар ерга солинган бир центнер соф азот ҳисобига қўшимча равишда кам деганда 8—10 центнердан пахта, 15—20 центнердан дон олиш ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кескин кўпайтириш мумкин.

Кўпгина колхозлар ва совхозлар ерга солинадиган ўғит ҳисобига ҳосилдорликни оширишни таъминлай олмаётирлар. Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли, Ленин номли колхозларнинг тупроқ-иқлим шароити бир хил. Ҳар икки колхозда ўтган йили гектарига деярли бир хил миқдорда минерал ўғит ишлатилган. Бироқ олинган ҳосилнинг ўртасида эса осмон билан ерча фарқ бор. Охунбобоев номли колхозда ҳар бир килограмм азот ҳисобига 24 килограммдан, Ленин номли колхозда эса икки баравар кам, яъни 12 килограммдан пахта олинди.

Ҳамма иллат шундаки, Ленин номли колхозда ўғитни ташиб келтириш, машиналарга юклаш, сақлаш ва ундан фойдаланишда қатор камчиликларга йўл қўйилди. Озиқлантириш иши агротехниканинг бошқа тадбирлари билан боғлаб, сифатли ўтказилмайди.

Ленин номли колхозда ҳар гектар ердан 14,7 центнердан ҳосил олинди. Бунинг маъноси шуки, колхозда минерал ўғит ишлатилгани билан амалда ундан ҳеч қандай наф кўрилмади. Ваҳоланки, ўғитни сотиб олиш ва озиқлантириш ишлари учун 60 минг сўм харажат қилинди. Лекин оқибатда бу пуллар кўкка совурилди.

СоюзНИХИ маълумотларидан шу нарса аниқландики, йиллик нормадаги азот ўғитининг 20—25 проценти, фосфорнинг 60—70 проценти ва калий ўғитининг 50 проценти шудгорлаш олдидан ерга чуқур қилиб солинган тақдирда унинг ғўзага фойдаси катта бўлади. Сарфланган ўғит ҳисобига олинадиган қўшимча ҳосил юқори бўлади. Қолган ўғитни эса ғўза парвариши даврида солиш яхши натижа беради.

Бизнинг областимизда 1964 йил ҳосили учун ажратилган майдонларнинг атиги 50 процентигина шудгорлаш олдидан ўғитланган. Қолган майдонлар ўғитланмай қолди.

Демак шундай экан, қайси хўжаликда шудгорлаш олдидан ер ўғитланмаган бўлса, бундай майдонларни экиш олдидан ўғитлаш зарур.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, чигит экиш вақтида ерга бирйўла азот ва фосфор ўғити солиб кетиш яхши натижа беради. 1-«Оққўрғон» совхозининг 1-бўлимида амалга оширилган тадбир бунга мисол бўла олади. Ҳозир ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар «Узсельхозтехника» ходимлари билан биргаликда майдонларни аниқлаб чиқишлари ва бу майдонларга чигит экиш вақтида бирйўла ўғит солиб кетилишини ҳам таъминлашлари керак.

Минерал ўғитдан унумли фойдаланишнинг яна бир йўли компост тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам компост тайёрлашга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Пахтачиликни интенсивлаштиришда микроэлементлар: марганец, мис, бор, молибдин ва бошқа химиявий воситаларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Унчалик кўп бўлмаган миқдорда микроэлементдан фойдаланиш ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 3 центнердан 5 центнергача кўпайишига ёрдам беради, ҳамда чигитдаги мой миқдорини оширади ва ўсимликнинг ривожланишини тезлаштиради. Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм», Свердлов номли колхозларда 1961—1963 йилларда уруғлик чигитни экишдан олдин марганец тузи билан пуркаш тажриба қилиб кўрилди. Ана шунинг ҳисобига бу хўжаликлар ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 3 ва ундан ҳам кўп центнердан оширишга эришдилар.

Уруғлик чигитни марганец тузи эритмаси билан дорилаш жуда оддий ва тежамлидир. Бир килограмм техник марганецнинг баҳоси 50—70 тийин туради. У 600—1000 килограмм уруғликни дорилашга етади. Ана шу усул билан олинган пахтанинг қиймати эса 1000—1100 сўмни ташкил этади.

Ғўзани тез ва соғлом ривожлантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлар билан бир қаторда НРВ (ўсимлик ўстирувчи нефть моддаси) деб аталувчи химия маҳсулидан фойдаланиш ҳам мўл ҳосил тўплашда катта аҳамиятга эгадир.

Комплекс механизациясиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигини кўплаб миқдорда янги техника билан таъминланиши меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини беради. Шуни айтиш кифояки, агар 1959 йилда ҳар бир ишчи ҳисобига деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш 70 центнерни ташкил этган бўлса, 1963 йилда 148 центнерга етди. Шундай қилиб кейинги йилларда меҳнат унумдорлиги 2 баравардан кўпроққа ошди.

1963 йилда биз далачилик ва айниқса пахтачиликдаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш соҳасида маълум ютуқларни қўлга киритдик. 143 минг гектар майдоннинг 120 минг гектардаги ғўза узунасига ва кўндалангига ишланди. Квадрат-уялаб чигит экиш ҳам кўпайди, уяларга аниқ миқдорда уруғ ташлаб экадиган сеялкалардан кенг фойдаланилди. Область колхозлари ва совхозлари ялпи ҳосилнинг 28 процентини машиналар билан териб олдилар ва деярлик барча ҳосил қоп-қанорсиз ташилди.

Бироқ ҳали ҳам айрим хўжаликлар ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашнинг аҳамиятига тўла тушуниб етганларича йўқ. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленумида Бекобод ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармалари машина терими топшириғини бажармаганликлари жуда тўғри танқид қилинди.

Областда бу йил кам деганда 80 минг гектар майдонга квадрат-уялаб, шу жумладан 30 минг гектар ерга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экиш белгиланди. Шунингдек биз 110 минг гектар майдондаги ғўзани икки томонлама ишлашимиз ва ялпи ҳосилнинг 40 процентини машиналар билан териб олишимиз лозим.

Баъзи ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу йил ҳам ҳалигача экиш агрегатлари экипажлари аъзоларини ўқитишга киришганлари йўқ.

Биз экиш агрегатлари экипажлари аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини қайта кўриб чиқишимиз лозим, уларга квадратларнинг қанчалик аниқ чиқишини таъминлаганликлари, шунингдек кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаганликларига қараб ҳақ тўлашни йўлга қўйиш керак.

Экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишда техникани ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб қўйишнинг аҳамияти каттадир. Бироқ бизда ҳали ҳам ҳосилдорликни оширишнинг бу муҳим факторининг аҳамиятини пастга ураётганлар бор. Ҳозирга қадар бирорта бошқармада ҳам техника ремонти тугалланмаган. 147 хўжалик текширишдан ўтказилганда, шу нарса аниқландики, 52 колхоз ва совхозда техникани сақлашга совуққонлик билан ва жиноятkorона муносабатда бўлиш фактлари аниқланди. Бекобод бошқармасидаги «Победа» колхози, 2- ва 3-«Далварзин» совхозлари, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» совхози, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «XXI партсъезд» ва «Бўзсув» совхозлари, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги 2-«Оҳангарон» ва Киров номли совхозлар ва бошқа кўпгина хўжаликлардаги аҳвол бунга ёрқин мисол бўлаолади.

«Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси ва унинг район бўлимлари раҳбарлари инженер-техник ходимлардан иборат катта аппаратга эга бўлишига қарамай, колхоз ва совхозларга техникани тўғри сақлаш ва қишлоқ хўжалик машиналарига қаровни яхши йўлга қўйишни ташкил этишда, техникага хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланмаётирлар.

Пахта ва бошқа экинларни етиштиришда прогрессив усулларни кенг қўллаш, комплекс механизацияни кенг жорий қилишда хўжалик ҳисобида ишлайдиган механизациялаштирилган бригада ва звеноларни ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Комплекс механизациялаштирилган бригада ва звеноларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда бу йўл меҳнат унумдорлигини ошириш, техникадан тўла ва унумли фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтиришнинг бирдан-бир ва тўғри йўлидир.

Февраль пленуми мамлакат пахтакор районларининг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олдига пахта етиштириш планини бажаришни таъминлаш билан бирга бошқа техника ва озиқ-овқат экинлар — дон, сабзавот, полиз, шунингдек мева ва узум етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳам қўйди.

Тошкент области хўжаликлари мамлакат луб экинлари ялпи ҳосилининг 90 процентини етиштириб бермоқда. Лубкорларимиз ўтган йили рекорд ҳосил олдилар. Давлатга 272 минг тонна каноп пояси сотилди. Область бўйича ҳосилдорлик ўртача гектарига 141 центнерни ташкил этди. Бироқ ана шу муҳим техника экини етиштиришни кўпайтириш бўйича ҳали ҳам ресурс ва имкониятларимиздан тўла фойдаланилмаяпти. Қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтарсак, қўшимча равишда яна 40—50 минг тонна каноп пояси олиш мумкин.

Партиямиз дон етиштиришга катта аҳамият бераётир.

Ўтган йили областимизда дон экиш сезиларли даражада кенгайди, етиштирилган доннинг ялпи ҳосили 42 минг тоннага кўпайди, бошоқли дон, маккажўхори, шоли ва нўхатнинг ҳосилдорлиги анча ўсди. Давлатга дон сотиш плани 134,5 процент бажарилди, 1962 йилдагига қараганда деярли икки мартадан зиёд кўп сотилди. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, биз дон етиштиришни кўпайтириш учун ҳали ҳам барча резервларни ишга сололганимиз йўқ.

1964 йилда ғалла экиладиган майдонларни 152 минг гектарга етказиш мўлжалланди.

Биз баҳорикор ерларнинг ҳар гектаридан 11—12 центнердан кам бўлмаган бошоқли дон, камида 33 центнердан шоли, 50,5 центнердан маккажўхори ва оқ жўхори дони олиш учун курашишимиз лозим.

Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон етиштириш учун кураш бошлаган 58 юз центнерчи комсомол ва ёшларимизнинг ватанпарварлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак.

Бизнинг ҳозирги амалий ишимиз 1964 йилда дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятимиз талабларига ҳали жавоб беролмайди. Шу кунгача баҳорги бошоқли дон ва нўхат экиш кенгайтириб юборилгани йўқ. 5 мартга қадар ҳаммаси бўлиб 11260 гектар баҳорги дон экилди, холос.

Эртаги дон, буғдой, арпа, нўхат экишни тезроқ туғаллаш ва маккажўхори ҳамда шоли экишга зарур тайёргарлик кўриш керак.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари зиммасида шаҳар ва саноат марказларини сабзавот, картошка, мева, қовун-тарвуз, узум билан таъминлашдек масъулиятли вазифа турипти.

Партия ва ҳукуматимизнинг сабзавоткор хўжаликларга кўрсатаётган моддий-техника ёрдами туфайли 1962—1963 йиллар мобайнида сабзавот ва картошка етиштириш сезиларли даражада ўсди, ўтган йили давлатга бу хилдаги маҳсулот сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият муваффақиятли адо этилди.

Бироқ умуман олганда шаҳар аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари ҳали тўла қондирилаётгани йўқ.

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ва бошқармалари ҳар бир хўжаликда сабзавот экинлари, мева ва узум етиштириш соҳасидаги аҳволни ўрганиб чиқишлари лозим, шу билан бирга бу йил ҳар бир колхоз ва совхозда ана шу хилдаги маҳсулот етиштириш планининг бажарилишини таъминлайдиган чора тадбирлар белгилашлари керак.

Сабзавотчиликни интенсивлаш учун биз сабзавот ва картошка экишни ва йиғиштириб олишни кенг механизациялаштиришимиз зарур.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорига мувофиқ эртаги сабзавот етиштиришда очиқ, ёпиқ ҳолда ва тиниқ плёнка материалларидан фойдаланиладиган гидропоника усулини қўллашни ташкил этиш керак.

Сўнгги йиллар ичида областимиз хўжаликларида янги боғлар ва узумзорлар барпо этиш соҳасида катта ишлар қилинди. 1963 йилда 35,1 минг гектар боғ, 10 минг гектарга яқин узумзорга эга бўлдик. Бироқ мева ва узумдан мўл ҳосил ололмадик, боғларимиз ҳозир гектаридан атиги 38 центнер, узумзорлар эса 50 центнердан ҳосил бермоқда.

Боғлар ва узумзорлар парваришини яхшилаш ҳисобига биз ҳосилдорликни максимал оширишимиз ҳамда аҳолини юқори сифатли мева ва узум билан етарли миқдорда таъминлашимиз лозим.

1963 йилда область колхоз ва совхозлари йирик шохли қорамоллар туёғини ва паррандаларни кўпайтириш бўйича 1962 йилдагига нисбатан маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Бироқ колхоз ва совхозлар барча имкониятлар бўлишига қарамасдан, моллар туёғини кўпайтириш планини, йирик шохли қорамоллар умумий туёғини ҳисобга олмаганда, бажармадилар. Айниқса Бўка, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда моллар туёғини кўпайтириш соҳасидаги ишлар қониқарсиздир.

Айрим партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари жойларда молларнинг кўплаб нобуд бўлишидек ҳолларга бефарқ муносабатда бўлиб, унинг олдини олиш учун етарли чора кўрмаётирлар.

(Давоми саккизинчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШ УЧУН КУРАШАЙЛИК

(Боши еттинчи бетда).

Чорва маҳсулотлари етиштиришнинг асоси ҳисобланган моллар туёғини кўпайтириш қониқарсиз олиб борилмоқда. Масалан, Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида ҳар юз сигирдан 32 тадан бузоқ, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг Ленин номли колхозида ҳар юз она қўйдан 35 тадан қўзи, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида эса 46 тадан бузоқ ва 400 тадан чўчқа боласи олинди, холос.

Илғорлар эса яхши самараларга эришаяптилар.

1-«Далварзин» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Охунов 1963 йилда ҳар юз бош сигирдан 95 тадан бузоқ, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номли колхоз чўпони ўртоқ Жумабоев ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози чўпони ўртоқ Бакир Хўжаев 117 тадан қўзи, «Бўка» совхозининг чўчқабоқари ўртоқ Бабундина ҳар бир она чўчқадан 40 тадан бола олдилар.

Биз чорвачиликда молларни боқишнинг илғор усулларини кенг жорий этишимиз лозим. Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхозида чўчқаларни витамин ва озуқалар, беда уни, микроэлимент ва антибиотиклар билан бойитилган комбикорм билан боқилмоқда. Шундай қилинганда ҳар бир чўчқа 6,5 ойлигида 100 килограмм вазнга эга бўлди. Ҳар бир килограмм семиртиришга эса 4 озуқа бирлиги сарфланди.

Бу йил ҳам ўтган йилдагидек биз сут тайёрлашда орқада қолмоқдамиз. 1963 йилда ҳар бир сигирдан ўртача сут соғиб олиш 1.560 килограммни ташкил этди. Бу область бўйича ўртача кўрсаткичдир, бироқ Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхозда ҳар бир сигирдан ўртача 410 килограмм, Бўка бошқармасидаги Охунбобоев номли колхозда 406 килограммдан сут соғиб олинди. Бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди.

Областимизда ажойиб машъаллар бор. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари бу машъаллардан ўрнак олсалар яхши бўлар эди.

1963 йилда «Чиноз» совхози ҳар бир соғин сигирдан 3.586 килограммдан сут соғиб олди, қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 1613 центнер сут етиштирилди. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида ҳар бир соғин сигирдан 3.349 килограммдан сут соғиб олинди, ҳар юз гектар ер ҳисобига 566 центнердан сут етиштирилди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислар сутнинг мойини оширишга алоҳида эътибор беришлари керак. 1963 йилда область колхоз ва совхозлари давлатга кам мойли сут топширганликлари сабабли 1.614 тонна сут ёки 177,5 минг сўмлик зиён кўрдилар.

Область колхоз ва совхозларида чорвачилик маҳсулотлари бирлигига сарфланаётган харажатлар ва уларнинг таннархи ҳамон юқори. Бунинг асосий сабаби чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини комплекс механизациялаш суст олиб борилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатдики, асбоб-ускуналардан ва сут соғиш установкаларидан тўғри фойдаланиш туфайли чорвачилик маҳсулотларининг сарф-харажатлари ва таннархини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Яқин кунлар ичида барча сут соғиш установкаларидан фойдаланишга киришиш, янгиларини ўрнатишни жадаллаштириш, шунингдек чорвачиликни комплекс механизациялаштириш учун машиналар ўрнатиш тадбирларини белгилаш керак.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз ем-хашак етиштиришнинг энг тўғри йўлини топди. Бу колхозда ихтисослаштирилган чорвачилик бригадаси ташкил этилди, унинг зиммасига чорва учун ем-хашак жамғариш билан бирга чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам юклатилган. Бундай бригадаларни ҳамма ерда ташкил этиш керак.

Чорвани ем-хашак билан таъминлаш ишини яхшилашда ем-хашакка химия маҳсулотларидан қўшиб чорва молларига едириш катта аҳамиятга эгадир.

Яқин вақтлар ичида ишлаб чиқаришда карбамидни жорий қилиш, ачитқилар тайёрлашни ташкил этиш, сунъий сут тайёрлаш ва гидропон усулида кўк ем-хашак етиштиришни йўлга қўйиш вазифаси туради.

Бу йил область пиллачилари олдида пилла етиштиришни кўпайтириш ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб давлатга 1200 тонна пилла сотиш вазифаси турибди.

Бу вазифани бажариш учун ҳозир ҳамма ерда пилла қурти уруғини очириш учун инкубация хоналари ва қурт боқиладиган хоналарни тайёрлашга актив киришиш керак. Бу ишни ҳамма ерда 20 мартдан кечиктирмасдан туғаллаш лозим.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш вазифаси биздан колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш ишига жуда катта аҳамият бериш, моддий манфаатдорликни оширишни талаб этади.

Область колхозлари ва совхозларида айниқса пахтачилик соҳасида кейинги йилларда комплекс механизациялаштирилган бригада ва звенолар сафи кенгайди. Тажрибада бундай бригадалар далачилик бригадаларига қараганда ҳар томонлама устун эканлиги синаб кўрилди.

Биринчи ва иккинчи «Оққўрғон», «Пискент», «Чаноқ», «Бўка» совхозлари ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ҳамза номли, «Ленинизм» колхозларида ана шундай звенолар кўплаб ташкил қилинди. Натижада қишлоқ хўжалик ишларининг анчагина қисмини механизациялаштирилиб, оз меҳнат сарфланиб кўп маҳсулот олинди.

Ўтган йили ва ундан аввалги йили бир қатор хўжаликларда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш тартиби жорий қилинди.

Меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлашнинг афзаллиги шундаки, бу усул бухгалтерия ҳисоб-китобларини соддалаштиради, ҳар хил турдаги суйиистеъмол қилиш ва ортиқча ёзиб кўрсатишларга чек қўяди, идора бошқарув аппаратини қисқартириш ва айниқса дала ишларининг сифатли бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тракторчи марказий фигура ҳисобланади. У даланинг ҳақиқий хўжайини бўлиши керак. Тракторчи бошлиқ механизациялашган звенолар ташкил этиш бу вазифани бажаришни таъминлайди.

Ўтган йили колхоз ва совхозлардаги барча бригадалар ўз хўжаликларида ички хўжалик ҳисобини ва пландан ташқари олинган маҳсулот ҳисобига қўшимча ҳақ тўлаш тартибини қўлладилар. Бу пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шу билан бир вақтда колхозчилар, совхоз ишчиларининг даромадини оширишда шубҳасиз катта роль ўйнади.

Областнинг кўпгина сабзавоткор хўжаликларида кейинги йилларда пландан ташқари олинган маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўлаш принципига қатъий амал қилиб келинмоқда. Айрим маҳсулотларни меҳнатга натура билан ҳақ тўлаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга текшириш натижасида аниқландики бир қатор колхоз ва совхозларда ички хўжалик ҳисобини жорий қилишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда, маблағ сарфлаш устидан кундалик контроль ўрнатилмаган, ҳақ тўлашда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ғўзага ва бошқа экинларга парвариш қилиш бўйича агротехника тадбирларининг у ёки бу хилининг муҳимлиги ва мураккаблигига қараб йил мобайнида ишлаб чиқариш нормаси ва ҳақ тўлашни ажратиб бориш керак. Бунда масалан, биринчи суғориш кейингиларига нисбатан мураккаб масъулиятлироқ эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Худди шу нарсани биринчи культивация ёки биринчи юмшатиш тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Экономистларимиз ва хўжаликларнинг раҳбарларига ана шу масъулиятли операцияларда ишни кўп ва сифатли қилиб бажарганларни рағбатлантирувчи тадбирларни ўйлаб кўришларига вақт келиб етди.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидаги нутқида фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш қишлоқ хўжалигини интенсивлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Тошкент областида бу соҳада катта имкониятлар бор. Чунки деярли барча илмий-текшириш институтлари, кўпгина экспериментал базалар, тажриба станциялари областимиз территориясида жойлашган.

Илмий-текшириш институтлари ва қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг олимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ғоят муҳим проблемалари устида самарали иш олиб бормоқдалар. Улар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий қилишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга олимларимизга жиддий эътирозлар билдиришга ҳақлимиз. Улар бевосита моддий бойлик ишлаб чиқараётган қишлоқ меҳнаткашлари билан қўлни-қўлга бериб иш кўрганларида эди, кўпроқ натижаларни қўлга киритишлари, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий қилишлари мумкин эди.

Партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз навбатларида илмий-текшириш институтлари билан яқиндан алоқада бўлишлари, лабораторияларга, институтларнинг экспериментал базаларига тез-тез бориб туришлари ҳамда ҳар бир янгилик, фойдали нарсани ишлаб чиқаришга тез жорий этишлари лозим.

Областимиз ҳақли суратда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши машъалларининг ватани ҳисобланади. Областимизда В. Тюпко, Турсуной Охунова каби машҳур механизатор пахтакорлар, донгдор жўхорикорлар Люба Ли, Роза Отабоева, таниқли чорвадорлар Роза Квон, Анастасия Чудная, Озода Мирзаахмедова ва уларнинг издошлари самарали меҳнат қилишмоқда. Бизда қишлоқ хўжалигини интенсив бошқаришнинг ажойиб намунасини кўрсатаётган бутун бир колхоз ва совхозлар бор.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари ана шундай ажойиб кишилар ҳузурида тез-тез бўлиб туришлари, бу илғорларнинг иш усулларини чуқур ўрганишлари, уларнинг тажрибаларини кенг пропаганда қилишлари ва жорий этишлари зарур.

Биз бундан кейин ҳам кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини диққат-эътиборимизда сақлашимиз керак. Раҳбар ходимларни пухта танлаш, кадрларни тарбиялаш ва уларни ўқитиш ишларини бир-бирига боғлаб олиб борилиши лозим.

Обком ходимлари, партия комитетлари ва бошқармалар хўжалик, бригада ва фермаларнинг раҳбарларига ҳам моддий, ҳам ташкилий томондан вақтида ёрдам бермоғимиз, янглишган пайтда эса уларни тузатишимиз керак.

1964 йилда олдимизда улкан ва мураккаб вазифалар турибди. Область колхоз ва совхозлари давлатга 315 минг тонна пахта, 250 минг тонна луб экинлари, икки баравар кўп дон, 435 минг тонна картошка сабзавот ва полиз экинлари, 79,3 минг тонна мева ва узум, 30,5 минг тонна гўшт, 141 минг тонна сут, 94,2 миллион дона тухум, 1220 тонна жун, 1200 тонна пилла етиштирмоғимиз керак.

Умумий ҳисобда олганда биз 1.500 минг тонна деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришимиз, шулардан бир миллион тонна давлатга сотишимиз керак.

Об-ҳаво ноқулай келмоқда. Бутун март ойи давомида, апрелнинг биринчи ярмида кутилганидан кўпроқ ёғингарчилик бўлади. Бундай шароитда биз қулай келган ҳар бир кундан, ҳатто ҳар бир соатдан ҳам қишлоқ хўжалик ишлари учун фойдаланишимиз зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш қуруқ ваъдаларни ёқтирмайди. конкрет жонли ташкилотчилик ишларини талаб этади. Ишлаб чиқаришда, дала ва фермаларда аниқ ташкилотчилик ишлари олиб бориш лозим.

Дала меҳнаткашлари тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, уларга барча зарур маданий-маиший шароитларни яратиб беришимиз, болалар муассасалари ишини йўлга қўйиб, эски дала шийпонларини тартибга келтириш ва янгиларини қуришимиз, колхозчилар ва совхоз ишчиларнинг умумий овқатланишини ташкил этишимиз зарур.

Умум ишимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бизнинг куч-қувватимизга, қай даражада ишлай олишимизга боғлиқдир, Бу йил республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги нишонланади. Бу — бутун республика меҳнаткашларининг катта байрамидир. Бу байрамни муносиб кутиб олиш областимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг ватанпарварлик бурчидир.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда биринчи бўлиб Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ **Т. Ражабов** сўзга чиқади.

— Бошқармамиз меҳнаткашлари, — деди нотиқ, — КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини изчиллик билан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ернинг қадрига етган деҳқонларимиз уни озиқлантириб ҳосилдорликни кескин равишда оширишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги йилларда бошқармамизда ўнлаб новаторлар етишиб чиқди. Улар ҳар бир гектар ердан юқори ҳосил етиштириш билан бир қаторда, қолоқ бригада ва участкаларга яқиндан ёрдам бериб самарали иш қилмоқдалар. Ўтган йили биз 61 минг тоннадан зиёдроқ пахта етиштириб планимизни ортиғи билан бажардик. Ҳосилдорлик бир йилда гектар бошига 4,5 центнердан ошди.

Қўлга киритган ютуқларимизнинг сири шу бўлдики, биз ўтган йили, айниқса, минерал ўғитлардан фойдаланишда анчагина ишлар қилдик. Кўпгина хўжаликларимизда ҳар бир килограмм ўғит ернинг талабига қараб солинди. Айниқса ерни ҳайдашдан олдин кўп ўғит солдик. Бу соҳада «Бўка» совхозининг пахтакорлари жуда яхши иш қилдилар. Улар маданий ўғит ва маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиб, ғўза парваришини намунали ўтказдилар. Натижада совхоз ҳар гектар ердан белгиланганига нисбатан анча кўп миқдорда ҳосил олди. Шунингдек, «Пискент» совхозида, Ҳамза номли, Ильич номли, Жамбул номли колхозларда ҳар бир центнер пахта етиштириш учун 6 килограммдан ўғит сарфланди. Лекин ҳамма ерда ҳам иш ана шундай бўлмади. Ленин номли, Калинин номли, Карл Маркс номли ва бошқа колхозларда эса ўғитнинг қадрига етишмади. Натижада ҳар бир центнер пахта учун 10 килограммдан ўғит солинган бўлса ҳам ҳосил белгиланганидан жуда кам бўлди.

Биз ўтган йили йўл қўйилган бундай камчиликларни бу йил олдини олиш учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Ҳар бир картанинг кучига қараб ўғитлаш учун ҳаракат қиляпмиз. Эндиликда ҳосилдорликни ошириш учун минерал ва маҳаллий ўғитлардан ишнинг кўзини билган ҳолда фойдаланамиз. Кўпгина карталаримизга экишгача бўлган вақт ичида ўғитнинг кўп қисмини ерга солиб қўйдик. Бу эса экилган чигитнинг ердан бақувват бўлиб уни чиқишига хизмат қилади. Бу йил 90 минг тонна компост тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ҳозир 50 минг тоннадан кўпроқ компост тайёрлаб қўйилди. Авваллари бу ишга етарли аҳамият бермас эдик. Натижада ҳар гектар ерга солинган компост бир ярим тоннани ҳам ташкил этмас эди. Бу йил эса ҳар бир гектар ерга камида 3 тоннадан компост солишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ўтган йили «Пискент» совхозида нефть чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасида анчагина иш қилинган эди. Бунинг натижаси яхши бўлди. Нефть чиқиндилари солинган ерларда ҳосилдорлик 8 центнергача кўпайди. Чигит уруғи нефть чиқиндилари билан ишланиб, экилган ерларда эса ҳосилдорлик гектар бошига 3,5 центнердан ортди. Биз бу йил ана шу тажрибани бошқа хўжаликларда ҳам кенг йўлга қўямиз.

Бошқарма партия комитети хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ишлар қилди. Раҳбар кадрларимиз химия билимлари билан қуролланмоқда. Жуда кўпгина колхоз, бригада бошлиқлари ишчан, тажрибали ва ташкилотчи кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди. Бизда звено тартибда ишлаш бу йил кенг қулоч ёйди. Деярлик ҳамма звено бошлиқлари механизаторлардан тайёрлаб қўйилди.

Бутун куч ва билимимизни маҳоратимизни ишга солиб бошқарма бўйича камида 62 минг тонна «оқ олтин» етиштириш, ғалла ҳосилини бир йилнинг ўзида 2,8 бараварга кўпайтириш учун кўрашамиз.

1—«Оққўрғон» совхозининг директори ўртоқ **Т. Набиев** совхозни қолоқликдан чиқариш йўлида қандай ишлар қилинганлигини гапириб, тажриба алмашди.

— Бизнинг совхоз, — деди у,— кўп йиллар қолоқ бўлиб келди. 1962 йилда ҳар гектаридан атиги 13 центнердан ҳосил олинди. Ўтган йили область партия комитети ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг партия комитети хўжаликни илғорлар қаторига кўтариш учун қатор тадбирларни белгилади.

Биз ишни аввало кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан бошладик. Кўпроқ механизацияга эътибор бердик.

Совхознинг энг қолоқ ҳисобланган 1-бўлимига «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозида колонна механиги бўлиб ишлаган ўртоқ Шовкат Атаманов бошқарувчи қилиб тайинланди. Бўлим бир йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни 27 центнерга етказди.

Биз деҳқончилик маданиятини оширишга катта аҳамият бердик. Ҳар бир картанинг тупроқ иқлим шароити ўрганиб чиқилди. Экишдан олдин ва экиш пайтида маданий ва маҳаллий ўғит солинди.

Илгари далаларни ўт босиб кетар эди. Ана шу офатнинг олдини олиш мақсадида механизация воситасида 1.100 тонна ғумай ва ажриқ илдизлари териб чиқариб ташланди.

Қисқа қилиб айтганда совхозимиз меҳнаткашларининг ўтган йилги ютуғи қувончли бўлди. Ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олдик. Натижада совхозимизнинг молиявий хўжалик аҳволи ҳам бирмунча яхшиланди. Давлатга 307 минг сўм соф фойда келтирдик, хўжалик рентабель хўжаликка айланди.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама ва кескин юксалтиришнинг равшан йўлини кўрсатиб берди.

Тўғрисини айтганда, илгари биз химияга, унинг ютуқларидан фойдаланишга эътибор бермас эдик.

Эндиликда бу камчилик батамом тугатилмоқда, Агрохимия лабораториясида иш қизғин. Агрономларимиз агрохимия лаборатория ходимлари билан биргаликда ер — тупроқ картасини тузиб чиқдилар. Энди биз қайси далага, қайси хилдаги дориларни, қайси вақтда беришни яхши биламиз.

Биз ернинг тузилиши ва ҳосилдорлигига қараб, 1964 йилдаги экинлар структурасини белгилаб чиқдик. Бу йил 3.325 гектар ерга чигит экиб, 8 минг тонна пахта етиштирамиз. Шунингдек 1800 тонна дон, 6000 тонна силос ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берамиз.

Совхозимиз меҳнаткашлари зиммага олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Бекободдаги Ленин номли колхознинг тюпкочи звено бошлиғи **А. Усмонов** ўз звеносидаги илғор тажрибаларни қуйидагича ифодалаб берди:

— 1962 йили дўстим Валентин Тюпко ташаббусига қўшилиб, камҳосилли 40 гектар ерни ажратиб олиб, алоҳида звено ташкил этган эдик. Звенода 4 киши ишлади. Биз ерга сифатли ишлов бердик, чуқур қилиб ҳайдадик. Ёввойи ўт илдизлари териб ташланди. Натижада ўша йили гектаридан 26 центнердан пахта териб олдик. Техникадан яхши фойдаланганимиз сабабли ҳар меҳнат кунига 1 сўм 80 тийиндан ҳақ олдик.

Бу йил ўтган йилдагига қараганда меҳнатни янада тежаб пахта етиштирамиз, 45 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш учун курашамиз.

Бу йил колхозимизда бизнинг сингари тюпкочи звенолар сафи кенгайди. Уларнинг сони 12 га етди. Улар ҳам техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни агротехниканинг бошқа тадбирлари билан боғлаб олиб бориб, арзон ва мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг проректори ўртоқ **А. А. Колдаев** ўз нутқини ернинг ҳосилдорлигини ошириш масалаларига бағишлади.

— Тошкент областининг илғор хўжаликларида, — деди у, — азот, фосфор ва калий ўғитларидан самарали фойдаланишлари орқасида деҳқончилик маданияти йил сайин яхшиланмоқда. Ишнинг кўзини билган деҳқонлар гектар бошига ҳосилдорликни ошириб боришяпти. Буни «Пискент» совхози мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили ўртоқ Д. Гайдаров бошлиқ бригадада ҳар гектар ерга 56 килограмм соф азот солиб ҳар гектар ердан 31 центнерга етказиб ҳосил олинди. Бунинг сири шу бўлдики, бригада ерларига ўғит барвақт солинди. Ғўзанинг бақувват бўлиши учун барча чораларни кўрди. Азот, фосфор, калий ўғитлари агротехника муддатларида солинди. Натижада ғўзалар нимжон бўлмади, яйраб ўсди, ҳосили кўп бўлди ва барвақт етилди. Ҳосилдорлик ошди. Лекин ўртоқ Р. Қодиров бошлиқ бригадада ана шундай иш қилинмади. Ўғитлар белгиланган муддатларда солинмади. Жуда кўп ўғитнинг кучи кетгач ерга солинди. Бунинг орқасида ҳосил кам бўлди. 13,3 центнердан ҳосил олинди, холос.

Ҳосилдорликни оширишда бўр, мис, молибден, марганец, кобальт ва бошқа микроэлементлардан фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу микроэлементлар ўсимликнинг биологик ўсиш хусусиятларини тезлаштиради. Бу элементлардан фақатгина пахтачиликда фойдаланиш ярамайди. Ғалла, дон-дуккакли экинлар, лавлаги, сабзавот, полиз экинларида ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу элементлардан яхши фойдаланаётган пахтакорлар ҳосилдорликни 2—4 центнерга кўпайтириш билан бирга пахтанинг 2—5 кун олдин етилишига эришмоқдалар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ўтган йили уруғлик чигитларнинг микроэлементлар ёрдами билан дорилаб кўриш яхши натижалар берди. Бу ерда чигит аммоний молибдат билан аралаштирилди. 60 — 70 литр сувга 50 грамм ҳисобида аммоний молибдат солиниб, 100 килограмм уруғлик ивитилди. Кейин экилди. Натижада чигит яхши униб чиқди, ўсимлик касалланмади кўчати текис бўлди. Чаноқдаги ҳар бир чигит бақувват бўлди.

Ўртоқ Колдаев ўз нутқида қишлоқ хўжалик институтининг ходимлари пахтачиликни, сабзавотчиликни ва картошкани ҳосилдорлигини оширишда деҳқонлар билан ҳамкорликда ишлаётганлигини батафсил гапирди.

Нотиқ колхоз ва совхозларда пиллачиликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ўтган йили колхозимиз меҳнаткашлари Ватанга пландан ташқари 1.000 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар, — дейди Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси ўртоқ **М. Рўзиметов**, — маҳсулдорликни ошириш ҳисобига колхоз аъзоларининг бир меҳнат кунига тўланадиган ҳақ 1 сўм 20 тийиндан кўпайди. Колхозимизда хўжалик ҳисоби тўла жорий этилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши гектаридан кўпроқ ҳосил олиб, харажатни мумкин қадар камайтириш учун курашади.

Мана, тўрт йилдирки, бизда сифатсиз ишнинг қабул қилиб олинишига сира йўл қўйилмайди. Чунки ҳар бир бригада ва ҳар бир звенода қатъий назорат ўрнатилган. Ҳамма иш, ҳар бир тадбир маълум бир график асосида амалга оширилади. Жумладан биз ўтган йилнинг 31 декабрь куни барча техникамизни тўла ремонтдан чиқариб қўйганмиз. Қисқа қилиб айтганда кўкламга ҳамма нарсамиз шай. Сўнгра ўртоқ Рўзиметов ўтган йили колхозда пахта плани 35 кун ичида қандай қилиб бажарилганлигини сўзлаб беради: чигитни ернинг ўз намига ундириб оламиз. Яганани ҳаммадан илгари туғаллаб, чеканкани ҳам эрта ўтказамиз.

Озуқани барвақт берамиз, ёш ниҳолларнинг бақувват бўлиб ўсишида эрта озиқлантиришнинг аҳамияти катта. Энг муҳими шуки, деҳқонларимизнинг «оқ олтин»га меҳри, муҳаббати чексиз. Каттадан кичик ҳар бир киши планни барвақт тўлдириш мақсадида эрта куздан қайғуради.

Бу йил янада қувончли натижаларга эришиш учун курашамиз.

Минбарда «Қизил Ту» колхозининг донгдор чўпони **А. Эштоев.** Ўртоқ Эштоев совлиқлардан икки йилда уч марта қўзи олишнинг ташаббускорларидан. Чўпон ўзининг ана шу соҳадаги тажрибалари билан ўртоқлашади.

— Колхозимиз меҳнаткашлари ҳар йили гўшт, сут, сабзавот, қовун-тарвуз етиштириш планларини муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Бизда қўйчилик хўжаликнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Мен кўп йиллардан буён чўпонлик қилиб келаман. Тажриба шуни кўрсатдики, совлиқлардан кўпроқ қўзи олиш учун уларни доимо семиртириб боқиш, озуғидан, сувидан хабар олиб туриш лозим. Ўтган йили ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олдик, ҳар юз бош совлиқдан 120-130 тага етказиб қўзи олинди.

Бу йил қўйчиликни ривожлантиришда янги марраларга интилмоқдамиз. Мўлжалимиз ҳар юз совлиқдан кам деганда 120 тадан қўзи олишдир, ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олинади. Ана шу мақсадда ҳар биримиз бир ёқадан бош чиқариб, фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

— Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш,— дейди ўз нутқида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия комитетининг секретари ўртоқ В. И. Пак,— партия ташкилотларимиз зиммасига улуғвор вазифани қўйди. Эндиликда совхоз коммунистлари, комсомоллари, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар Пленум материалларини кенг меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилмоқдалар. Ҳар бир суҳбат ишлаб чиқаришга боғланган ҳолда олиб борилмоқда.

Биз Пленум қарорига қатъий амал қилиб, бу йил ҳосилдорликни кескин равишда кўтарамиз, янги марраларни қўлга киритиш учун ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йилга нисбатан ҳосилдорликни 200 тоннага кўтариб давлатга ҳаммаси бўлиб 13500 тонна «оқ олтин» топширамиз. Совхозимиз бўйича ҳар бир гектар ердан олинадиган пахтанинг ҳосилини 33 центнерга етказамиз. Ғалла экинларини эса икки бараварга кўпайтирамиз. Ўтган йилдаги камчиликларни тугатиб, сабзавот ва полиз экинларидан олинадиган ҳосилни беш мартага, картошка ҳосилини эса тўрт мартага кўпайтирамиз.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда нималарга риоя қиламиз? Аввало биз маданий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни намунали йўлга қўямиз. Ҳар бир ернинг кучига ва талабига қараб озиқлантирамиз. Бизда шу кеча-кундузда деҳқонларимиз ҳар бир гектар ерга ўтган йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ ўғит солиш учун ҳаракат қилишмоқда. Ҳар гектар ерга камида 12 тоннадан гўнг соламиз. Ўғитнинг 60 проценти экишгача бўлган вақтда солинади. Маданий ўғитни экиш билан бир вақтда солиб, ғўзанинг тез ривожланишини таъминлаш учун илғор агротехника фани ютуқларидан кенг фойдаланамиз.

Экишга ҳартарафлама шаймиз. Тракторларимиз тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Кадрлар танланди. Бу йил мавсумда 100 экиш агрегатлари ишлайди. Ҳозир биз жойларда кадрлар билан чигитни аниқ квадратларда экиш юзасидан практик машғулотларни ўтказмоқдамиз.

Ўртоқ Пак ўз сўзида қишлоқларда уй-жой қурилишини кенг авж олдириш, мактабларга эътиборни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Минбарда Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи ўртоқ **Озода Маматова.**

— Колхозимизда пахта асосий экин, лекин биз бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ҳам асосий иш деб ҳисоблаймиз. 1964 йилда мўл-кўл ғалла олинишини таъминлаш мақсадида дон етиштириладиган майдонлардан икки марта ҳосил олиш учун юз центнерчилар кураши қизиб кетди. Бугунги кунга 550 гектар баҳорикор ерга, 150 гектар суғориладиган ерга дон сепиб қўйдик. Баҳорикор ернинг ҳар гектаридан 10—12 суғориладиган ерларнинг гектаридан 32 центнердан ғалла етиштиришга аҳд қилганмиз. Суғориладиган ердаги ғаллани ўриб олгач, ўрнига маккажўхори экамиз. Ҳар гектаридан 50 центнердан дон етиштиришни мўлжаллаяпмиз.

Мен бошқараётган комплекс механизациялашган бригада бу йил 60 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштириш учун курашади. Барча майдонни шудгор қилиб, ўғитга тўйдириб қўйдик.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **А. Матқобуловга** сўз берилади.

Колхозчиларимиз ўтган йили 1700 гектар ерда пахта, 500 гектар ерда сабзавот ва бошқа экин етиштириб, деҳқончилик соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Мамлакатга 5500 тонна пахта етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларидан илҳомланган колхозчиларимиз бу йил деҳқончилик маданиятини янада юксалтириб, химия ва илғор фан ютуқларини кенг қўлланиб, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга отландилар. Бунинг учун бизда барча шарт-шароит бор, техникамиз етарли, малакали кадрларга эгамиз. Ерларимизни эрта кузда шудгор қилиб, ўғитлаб қўйганмиз.

Шуни айтиш керакки, бизда экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун имконият йўқ. Шунинг учун бизнинг бош йўлимиз ҳосилдорликни оширишдир.

Ариқ-зовурларни тозалаб, техникани шай қилиб қўйдик, уруғ сара бўлса, ҳосил бўлиқ бўлади. Ана шуни ҳисобга олиб, уруғни саралаяпмиз.

Бу йилги марраммиз қуйидагича: 1510 гектар ерга чигит экиб, давлатга 5300 тонна пахта сотиш учун курашамиз, шунингдек 2900 тонна картошка, 1600 тонна сут, 210 тонна гўшт етказиб берамиз. Ҳаммаси бўлиб, 35 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширамиз.

Донни кўпайтириш йўлида бошланган курашда ҳам авангард бўлиш учун курашамиз. 100 гектар ерга буғдой экиб қўйганмиз. Маккажўхори, нўхат ва бошқа дуккакли экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштирамиз.

— Ўтган йили, — деди ўз сўзида Ўрта Чирчиқдаги Киров номли совхознинг директори ўртоқ **Ф. Муталов.**— хўжалигимизда план бажарилмади. Айниқса, пахтадан кам ҳосил етиштирилди. Шунингдек, ғалла, маккажўхори етиштиришда ҳам каттагина камчиликка йўл қўйилди. Чорва молларидан сут соғиб олиш камайиб кетди.

Совхозимиз коллективи партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорларини атрофлича ўрганиб ўтган йилги доғни ювиш учун қатъий бел боғлашди. Биз механизациядан, маҳаллий ва маданий ўғитдан кенг фойдаланиб, ҳосилдорликни гектар бошига ошириш учун ҳаракат қиляпмиз, кам ҳосил бераётган карталарга қўшимча равишда маданий ва минерал ўғит ташиб чиқарилмоқда. Ҳозир биз 9 минг тонна маҳаллий ўғитдан 6 минг тоннасини тайёрлаб қўйдик. 3 минг тонна компост қилинди. Бригада ва звено бошлиқлари кадрлар билан мустаҳкамланди. Қобилиятсиз, ишни уддалай олмаган кишилар вазифасидан озод қилинди. Шу билан бирга ҳар бир бригада ва бўлим етарли миқдорда ишчи кучи ва техника билан таъминланди. Биз ҳосилдорликни ошириш мақсадида 4800 гектар пахта майдонимиздан 3500 гектарини квадрат-уялаб экамиз. Бизда ерларимиз тоза эмас. Кўп жойларда ғумай ва бошқа бегона ўтлар кўп. Ана шуларни яқин кунлар ичида илдизи билан йиғиштириб оламиз, сўнгра экишга киришамиз. Бу соҳадаги ишимиз жуда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, бизда сизот сувлар жуда яқин. Лекин шунга қарамай ариқ-зовурларни тозалаш, айниқса сизот сувларни йўқотиш ишида жиддий камчиликларга эгамиз. Бу соҳада бизга бошқарма ва область суғориш бошқармасининг ходимлари жуда ёмон ёрдам беришмоқда.

Совхозимиз деҳқонлари бутун куч ва ғайратларини ишга солиб дала ишларини намунали йўлга қўядилар.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **М. Убайдуллаева** шаҳар аҳолисини сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси билан боғлиқ бўлган ишлар ҳақида сўзлайди.

— КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларидан руҳланган колхозчиларимиз, совхозларнинг ишчилари, — дейди у, — 1964 йилда ички ресурслардан мумкин қадар унумли фойдаланиш йўли билан ҳосилдорликни ошириш тадбирларини белгилаб олдилар. Бу йил бошқармамиз хўжаликларида 7174 гектар майдонда сабзавот, 6275 гектар ерда картошка ва 2121 гектар ерда қовун-тарвуз етиштирилади. Ҳар гектардан олинадиган сабзавот ҳосилини 155 центнерданга етказилиб, ялпи ҳосил 113 минг тонна бўлади, ҳар гектаридан 110 центнердан картошка олиб, жами 7200 тонна картошка етказиб беришни планлаштирдик.

Илғор фан ютуқларини жорий қилиб, ҳосилдорликни ошириш учун курашамиз. Жумладан, бу йил 33 гектар ерда янги усул — полиэтилен ва пленка усулида эртаги сабзавот етиштирилади. Шу йўл билан 415 тонна эртаги памидор ва бодринг ҳосили олишни мўлжаллаяпмиз.

Булардан ташқари бошқармамизда 1964 йилда 3307 гектар ерга ғалла ва 1111 гектар ерга дон ва нўхат экилади. Ана шу майдондан икки марта ҳосил олинади. Дон йиғиб олингач, бўшаган ерларга кечки сабзавот ва картошка экамиз. Бошқарма бўйича бу йил 3,5 минг тонна ғалла ҳосили олиш кўзда тутилади.

Очиқ айтиш керакки, бизда ҳозир сабзавот, картошка, лавлаги ва бошқа экинлар экиш суръати ўтган йилдагидан анча паст. Биз бу камчиликни тезда тугатиш учун курашамиз. Жонажон республикамизнинг 40 йиллик тўйига бизнинг бошқармамиз она-Ватанга 122.200 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари совға қилади.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтининг илмий ходими ўртоқ **Р. Раҳмоновнинг** сўзини зўр эътибор билан тинглади. Ўртоқ Раҳмонов ўз сўзида химия, биохимия ва физиология фанининг деҳқончиликдаги роли ниҳоят катта эканлигини кўпгина мисоллар билан айтиб берди.

— Микроэлементлар,— деди у, —пахтанинг озуқа моддаси ҳисобланади. У ўсимликнинг ҳақиқий витаминидир. Ундан қанчалик кўп фойдаланилса, ўсимлик шунча яхши ўсади, сер ҳосил бўлади. Кейинги вақтда илмий ходимларимиз областнинг, шунингдек республиканинг кўпгина районларида пахтачиликда микроэлементлардан фойдаланиш юзасидан анчагина тажриба ишларини олиб бордилар. Тажриба шуни кўрсатдики, микроэлементлардан унумли ва самарали фойдаланилган ерларда ҳосилдорлик муттасил равишда ортган. Шу билан бирга ўсимликлар ҳар қандай касалликларга чидамли бўлиб ривожланган. Янгийўлдаги Свердлов номли колхозда 50 гектар ерга шу микроэлементлар ёрдами билан чигит экилганди. Натижада ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил 35,5 центнерга етди. Микроэлементларнинг ёрдами туфайли ҳосилдорлик гектар бошига 4,5 центнердан ортди. Айниқса микроэлементлар ёрдами билан чигит дориланиб экилган ерларда ҳосил яхши бўлди. Янтар кислотаси билан дориланган чигитлар жуда бақувват бўлди.

Биз ҳамма колхоз ва совхозларда микроэлементлардан деҳқончиликда кўпроқ фойдаланишимиз керак.

Пленумда Тошкент области билан мусобақадош Қозоғистон ССР Чимкент область партия комитетининг секретари **С. К. Задин**, Сирдарё область партия комитетининг секретари **Ғ. Обидов** ўртоқлар ҳам сўзладилар.

1964 йилда Қозоғистон ССРнинг Чимкент области билан Тошкент области ўртасида социалистик мусобақани давом эттиришга қарор қилинди. Шунингдек янги ташкил этилган Сирдарё области билан ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш юзасидан ўзаро мусобақалашишга аҳд қилинди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар партия комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича давлат комитети шу йил 10 мартда рус матбаачилигининнг 400 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказади. Кеча Муқимий номли театрда кеч соат 7 да очилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

3

Р. 02281. ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1709.